

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ  
ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ  
Тошкент Архитектура-қурилиш институти**

**Кўлёзма хукуқида  
УДК: 51(077)+37(077)**

**ИБРАГИМОВ Исмоил Усмонович**

**ТЕХНИКА ЙЎНАЛИШИДАГИ АКАДЕМИК ЛИЦЕЙЛАРДА  
МАТЕМАТИКА ЎҚИТИШ ХУСУСИЯТЛАРИ**

**13.00.02 - математика ўқитиш назарияси ва методикаси**

**педагогика фанлари номзоди илмий даражасини  
олиш учун ёзилган**

**ДИССЕРТАЦИЯ**

**Илмий раҳбар: педагогика фанлари доктори,  
профессор Икромов Ж.**

**Тошкент - 2005**

# **М У Н Д А Р И Ж А**

Бет

<b>Кириш.....</b>	3
-------------------	---

## **1-б о б . Техника йўналишидаги академик лицейларда математика курси мазмунини танлашга ёндашувларнинг назарий жиҳатдан асосланиши**

1.1. Таълимнинг табақалаштирилган тизимида техника йўналиши.....	
1.2. Техника йўналишидаги академик лицейларда таълим олаётган ўқувчиларнинг психологик ва психофизиологик хусусиятлари.....	
1.3. Техника йўналишидаги академик лицейларда математик таълим мазмунини танлаш мезонлари.....	

## **2-б о б . Техника йўналишидаги академик лицейларда математик таълим методикаси хусусиятлари**

2.1. Техника йўналишидаги академик лицейларда математик таълим мазмуни хусусиятлари.....	
2.2. Техника йўналишидаги академик лицейларда математик таълимнинг ўзига хос хусусиятлари.....	
2.3. Ўқув дастурининг “Тажрибий ҳисоблаш методлари” бўлумини ўрганиш бўйича методик тавсиялар.....	

## **3-б о б . Педагогик тажриба-синов ишларини ташкил қилиш ва унинг натижалари**

3.1. Тажриба-синов ишларини ташкил қилиш ва ўтказиш.....	
3.2. Тажриба-синов ишлари натижаларига математик-статистик жиҳатдан ишлов бериш.....	

<b>Хуносалар.....</b>	
-----------------------	--

## **Фойдаланилган адабиётлар рўйхати.....**

*Математика - бўлажак математиклар учун мақсад, бўлажак муҳандислар учун эса воситадир.*

**А.Н. Крилов**

## **К И Р И Ш**

**Муаммонинг долзарблиги ва бажарилганлик даражаси.** Академик лицейларда математика таълимда ўқувчиларнинг қизиқиши, қобилият ва мойилликларини эътиборга олишнинг муҳим **омили ва** шарти-бу таълим-тарбия жараёнини **табақалаштириш** (дифференциациялаш)дир. Жамият ўзини ўзи англаб етган ҳозирги даврда “Таълим тўғрисида”ги Қонун ва “Кадрлар тайёрлаш миллий дастури” ғоялари асосида узлуксиз таълим тизимини янгилаш ишлари ривожланаётган шахснинг интеллектуал ва маънавий-маърифий эҳтиёжларини максимал даражада қаноатлантириш йўналишида амалга оширилмоқда. Бунда ўқувчиларнинг қизиқиши, қобилият ва мойилликларини оптимал даражада ривожлантириш, таълимни индивидуаллаштириш муаммолари олдинги ўринларга қўйилмоқда. Бу муаммоларни ҳал қилишнинг “Кадрлар тайёрлаш миллий дастури” сифат босқичи жараёнидаги истиқболли йўллари узлуксиз таълим тизимини ислоҳ қилишнинг асосий йўналишларидан бири былган таълимни инсонпарварлаштириш ва табақалаштириш орқали очилади. Унда “**ўқувчиларнинг имкониятлари ва қизиқишларини ҳисобга олган ҳолда уларнинг жадал интеллектуал ривожланиши учун чукур, соҳалаштирилган, табақалаштирилган, касбга йўналтирилган таълим олишини таъминлайди**” (3;3.3.3), –деб таъкидланган.

Касбий таълим тизими олдида турган ҳар томонлама ривожланган шахси шакллантириш масаласи республикамиз мустақилликка эришгунига қадар реал гуманистик йўналишга эга бўлмаган, чунки унда ўқувчиларнинг ўзларининг эҳтиёжлари эътиборга олинмаган. Таълим муассасаларида мавжуд бўлган ўқув

фанларини чуқурлаштириб ўқитиш синфлари ва мактаблари барча ўқувчиларнинг интеллектуал эҳтиёжларини қондиришни эътиборга олиш лозимлигини уддасидан чиқа олмади; улар фақат дунёвий билимларнинг у ёки бу соҳасига қизиқиши намойиш этган ўқувчиларни ўқитишгагина қаратилган эди холос. Аксарият кўпчилик ўқувчилар эса ягона ўкув дастурлари бўйича таълим олганлар.

Хозирги даврда жамиятнинг таълимга бўлган ижтимоий буюртмаси туб ўзгаришларга учради: ҳар бир ўқувчига ўзининг қизиқиши, қобилият ва мойилликларини эътиборга олган ҳолда таълимнинг аниқ мақсадларига эришишлари учун кенг имкониятлар яратиб бериш назарда тутилмоқда. Ижтимоий буюртмани таълимнинг ривожлантирувчи вазифалари заминида амалга ошириш воситаси бўлиб ўрта маҳсус, касбий таълим тизими хизмат қилмоқда.

Ўрта маҳсус, касбий таълимнинг мақсади—ўқувчиларни жадал интеллектуал ривожлантириш, уларга чукур, ихтисосий ва табақалаштирилган таълим бериш, ўқувчилар ўзларининг қизиқиши, қобилият ва мойилликларига мос ҳолда ихтисосликларни эгаллашларига эришишдан иборат.

**“Академик лицейларда ўқувчилар ўзлари танлаб олган таълим йўналиши бўйича (гуманитар, табиий-илмий, техника, аграр ва бошқа соҳалар) билим савияларини ошириш ҳамда фанни чукур ўрганишга қаратилган маҳсус касб-хунар кўникмаларини ўзларида шакллантириш имкониятига эга бўладилар” (3;3.3.3).** Шу туфайли академий лицейлар бўйича Давлат таълим стандартларида 5 та йирик йўналиш қайд этилган: аниқ фанлар, табиий фанлар, ижтимоий-гуманитар фанлар, хорижий филология, санъатшунослик.

Ўрта маҳсус, касбий таълим икки турдаги таълим муассасаларида, хусусан академик лицейларда ва касб-хунар коллажларида кундузги ўқиши шаклида амалга оширилади.

Академик лицейлар ва касб-хунар коллажлари таълимнинг кейинги босқичларида ўқиши давом эттириш ёки эгалланган ихтисос ва касб-хунар бўйича меҳнат фаолияти билан шугулланиш хуқуқини беради.

Ўрта махсус, касбий таълим Давлат таълим стандартларига мос таълимий ва касбий дастурни амалга оширишни таъминлаши зарур.

Давлат таълим стандартлари умумий ўрта, касбий ва ўқув дастурларининг махсус бўлимлар, шунингдек, алоҳида ҳар бир касб ёки мутахассислик учун ишлаб чиқилмоқда.

Ўрта махсус, касбий таълим Давлат таълим стандартлари томонидан белгиланган қуидаги бўлимларни ўз ичига олади:

- **умумтаълим** дастурлари –академик лицейлар ва касб-хунар коллежлари (таълимни бакалавриатда давом эттириш учун асос бўлади);
- фанлар ва йўналишлар бўйича чуқурлаштирилган, **ихтисосий таълим дастурлари** –академик лицейлар учун;
- **касбий дастурлар** –касб-хунар коллежлари учун.

“Кадрлар тайёрлаш миллий дастури”да алоҳида таъкидланганидек, “иктидорли, юксак истеъодод соҳибларига ва фаннинг аниқ йўналишлари бўйича ўз табиий қобилиятларини намоён этиш ва ривожлантириш, ўзларидаги ноёб истеъододни рўёбга чиқариш учун кенг имкониятлар яратилади” (3;4.5).

Академик лицейларда ўқувчиларнинг қизиқиши, қобилият ва мойилликларини инобатга олишнинг энг мақбул йўли–бу таълим-тарбия жараёнини, жумладан, математика фанини ўқитишни, табакалаштириш (дифференциациялаш) экан, бунинг туб мазмун-моҳияти нимада, деган савол туғилиши табиий.

**Табакалаштирилган** деганда таълимнинг шундай тизими니 тушунамизки, бунда ҳар бир ўқувчи доимий ўзгарувчи ҳаётий шарт-шароитларда минимал даражадаги умумтаълим тайёргарлигига эга бўлган ҳолда ўзининг интилишига афзал даражада диққат-эътибор қаратишга ҳуқуқ ва кафолат беради (54,5-бет; 66). Бундай ҳолларда таълим, одатга қўра, бир нечта ҳар хил ўқув дастурлари ва режалари асосида олиб борилади.

Бундай ҳолда ҳар бир ўқувчи ўзининг шахсий қизиқишиларини қаноатлантириши ва жамият интеллектуал потенциалдан максимал даражада фойдаланиши учун ўз индивидуал қобилиятларини рўёбга чиқариши мумкин.

**Таълим жараёнини табақалаштиришнинг психологик-педагогик жиҳатлари** Мустақил Давлатлар Ҳамдўстлиги мамлакатларида таникли психолог ва педагог олимлардан П.П.Блонский(29), Н.К.Гончаров(47), Л.В.Занков(56), И.Я.Лернер(82), М.Н.Скаткин ва В.В. Краевский(117), Н.М. Шахмаев(134), Д.Б.Эльконин(135), И.С.Якиманская(139) ва бошқаларнинг ишларида акс этган. Уларнинг илмий-тадқиқот ишлари таълимнинг табақалашган-гурух шакли масалаларига, индивидуал таълим методлари, воситалари ва шаклларини такомиллаштиришга қаратилган.

**Таълимни табақалаштириш**, айниқса мактаб ўқув фани(предмети)–**математикага** нисбатан алоҳида аҳамият касб этади, чунки математика бевосита реал дунёдаги нарса ва ҳодисалар билан эмас, балки уларнинг миқдорий муносабатлари ва фазовий шакллари билан иш қўради.

**Математика ўқитишини табақалаштиришнинг ҳозирги замон талқини таълимнинг икки, яъни концептуал ва операционал томонларига бевосита тегишли. Булар эса ўз навбатида табақалаштиришнинг икки –даражавий ва ихтисосий турларини қамраб олади.**

**Даражавий табақалаштириш принциплари**га риоя қилиш деганда, олдиндан режалаштирилган турли даражалардаги дастурий материални ўқувчилар томонидан ўзлаштирилиши тушунилади(54, 5-бет). Академик лицейларда турли дастурлар бўйича ўқитиши жараёни **ихтисосий табақалаштиришнинг туб моҳияти** –ўқувчиларнинг танлаган йўналишлари бўйича максимал даражада ривожланишлари мақсадида уларнинг психологик ва психофизиологик хусусиятларини ҳисобга олишдан иборат эканлигини билдиради (129, 7-бет). Шунга мос равишда ихтисосий табақалаштириш ўқув дастурида кўрсатилган ўқув материали уни баён қилишда чукурлаштирилганлиги ва кенгайтирилганлиги, ўқув маълумотларининг ҳажми ҳамда уларни ўрганиш учун киритилган масалалар йўналтирилганлиги ва татбиқийлигини назарда тутади. Чунки таникли математик А.А. Ляпунов таъкидлаганидек, ҳақиқий аҳамиятга молик билимлар инсоннинг эшитганларига қараб эмас, балки улардан фойдаланиш малакаларига қараб таркиб топади (85, 116-бет). Математикани

чукурлаштириб ўрганиш синфларидан фарқли ўлароқ, ихтисосий таълим математикани ўрганишга қизиқишни намоён этган кўпроқ сондаги ўқувчиларни қамраб олади (96).

Таълимни табақалаштириш билан у ёки бу даражада боғлиқ бўлган мактаб математика таълими мазмунини танлаш муаммолари математик-педагог олимлар- Н.И.Билибин(28), З.Бистров(36), А.Н.Колмогоров(73), А.Н.Крилов(78), В.А.Оганесян(99), В.Б.Струве(120) ва бошқалар томонидан майдонга ташланган.

Математик таълимни табақалаштириш муаммоларини ҳал қилишга ҳозирги замон нуқтаи назаридан ёндашишларнинг турли жиҳатлари Б. Абдуллаева(8), Г.Р.Алиматова(13), А.Ю.Бакирова(23), В.Г.Болтянский ва Г.Д.Глейзер(32), Н.Р. Файбуллаев(41), Е.Ю.Голованова(45), В.А.Гусев(50), Г.В.Дорофеев(54), Ю.М.Колягин(74), И.А.Лурье(84), Н.В.Метельский(93), К.Н.Мешалкина(95), В.М.Монахов(96), А.Норматов(98), Ш.А.Саипназаров(113), М.Тожиев(121), Т.Р.Тўлаганов(124), Н.Е.Федорова(127), В.В.Фирсов(129), Н.О.Эшпўлатов(138), ларнинг ишларида ўрганилган. Масалан: ихтисосга йўналтириб таълим бериш методлари, у ёки бу соҳага йўналтирилган синфларда математик таълим мазмунини шакллантириш йўллари, амалдаги математик таълим мазмуни доирасида уни даражавий табақалаштириш ва бошқалар. З.Батори(25), Ф.Клейн(71), Д.А.Коудлинг(76), Г.Нойнер(97), Г.Фройденталь(130), Ф.Холлз(132), М.Р.Cohen(142), K.Ruddiman(155) ва бошқа чет эл мутахассислари ўкув материали мазмунини такомиллаштириш; ҳар хил ихтисосликлар ёки меҳнат фаолиятининг турли соҳалари бўйича математик таълимнинг муҳимлик даражалари; мактаб математика курсининг татбиқий йўналганлигига оид муаммолар асосида фикр юритганлар.

Таълимни табақалаштириш соҳасидаги аксарият диссертация ишлари яқин вақтларгача асосан бир умумтаълим, жумладан, математика дастури доирасида таълимга табақалашган ҳолда ёндашиш муаммоларига қаратиб келинган. Мазкур муаммони янги концепция ва янги шароитларда ҳал қилиш йўлларини излаш Б. Абдуллаева(8), Г.Р. Алиматова(13), А.Ю. Бакирова(23), Е.Ю.Голованова(45),

В.А.Гусев(50), В.А.Оганесян(99), Ш.А.Саипназаров(113), Н.Е.Федорова(127), Н.О.Эшпўлатов(138) ва бошқаларнинг диссертацияларида акс этган.

Масалан, В.А.Гусев(50) томонидан ўрта мактабда математик таълимни табақалаштиришнинг турлари ва уларни амалга оширишнинг аниқ методик йўллари кўрсатилган.

Е.Ю.Голованова(45) ва Н.Е.Федорова(127)ларнинг ишларида гуманитар йўналишдаги синфларда ихтисосий табақалаштириш муаммоларига эътибор қаратилган: математика ўқитишнинг методик хусусиятлари ва ўқув-методик мажмуасини (комплексини) шакллантириш талабларини амалга ошириш (асосан, гуманитар йўналишдаги синфлар учун).

Н.О.Эшпўлатов(138)нинг диссертацияси, айниқса математика ўқитишнинг татбиқий йўналганлигини кучайтириш нуқтаи назардан қараганда, бугунги кун талабларига тўла жавоб бера оладиган илмий-тадқиқот ишларидан бири ҳисобланади. Унинг тадқиқотларида(138, 67-бет) татбиқий масалаларни микрокалькулятордан фойдаланиб ечишнинг босқичлари(масаланинг қўйилиши; масалани математик тилда ифодалаш; унинг ечиш методини танлаш; танланган метод асосида масаланинг ечилиш алгоритмини тузиш; тузилган алгоритмни блок-схема кўринишида тасвирлаш; ЭҲМ ёки микрокалькулятор учун дастур тузиш; дастур иш қобилиятини ошириш учун хатолар бўлса, уларни тўғрилаш; дастурни ишга тушириш ва масаланинг ечимини ҳосил қилиш; бу ечимни берилган(дастлабки) масалада ифодаланган тилдаги терминларда талқин қилиш) янги педагогик ва информацион технологияларни, таълимнинг фаол ва инновацион методларини қўллаш нуқтаи назаридан ойдинлаштирилган. Унга мувофиқ, ўқувчилар микрокалькулятордан дастурлаштирилган режимда фойдаланишларида татбиқий масалаларни ечиш бир неча босқичларни ўз ичига олиши( масалани таҳлил қилиш; унинг ечилиш алгоритмини тузиш; дастурни лойиҳалаш; уни ишга тушириш; дастурни бажариш) амалий жиҳатдан аниқ қилиб кўрсатиб берилган.

Ш.А.Саипназаров(113)нинг иши иқтисодиётга йўналтирилган академик лицейларда иқтисодий мазмундаги масалалар системасини яратиш муаммоларига

бағишиланган. Б. Абдуллаева(8)нинг диссертациясида эса худди шу йўналишдаги лицей ўқувчиларида математик билимларни системалаштириш ва умумлаштириш йўллари ва воситаларидан фойдаланган ҳолда уларнинг математик тафаккурларини ривожлантириш кўрсатиб ўтилган. Г.Р. Алиматова(13) эса саноат йўналишидаги касб-ҳунар коллажларида математик таълимнинг ишлаб чиқариш йўналиши билан боғлаб олиб муаммоларини тадқиқ қилган.

Айрим диссертацион тадқиқотларда техника йўналишидаги таълим тизими니 техника ва технологиянинг, шунингдек, техника ишлаб чиқариш соҳасидаги бўлажак юқори малакали мутахассисларнинг техникавий фикрлаши (тафаккури)нинг ўзига хос услубларини ривожлантириш муаммолари санаб ўтилган холос. Уларда техника йўналишидаги академик лицейлар учун математик таълим мазмунини танлаш мезонларини ишлаб чиқиш ва шу асосда ўқув-тарбия жараёнини ташкил қилиш масалалари эътибордан четда қолиб кетган. Техника йўналишидаги таълим муассасаларида билим олаётган ўқувчиларнинг психологик ва психофизиологик хусусиятлари, ҳамда уларни амалиётга жорий этиш жиҳатлари батафсил очиб берилмаган. Маълумки, бу хусусиятларни инобатга олмасдан техника йўналишидаги академик лицейларда математик таълим методикасининг ўзига хос хусусиятларини аниqlаш мумкин эмас.

Шундай қилиб, **бир томондан**, техника йўналишидаги академик лицейларда математик таълим хусусиятларига бағишиланган илмий-тадқиқот ишларининг деярли камлиги, **иккинчи томондан** эса бу йўналишдаги илмий-тадқиқотларни олиб бориш зарурати мазкур ишнинг **долзарблигини** белгилаб беради.

**Тадқиқот муаммоси:** техника йўналишидаги академик лицейлар учун математик таълим мазмунини танлашнинг илмий-методик мезонларини ишлаб чиқиш ва уни ўқув жараёнида амалга оширишнинг методик хусусиятларини аниqlашдан иборат.

**Тадқиқот ишининг асосий мақсади:** техника йўналишидаги академик лицейларда математик таълим мазмунини ихтисосий табақалаштириш йўли билан

ўқувчиларнинг техникавий фикрлаш услубларини ривожлантиришнинг методик системасини такомиллаштиришдан иборат.

**Тадқиқот обьекти:** техника йўналишидаги академик лицейларда табақалаштирилган математик таълим жараёни, **предмети** эса ихтисосий табақалаштиришга йўналтирилган математик таълим мазмунини танлашнинг илмий-методик мезонларини ишлаб чиқиш ва уни жорий этишнинг шакл, метод ва воситаларини аниқлашдан иборат.

Тадқиқотнинг илмий **фарази**: техника йўналишидаги академик лицейларда ихтисосий табақалаштиришга қаратилган маҳсус ишлаб чиқилган мезонларга асосланган математик таълим мазмуни, ўқувчиларда техникавий фикрлаш услубларини характерловчи малакаларни ривожлантиришга замин яратади.

Илмий фаразни текшириш учун қўйидаги **вазифаларни** бажариш эҳтиёжи туғилди: 1) табқалаштирилган таълим тизимида техника йўналишининг ўрнини аниқлаш; 2) техникавий тафаккур услугбини ташкил этувчиларини аниқлаш; 3) техника йўналишидаги академик лицейларда таълим олаётган ўқувчилар шахсининг психологияк ва психофизиологик хусусиятларини аниқлаш; 4) техника йўналишидаги академик лицейлар учун математик таълим мазмунини танлаш мезонларини ишлаб чиқиш; 5) техника йўналишидаги академик лицейларда математика ўқитишининг мазмуний-методик жиҳатдан ўзига хосликларини кўрсатиш; 6) бу ўзига хосликларни техника йўналишидаги академик лицейлар математик таълим мазмунининг аник бир бўлими бўйича методик ишланмалар тайёрлашда амалга ошириш; 7) техника йўналишидаги академик лицейлар учун маҳсус ишлаб чиқилган “Тақрибий ҳисоблаш методлари” бўлимининг самарадорлигини тажриба-синовда текшириб кўриш; 8) техника йўналишидаги академик лицейларда математика таълими бўйича тўпланган илғор тажрибаларни ва олиб борилган 8 йиллик педагогик тадқиқотлар натижаларини умумлаштириш.

Бу вазифаларни ҳал қилиш учун қўйидаги илмий-тадқиқот **методлари**дан фойдаланилди: тадқиқот муаммосига доир мавжуд илмий-методик манба(адабиёт, диссертация, рисола, мақола ва ҳоказо)ларни танқидий нуқтаи назардан ўрганиш ва таҳлил қилиш; Ватанимиз ва чет эл мактаблари математика таълими

дастурлари бўйича олий ўқув юртлари, мактаблар, техникумлар учун ёзилган қўлланмаларни таҳлил қилиш; ихтисосий табақалаштириш билан боғлиқ бўлган Ватанимиз ва чет эл илгор педагогик тажрибаларини ўрганиш ва умумлаштириш; ўқитувчи, ўқувчи, техника ишлаб чиқариш соҳалари ходимлари орасида сўровномалар тўлдириш, улар билан сухбатлар ўтказиш; ўқув топшириқларини тузиш ва уларнинг самарадорлигини тажриба-синов йўли билан текшириш.

**Олинган натижалар ва уларнинг янгилиги:** техника йўналишидаги академик лицейлар учун ихтисослаштирилган математик таълим мазмуни зарурлиги асослаб берилди ва уни танлашнинг илмий-методик мезонлари ишлаб чиқилди; техникавий тафаккур услубининг ташкил этувчилари аниқланди; ўқувчиларнинг психолигик ва психофизиологик хусусиятлари ўрганилиб, шу асосда математик таълим мазмунига ойдинлик киритилди; математика курсида “Тақрибий ҳисоблаш методлари” алоҳида мавзу бўлиши тавсия этилди ва унга доир дарс ишланмалари тайёрланди.

**Тадқиқотнинг амалий аҳамияти:** диссертацияда ёритилган назарий мулоҳаза ва муайян кўрсатмалардан техника йўналишидаги академик лицейлар учун бошқа аниқ фанлардан ўқув-методика мажмуаси(дастур, дарслик, методик ишланмалар, таълим воситалари)ни такомиллаштириш, шунингдек, ижтимоий-иктисодий ҳаётимизнинг бошқа соҳалари бўйича мутахассислар тайёрлайдиган олий ўқув юртлари қошидаги академик лицейлар учун ўқув-методика таъминотини яратишда намуна сифатида фойдаланиш мумкин.

**Ҳимояга қўйидаги асосий ҳолатлар қўйилди:**

1. Техника йўналишидаги академик лицей ўқувчиларининг тадқиқ этилган психологик ва психофизиологик хусусиятлари, улар жараёнида аниқланган техникавий тафаккур услуби ташкил этувчилари.
2. Ихтисосий табақалаштиришга йўналтирилган математик таълим мазмунини танлашнинг илмий-методик мезонлари ва бу мезонларни амалиётга жорий этиш йўллари.

3. Техника йўналишидаги академик лицейлар математика курсининг тавсия этилган “Тақрибий ҳисоблаш методлари” мавзуси бўйича ишлаб чиқилган методик кўрсатмалар.
4. Тажриба-синов ишларининг математик-статистик жиҳатдан ишлови натижалари.

Тадқиқот иши хулоса ва таклифларининг **асосланганлиги** ҳамда **ишончлилиги** педагогика, психология, психофизиология ва математик таълим методикасининг энг сўнгги ютуқларига таянилганлиги; ўқитувчилар, методистлар ва техника ишлаб чиқариши соҳалари мутахассислари билан ўтказилган сўровнома натижаларининг илмий-методик жиҳатдан таҳлили; математиканинг айrim бўйимларини умумтаълим мактаблари ва академик лицейларда ўрганиш тажрибаларининг таҳлили; асосий назарий хулосаларни ҳаётга жорий этиш якунлари; ўтказилган тажриба-синов ишларининг ижобий натижалари билан тасдиқланади.

Тадқиқот натижаларининг **қўлланилиши**: диссертация ишининг асосий назарий ҳолатлари юзасидан Тошкент Архитектура-қурилиш институти “Касбий педагогика” кафедрасининг мажлисларида доимий равишда ҳисбот берилди(1997-2004 йиллар) ва диссертация мазкур кафедранинг кенгайтирилган мажлисида (2004 йил 19 январь), Низомий номидаги ТДПУ “Математика ва уни ўқитиши методикаси” кафедрасининг кенгайтирилган мажлисида (2004 йил 4 июль) ва шу университет физика-математика факультети ҳузуридаги илмий-методик семинарда (2004 йил 22 декабрь) муҳокама қилинди. Ўзбекистон Республикаси фан ва техника қўмитаси ташкил қилган алгоритмлаш ва дастурлашнинг замонавий муаммоларига бағишлиланган Республика илмий конференция материалларида маъруза матни (2001), Ўзбекистон Республикаси Солиқ академияси ташкил қилган таълим жараёнига янги педагогик технологияларни жорий этишга бағишлиланган Халқаро илмий-амалий конференция материалларида маъруза матни (2003 йил), ТАҚИ Илмий кенгаши тавсияси билан тақрибий ҳисоблаш методларига бағишлиланган алоҳида рисола

(2002 йил) ва “Халқ таълими” илмий-методик журналида мақолалар (2003-2004 йиллар) чоп эттирилди.

Тадқиқот натижалари Тошкент Архитектура-қурилиш институти ҳузуридаги лицейда ва Тошкент Давлат Техника университети қошидаги академик лицейда математика ўқитиши жараёнида оммавий равишда қўлланиб келинмоқда.

Диссертация кириш, уч боб, хulosалар ва фойдаланилган адабиётлар рўйхатидан иборат.

## **б и р и н ч и    б о б**

# **Техника йўналишидаги академик лицейларда математика курси мазмунини танлашга ёндашувларнинг назарий жиҳатдан асосланиши**

### **1.1. Таълимнинг табақалаштирилган тизимида техника йўналиши**

Таълимнинг ихтисосий табақалаштирилишини амалга ошириш жараёнида турли касб йўналишлари учун умумий бўлган ўқув-методика мажмуаларини ишлаб чиқиш кўзда тутилади. Ҳар бир касбий йўналиш бўйича таълим жараёнини методик жиҳатдан таъминлаш масаласини муваффақиятли ҳал қилиш учун, энг аввало, республикамиз ва чет эл мамлакатлари тажрибаларини танқидий нуқтаи назардан ўрганиш ва умумлаштириш лозим.

Математика бўйича ўқув дастурини ишлаб чиқишида мазкур фанни ўрганиш академик лицейлардаги турли касб йўналиши ўқувчиларининг умумтаълим тайёргарлигига нисбатан турли мақсадларни кўзлайди. Шунинг учун касб йўналишларини таълимнинг мақсадига кўра йирик туркумларга бирлаштириш табиийдир. Академик лицейларда математикани ўқитиш йўналишини танлашда биз кўпроқ хозирги Россия Федерацияси Умумий таълим институтининг математика лабораториясида ишлаб чиқилган концепция билан иш кўрдик (“Математика в школе” журналининг 1990 йил 4-сони, 21 – 27-бетлар). Бу концепцияга мувофиқ, 3 та: физика-математика йўналиши, техника йўналиши ва гуманитар йўналишлар ажратилади. Математика бўйича ўқув дастурларини ишлаб чиқишидаги бундай ёндашув, ўрта мактабларда табақалаштирилган таълим олиб бориладиган бошқа бир қатор чет эл мамлакатлари учун ҳам хос.

Дастлаб техника йўналишини Россия Федерацияси мактабларида қандай ўрин тутганини кўриб чиқамиз. Бу мактабларда табақалаштириш(дифференциациялаш) муаммоларини ҳал этиш борасида

муайян тажрибалар тўпланган. Бу масала айрим нашрларда(32; 50; 66; 95), етарлича тўлиқ бўлмаса-да, ёритилган.

XX асрнинг 20-йилларида қадар Россияда ўқувчиларга ўрта таълим турли ўқув юртларида берилган. “Классик мактаблар”, “грамматика мактаблари”, “гимназиялар” эса уларнинг тўғридан-тўғри ворислари эди(36).

Россияда XVII асрда классик ва грамматик мактабларда юнон ва лотин грамматикаси ҳамда антик адабиёт ўрганиларди. Академик лицейлар биринчи бўлиб, 1726 йилда 8 йиллик таълим муддати билан пайдо бўлган. 1862 йилдан қизлар гимназияси, 1863 йилдан ҳарбий гимназиялар очилди. Таъкидлаш жоизки, классик таълим расмий грамматик хусусиятга эга эди.

Саноат ва табиий фанларнинг ривожланиши билан “реал” (хақиқий) таълимга эҳтиёж пайдо бўлиб, у секин-аста умумий таълимга кириб борди. “Классик” ва “реал” таълим ўртасидаги кураш Европада ҳам асосан XIX аср охирида ўз ифодасини топди. 1864 йилда етти синфли 2 та: классик ва реал гимназияларнинг ташкил топиши билан фуркация (ўрта умумтаълим мактаби юқори синфларида ўқув фани гурухларида кўпроқ эътибор берилиб, йўналишлар бўйича ўқув режасини тузиш орқали касбга йўналтириш) бошланди, дейиш мумкин(47).

Классик гимназиялар ўқув режаси шундай тузилган эдики, ўқувчилар гимназияни тугатиб, умумий маълумот олганларидан сўнг, реал гимназия битиувчиларидан фарқ қилган ҳолда, университетга кириш ҳукуқига эга эди. Аммо реал гимназия ўқувчилари бошқа янада муҳим имтиёзга эга эди, яъни табиий-илмий фанларни ўрганишга анча кўпроқ вақт ажратилганди, бу эса маҳсус олий ўқув юртига кириш учун катта аҳамиятга эга бўлган.

Фуркациянинг ривожланишидаги иккинчи муҳим қадам деб, 1872 йилни ҳисоблаш мумкин. Бу даврда тугатилган реал гимназия ўрнига реал билим юртлари ташкил этилди. Уларда иккита: асосий ва тижорат бўлимлари бўлган. Кўшимча синфда эса учта: умумий, механика-техника ва кимё-техника бўлимлари бор эди. Иккинчи ва учинчи бўлимларда бир қанча маҳсус билимлар ўқитилган,

аммо реал билим юртларида олинадиган билимларнинг умумий ҳажми университетларга кириш имконини бермасди.

XX аср бошларида Россияда фуркация тўғрисидаги масала яна илгари сурилди: уни амалга оширишнинг кўпгина лойиҳалари таклиф этилди, бироқ уларнинг бирортаси ҳам деярли амалиётга жорий этилмади.

Шундай қилиб, XX аср бошларида умумтаълим ўқув юртларининг 3 та асосий тури: гимназия, реал билим юртлари ва тижорат билим юртлари мавжуд бўлиб, амалиётда улар таълим мазмунини табақалаштиришни амалга оширган. Аввал ушбу ўқув юртлари ҳар бир туридаги таълимнинг мақсадларини кўздан кечирайлик.

Гимназиянинг вазифаси болаларга, уларнинг мавқеи ва динидан қатъий назар, барча шарт-шароитлар яратиш, умумий таълим бериш ва шу билан бирга, университет ҳамда бошқа олий маҳсус ўқув юртларига киришга тайёрлашдан иборат эди.

Реал билим юртларининг мақсади–ўсмирларга амалий эҳтиёжларга ва техникага оид билим олишга йўналтирилган умумий таълим беришдир. Асосий бўлимда яна бир олий синф–ўқувчиларни асосан олий маҳсус билим юртларига киришга тайёрлайдиган қўшимча синф таъсис этилган эди.

Саккиз синфли тижорат билим юртининг мақсади эса, ўқувчиларга умумий ва тижорат таълими бериш эди ва шу билан бирга уларга, Олий маҳсус ўқув юртларига кирган тақдирда, реал билим юртининг тутатганлиги тўғрисидаги имтиёз хукуқи берилар эди.

Кўрсатилган ўқув юртларидаги турли таълим мақсадлари алоҳида олинган фанларни, хусусан, математикани ўқитишнинг турли мақсадларини белгилаган.

Турли ўқув юртларида математикани ўрганишга турлича талаб қўйилишининг зарурлигини ўша даврдаги методистлар кўрсатиб ўтганлар. В.Б.Струвенинг ҳисоблашича, тижорат билим юртларидаги математика курсини реал билим юртидаги математика курсига tenglashтириб бўлмайди.

Табиийки, бошқача бўлиши ҳам мумкин эмас, чунки инженерлик ва механиклик касбига тайёрланаётган, ҳамда тижоратчиликни танлаган кишиларга математика бўйича бир хил талаб қўйиш мумкин эмас(120, 2-бет).

Турли ўқув юртларида математика курсини тузишнинг асосий йўналишлари билан боғлиқ масалалар, шунингдек, Н.И.Билибин(28), П.П.Блонский(29), А.Н.Крилов(78), В.А.Маврицкий(86) ва бошқаларнинг ишларида кўриб чиқилган.

Реал билим юртларида математика таълими гимназияга қараганда анча юқори қўйилган. Гимназияларда эса қадими(айниқса, лотин) тилларни ўрганишга кўпроқ эътибор берилган. Ўғил болалар гимназияси дастурларида шундай кўрсатма бор эди: гимназия таълими биринчи навбатда ўқувчиларнинг ақлий ривожланишига қаратилган экан, математикани ўқитишида унинг назарий курсини чуқур, қатъий ва системали тарзда ўқитишига кўпроқ эътибор бериш лозим.

Тижорат билим юрти дастурларида математика фани ўқувчилар тафаккурини ривожлантириш, фикрни аниқ ва равон тилда баён қилиш кўнижмасини ҳосил қилишга имкон берувчи таълимнинг ягона қатъий мантиқий тизимини ташкил қилган. Аникроғи, математика курсини қатъий дедуктив асосда баён қилиш устувор йўналиш ҳисобланган. Шу боис, бу фан ўз мазмун-моҳиятига кўра юқори умумтаълим аҳамиятига эга фанлар, деб қаралиш кераклиги алоҳида таъкидланган.

Математиканинг баъзи бўлимлари, таълим бериш аҳамиятидан ташқари, амалий жиҳатдан ҳам муҳим деб қаралган(масалан, анализик геометрия).

Реал билим юрти математика дастурларига доир шуни таъкидлаш мумкинки, унда гимназия ва тижорат билим юртларидағи каби бирлашмалар назарияси элементлари, Ньютон биноми, узлуксиз касрларни ўрганиш кўзда тутилган. Олтинчи синф дастурига мураккаб процентлар ва муддатли омонатлар тўғрисидаги бўлимлар киритилган. Тижорат бўлимидаги дастурлар тахминан тижорат билим юритидагидек бўлган.

Қўшимча синф математикаси бўйича дастур бир мунча фарқ қилган. Унда “Амалий геометрия асослари” бўлими батафсилроқ берилган, яъни бўлимда

координаталар системаси ва координаталар бошини кўчиришдан ташқари, қутб координаталари, Архимед спирали, умумий координаталар ғояси, кесимлар, кесимнинг уч тури ўрганилади. “Чексиз кичик миқдорлар анализи асослари” бўлимида, масалан, лимитлар ҳақидаги таълимотлар асослари, функцияларнинг геометрик тасвирлари, функцияларнинг узлуксизлик хоссалари, уринмалар тенгламалари, аниқ интегралнинг юзаларни ҳисоблашга татбиқлари ўрганилган, тригонометрик функцияларни тақрибий ҳисоблаш имкониятларига алоҳида эътибор қаратилган. Эслатиб ўтамиш: фазовий геометрия(стереометрия) олтинчи синфда ўрганилган(86).

Шундай қилиб, гимназия ва реал тижорат билим юртлари мақсадларидағи фарқлар мос ҳолда математикани ўқитиш мақсадларида ва шунга мувофиқ, нафақат кўриладиган масалаларнинг номенклатурасидаги фарқларда, балки ўқув маълумотлари ҳажми ва уларни баён қилиш чуқурлигига акс этган. Ҳаттоқи, бундай ёндашув бир ўқув юрти доирасида ҳам мавжуд эди. Масалан, гимназияда тўртинчи синфдан бошлаб, юонон тилини ўрганадиган барча ўқувчилар математикани камроқ ўқиёди ва, аксинча.

Демак, хулоса қилиш мумкинки, октябрь революциясидан олдинги Россияда мазмун жиҳатидан табақалаштириш, умуман олганда, ўқитиш мақсади турлича бўлган ўрта ўқув юртларининг З та асосий тури мавжудлигини таъминлайдиган фуркация кўринишида ва, хусусан, математика таълимининг турли мақсадлари ва вазифаси орқали амалга оширилган.

Бироқ, табақалаштириш тамомила гуманистик хусусиятларга эга бўлган, деб ҳисоблаб бўлмайди. Унинг чекланганлиги шундан иборат эдики, ўқув юртларининг ҳаммаси ҳам университетда таълимни давом эттириш имконини бермасди, бу эса уларнинг нуфузини пасайтиарди. Фуркациянинг бундай берилиши, эҳтимол, ўша даврда мавжуд бўлган таълим тизимининг қайта ташкил этилиши ва кейинчалик уни бир оқимли ва бир хилликка эга бўлган шўро(совет)лар мактаби билан алмаштирилиши сабабларидан бири бўлган.


Бу борада жонажон Ватанимиз, мамлакатимиз ўтмишига назар ташлар эканмиз, шуни алоҳида таъкидлаб ўтамишки, ҳатто Ўрта асрларда Ўрта Осиёда

ёшларга ҳунар ўргатиш(“Устоз – Шогирд” анъаналари)нинг ижтимоий-педагогик тизимини узоқ йиллар давомида тарихий манбалар асосида ўрганган Д.А. Зоҳидова(58) унинг (диссертациямизнинг кейинги бетида келтирилган) гипотетик моделини яратишга муяссар бўлган.

**Республикамиз мактабларидағи** шу каби муаммолар октябрь революциясидан сўнг дастлабки йиллардаёқ юзага келди. Маърифат бўйича биринчи Умумrossия съездига (1918 йил) томонидан “Ягона меҳнат мактаби тўғрисидаги Низом” ва “Ягона меҳнат мактабининг асосий принциплари” тасдиқланди. Уларга кўра, юқори синфлар асосий билим циклари: гуманитар, табиий-математика ва техника йўналишлари бўйича бўлиниши керак эди. Аммо бу фуркация ғояси мактабларнинг ягоналиги тамойилига зид, деб рад этилди. Шу тариқа ўқувчиларни уларнинг қобилияти, қизиқиши ва мойиллигига мувофиқ турли ўқув режа ва дастурлари бўйича ўқитишга интилиш, бир йўналишли ўқитиш ўртасида узоқ ва давомли қарама-қаршиликлар бошланди. Ва, одатда, табақалаштириш ғоялари, асосан, қофозда қолиб кетиб, таълим тизимиға кенг жорий қилинмади.

XX асрнинг 20-йиллари бошида яна фуркация тўғрисидаги масала юзага келиб, амалда у иккинчи босқич мактабларида уларнинг ишлаб чиқаришдаги ўрнига мос ҳолда касбга йўналтириш(профуклон) кўринишини касб этди. Мактабларда индустрисал-техника, саноат-техника, саноат-иктисодиёт, педагогика, бадиий-саноат, қишлоқ хўжалиги йўналишлари ажратилди. Мактабларнинг асосий мақсади, биринчи навбатда, мактабни битиргандан сўнг моддий ишлаб чиқариш соҳасида муваффақиятли ишлай оладиган ишчиларни тайёрлаш, шунингдек, ўқувчиларни тегишли билим юрти ёки олий ўқув юртига йўналтиришдан иборат эди. Шунга мувофиқ ўқув режалари тузилди. Умумтаълим фанларнинг ғоявий негизи барча турдаги мактабларда ўзгармай қолса-да, аммо фанлар, мактабнинг турига кўра, турли қўшимчалар билан кенгайтирилди. Ўқув режаларида йўналишли мактаблар маълум бир касбга тайёрламаслиги кўрсатилган бўлишига қарамай, бу босқичда табақалаштириш кўпроқ касбий ихтисослаштиришга ўхшарди, чунки у жадал суръатлар билан ривожланаётган

# **Үрта асрларда Үрта Осиёда ёшларни щунарга тайёрлаш ижтимоий-педагогик тизими гипотетик модели**



саноат ва қишлоқ хўжалиги учун тезроқ ўрта бўғин мутахассисларини тайёрлашни мақсад қилиб қўйган эди, чунки давлат манфаатларининг шахс манфаатларидан устунлиги тамойилига амал қилинар эди.

Ўқувчиларни амалий фаолиятга тайёрлашга бундай ёндашув, умумий таълим даражасининг пасайишига олиб келди ва у вақтинчалик тўхтатиб қўйилди, аммо 1938 йилдан бошлаб яна касблаштириш нуқтаи назаридан юқори босқични ислоҳ қилиш ҳаракати бошланди. Кўзда тутилган йўналишлар қуидагилар эди: қишлоқ хўжалиги, саноат-техника, транспорт, педагогика. Аммо бу ислоҳот ҳам амалга ошмади.

Таълимни табақалаштиришдаги навбатдаги муҳим босқич 1958 йилда бир қатор мактабларда умумий таълимни ишлаб чиқариш таълими билан боғлиқлиги тамойилига асосланган тажриба-синов(эксперимент) бўлди.

Мазкур эксперимент раҳбарларидан бири М.А.Мельников(90) таъкидлаганидек, ўрта мактабларни йўналишлар ва касбий тайёргарлик бўйича ажратиш, умумий ва политехник таълимнинг табақалаштиришни келтириб чиқарди.

Шундай қилиб, умумий таълимнинг табақалаштирилиши мактабларни йўналишлар бўйича ажратилишининг натижаси сифатида яна касблаштириш билан боғланди. Ўқувчиларнинг ўрта таълим олиш билан бирга ўзи танлаган соҳада фанларни чуқурроқ ва батафсилроқ ўрганиши ва мактабдаги ўқиш даврида саноат корхонаси ёки қишлоқ хўжалигида мунтазам ижтимоий ишлаб чиқариш меҳнати асосида, у ёки бу мутахассисликка эга бўлиши кўзда тутилган эди.

Ишлаб чиқариш таълими умумий ўкув вақти ҳажмининг учдан бир қисмини эгаллади. Аммо бунда, табақалаштирилган таълимли мактаб битирувчиларни амалий фаолиятга маҳсус тайёрлаши ва кейинчалик олий ўкув юртларида таълимни давом эттиришга тайёрлаши керак эди. Физика-техника, кимё-техника, табииёт-агрономия йўналишлари ташкил этилди, кейинроқ уларга гуманитар йўналиш қўшилди, табииёт-агрономия йўналиши эса биология-техника йўналишига айлантирилди. Физика-техника бўлимида математикани ўрганишга ажратиладиган соатлар кўпайтирилди. Бу асосий курсни чуқур ўрганиш билан

бирга, ишлаб чиқаришнинг турли тармоқлари, ҳисоблаш машиналари, ўлчов асбоблари ва ускуналарда қўлланиладиган масалаларни бу фанни ўрганишга киритишга имкон беради, деб ҳисобланарди.

Тажриба мактабларида бўйимлар бўйича табақалаштирилган таълим деярли бекор қилинганига қарамай, мазкур тажриба юқори синф ўқувчилари учун барча умумтаълим мактабларидағи табақалаштириш принципи асосида факультатив машғулотлар ташкил этилишига олиб келди.

Шундай қилиб, шўро давлати мактаби ривожланишининг бу даври, таълимнинг табақалаштирилиши нуқтаи назардан самарали бўлди. Бўйимлар бўйича ўқитиш мазмун жиҳатдан табақалаштиришни амалга ошириш имконини бериб, у сўнгги вақтларгача асосан факультатив машғулотлар тизими ва қисман фанларни чуқур ўрганадиган синф ва мактаблардаги таълим орқали амал қилишда давом этди.

**Республикамиз мактабларида таълимни табақалаштириш ғоясини** ривожлантиришни таҳлил этиш ва тажриба қилишга якун ясаган ҳолда шуни айтиш керакки, уни амалга оширишининг турли босқичларида доимо техника ўйналишини у ёки бу жиҳатдан ажратиш мақсадга мувофиқ деб ҳисобланган.

Йўналишлар бўйича табақалаштирилган таълим муаммосини ишлаб чиқиши, шунингдек, чет эл мамлакатлари тажрибасини чуқур ўрганишни талаб қиласди. Чет эл мамлакатларининг аксариятида бир хил мактаблар деярли қолмаган. Хорижий олимлар яна шуни таъкидлайдиларки, қиёсий педагогика соҳасидаги мутахассисларнинг фикрича, бошқа мамлакатлардаги таълимни ўрганиш ўз тизимлари тўғрисида чуқурроқ ва муносиб тасаввур ҳосил қилишга имкон беради(132).

Ҳозирги вақтгача чет эл таълим тизимларини, умумтаълим мактабларининг ривожланиши хусусиятларини, кўпроқ қиёслаш ўрнига танқидий-таҳлилий жиҳатлари ўрганиб келинган. Табақалаштирилган таълимни амалга оширишда синфий ёндашув, тестларни ижтимоий селекция сифатида қўллаш, капиталистик мамлакатларга хос эди (ҳозир ҳам хос) ва бу ҳақида биринчи навбатда хорижий нашрларнинг ўзида бир неча маротаба айтилган(147, 450-бет). Замонавий

босқичда, яъни биз таълимнинг мавжуд тизимини тубдан ислоҳ қилиш заруратини тўла англаганимизда, республикамиз мактабларининг ривожланиши чет эл мамлакатлари мактабларидаги табақалаштириш натижаларини баҳолашда ўзгача ёндашувни тақозо этади.

Чет эл мамлакатлари тажрибасини ўрганиш муаммоларига бағишлиган аксарият илмий-тадқиқот ишларида белгиланганидек, аксарият мамлакатларда таълим тизими табақалаштирилган бўлиб, айнан уларда табақалаштирилган таълим ўқув жараёнини ташкил қилишнинг асосидир(25; 39; 48; 132).

Биз ўрганиб чиққан қатор чет эл мамлакатлари таълим тизимлари(146; 147)нинг таҳлили шуни кўрсатдики, **ўқувчиларнинг ихтисослашув бўйича ўқитилиши 15-16 ёшдан бошланади.** Бу муддатга келиб кўпчилик мамлакатларда ўқувчилар мажбурий таълимни олади, кейин эса мутахассислик танланади. Ўқувчиларнинг у ёки бу соҳага йўналтирилганлиги таълим йўналишини ёки ўқув юртининг турини танлашни белгилаб беради.

Ўрта мактабларнинг иккинчи босқичи (таълим олишнинг сўнгги 3-4 иили) анъанавий ўрта таълимнинг баъзи хусусиятларини сақлаб қолади. Мавжуд мактаблар икки тоифага ажратилиши мумкин. Биринчиси –турли мақомдаги бир қанча бўлинмаларга ажратилган умумтаълим мактаблари, бу ерга болалар асосан фақат мураккаб имтиҳонлар ва қатъий танлов асосида қабул қилинади (масалан, Францияда–лицейга, Япония ва Швецияда–ўрта мактабга, ГФРда–ўрта мактабнинг юқори босқичига, Чехословакияда–гимназияга, Кипрда–лицейга, Малида–асосий ўрта мактабга ва ҳоказо). Бу мактаблар ўқувчиларни университетларга киришга тайёрлайди.

**Иккинчи тур мактабларга касб мактаблари киради,** у ерга қабул қилиш имтиҳонлар ҳамда аттестация ҳужжатлари асосида ўтказилади. Бу таълим муассасалари таълим муддати ва ташкилий тузилмасига кўра анча фарқ қиласади. Уларнинг асосий вазифаси–ёшларни касбий фаолиятга тайёрлашдан иборат.

Асосий умумтаълим мактабларда 2 та йўналишнинг ажратилиши анъанавий ҳолдир. Булар асосан **гуманитар ва табиий-илмий** йўналишдан иборат. Бир қатор мамлакатларда эса йўналишлар сони кўпроқ. Масалан, **Швецияда 22 та**

**йўналиш мавжуд. Италияда тармоқланиб кетган олий ўрта мактаблар анчагина, факт техника институтлари учун 31 та йўналиш бор.** Аммо кейинги вақтларда йўналишлар сонининг қисқариши кузатилмоқда, чунки бундай майда бўлинишлар олий ўрта мактабда муайян чалкашликларни келтириб чиқаради.

**Таълимнинг табақалаштирилиши, эҳтимол, Франция ўрта мактаблари ва лицейларида бошланган бўлса керак.** У ерда 1852 йилдан бошлаб XIX асрнинг 60-йилларигача табақалаштириш ўқувчилар томонидан классик ёки замонавий бўлимни танлаш асосида олиб борилган. 1965 йилдан бошлаб бу тугатилган бўлимлар ўрнида гуманитар, табиий-илмий ва техника йўналишлари пайдо бўлди, битирув синфига келиб эса биринчи 2 та йўналиш яна 2 та секцияга бўлинди: А(фалсафа, филология), В(ижтимоий-иктисодий фанлар), С (математика, физика), D (биология), E (технология). Кейинги йилларда секция ва йўналишлар кўпайиб борди, аммо юқори босқичнинг биринчи йили: 11-синф “танланиш” синфига айланди. Унда барча секциялар бекор қилинди ва барча ўқувчилар учун мажбурий фанлар цикли (жумладан, математика) ва у ёки бу мутахассисликка йўналтирилган электив курслар жорий этилди.

Хозирги вақтда биринчи синфдаги таълимнинг охирига келиб, касбий йўналишлар сони 10 тага боради(146; 149). Аммо, агар аввал техника секциялари табиий-илмий йўналишдан ажратилган ва уларнинг мақсади техникага оид касб мутахассисларининг етишмаслигини бартараф этиш бўлган бўлса, ҳозир улар табақалаштирилган таълимнинг мустақил бўғинига айланган ҳамда коллеж ва университетларнинг тегишли факультетларига кириш имконини беради. Масалан, ҳозир “математика, технология” секциясида лицей ўқувчиларига кенгайтирилган математика курси тавсия этилади, машғулотлар ҳафтасига 6 соатдан ўтказилади.

Худди шундай ҳолатни бошқа ривожланган мамлакатлар таълим тизимида ҳам кузатилади, бу мамлакатларда 60-80-йиллардаги мактаб ислоҳотлари натижасида табақалаштириш тузилмаси янада кенгайди. Содир бўлган ўзгаришлар ичида бирлаштирилган (**интеграцияланган**) мактабнинг ташкил этилганини, гуманитар (ГФР) ва техника (Франция, ГФР) йўналишидаги тўлиқ

бўлмаган ўрта ва ўрта мактабларнинг янги турларини пайдо бўлганини, таълим мазмунининг замонавийлаштирилганини (Англия, АҚШ, Франция, ГФР, Япония) кўрсатиш мумкин. Буюк Британияда янги турдаги мактаблар барча ўрта мактабларнинг 80% ни ташкил қиласди. АҚШда узоқ вақтдан бери турли ўқув йўналишига мос “кенг қамровли” мактаблар жорий этилган. Турли йўналишли умумтаълим мактаблар билан бирга, ихтисослаштирилган мактаблар ҳам пайдо бўлди.

**Биз кўриб чиқаётган техника йўналишлари Австрия, Гречия, Канада, АҚШ, Финландия, Япония** ва бошқа мамлакатлар таълим тизимларида ҳам мавжуд(39; 142; 145; 146; 150; 156).

Шуниси диққатга сазоворки, бир қатор ривожланаётган мамлакатларда ҳам таълимни турли йўналишларга ажратиш мавжуд. **Суриядা** таълим икки турга бўлинган: асосий ва техникавий. Улардан биринчиси икки йўналишга ажратилади: табиий-илмий ва адабий, иккинчиси учта йўналишни қамрайди: саноат, тијорат ва қишлоқ хўжалиги. Техника йўналиши талабалари таълим сўнгидаги имтиҳонларни топширгандан кейин техника бакалаври унвонини олади, аммо таълимни давом эттира олмайди. Бу йўналиш дастури меҳнат фаолиятига тайёрлашга йўналтирилган. Фақат ўзини кўрсата олган ўқувчиларгина университетларда ўқиши давом эттириши мумкин.

**Судандаги** олий ўрта мактабда 1980 йилдан бошлаб 2 та: академик ва техника йўналиши ажратилади. Техника йўналишида таълим 3 йиллик академик йўналишидан фарқ қилиб, 4 йил давом этади.

Бир қатор мамлакатларда олий ўрта таълим таркибига техника лицейлари ҳам киради. Улар касб лицейларидан фарқли ўлароқ, олий ўқув юртларида ўқиши давом эттириш истагидаги битирувчилар хуқуқларини чекламайди. Касб лицейларида эса олий ўқув юртига фақат танланган мутахассислик бўйича кириш хуқуки берилади.

Техника лицейлари техника ва касб-хунар мактаблари ва курслари билан бир қаторда, техникавий ва касбий таълим беради.

Техникавий ва касбий таълимга 60-йилларнинг бошларида алоҳида эътибор қаратила бошланди. 1962 йилда ЮНЕСКО Бош Ассамблеяси техникавий ва касбий таълим бўйича биринчи Халқаро тавсияларни маъқуллади(157). Унга аъзо давлатларнинг бу борада амалга оширган кейинги фаолияти натижаси бу соҳада 1974 йилда қабул қилинган янги тавсиялар бўлди. Ҳозирги вақтда улар техникавий ва касбий таълимга оид Халқаро меъёрлардир. Чунончи, бу тавсиялар асосий таълимнинг техникавий ва касбий жиҳатларини қамраб олади. 1987 йилда ЮНЕСКО ташаббуси билан техникавий ва касбий таълимни ривожлантириш бўйича I Халқаро конгресс бўлиб ўтди. Унда таъкидланганидек, ҳозирги вақтда асосий таълимнинг техникавий ва касбий жиҳатлари масалаларига аввалгидан кўра кўпроқ эътибор берилмоқда.

Хорижий мамлакатлар таълим тизимлари тажрибаларининг таҳлили бўйича баъзи бир хulosаларни келтирамиз.

### **Эрта касбга йўналтиришдан қайтиш тенденцияси кузатилмоқда.**

- 1. Асосий олий ўрта мактабда бир неча йўналишлар мавжуд бўлиб, улар ичida техника йўналиши алоҳида ажralиб туради.**
- 2. Асосий таълимда техникавий ва касбий таълимга катта эътибор берилади.**

Академик лицейлар ривожланишининг замонавий босқичида мамлакатимизда табақалаштирилган таълим муаммоларини муҳокама этишда шуни кўрсатиб ўтиш керакки, таълим жараёни ўқувчиларнинг қобилияти, қизиқиши ва мойилликларидан мумкин қадар тўла фойдаланишга йўналтирилган. Шу тариқа табақалаштириш бутун шўро даври тарихида бўлганидек, таълимнинг касбийлаштирилишига боғланмай, балки таълимнинг болалар манфаатларини назарда тутадиган индивидуаллашуви воситаси сифатида қаралади.

Табақалаштирилган таълим муаммоларини ҳал этишга назариётчи олимлар, методистлар, амалиётчилар қизиқишиларининг ортиб бориши бир қатор нашрларда акс этган бўлиб, уларда табақалаштириш ва хусусан, математикага ўқитишнинг табақалаштирилишига оид турлича қарашлар ўз ифодасини топган(23; 60; 84; 96; 127; 129).

Юқорида күрсатилганидек, биз қараётган концепцияга кўра 3 та: физика-математика, техника ва гуманитар йўналишлар ажратилади.

Бошқа муаллифлар бошқа бир қатор йўналишларни таклиф қиласди: физика-математика, табиий ва гуманитар йўналиш(84). Улар учун тегишли тарзда қўйидаги математика курслари назарда тутилади: **А–умуммаданий йўналтирилган ,ҳамда чуқурлаштирилган турдаги В ва С курслари**(54).

Икки йўналиш билангина чекланиш (асосан кўп ҳолларда 2 та параллел синфи бўлган қишлоқ мактаблари учун)–бифуркация, аммо параллел синфлар сони кўп бўлган мактабларда полифуркацияни амалга ошириш ва гуманитар, физика-математика, кимё-биология йўналишларини муҳокама қилиш таклифи мавжуд.

Шуни таъкидлаш лозимки, замонавий олимлар, методистлар гуманитар йўналишни ажратишни таклиф этадилар. Шунингдек, фикримизча, физика-математика йўналиши билан бир қаторда техника йўналишининг мавжудлиги ҳам зарурат туғдиради.

Биз гуманитар, математика ва техника (ёки физика-техника) йўналишларининг номланишига аниқлик киритишни мақсадга мувофиқ деб ҳисоблаймиз. Техника йўналишини мустақил йўналиш сифатида ажратиш, биринчидан, жаҳон амалий тажрибаси ва, жумладан, ўз тажрибамиз билан, иккинчидан, математикани ўқув фани сифатида мазмунини белгилайдиган мақсадларни ўрганиш билан асосланиши мумкин.

Техника йўналишига мўлжалланган математика курси физика-математика йўналишидаги математика курсига тўла мос келмаслиги керак, лекин улар мазмун жиҳатидан анчагина умумийликка эга. Физика-математика (математика) йўналишида математик таълим математик таффакури ривожланган ўқувчиларга мўлжалланган, математиканинг ўзи эса билишнинг мақсади ва воситаси бўлиб хизмат қиласди. Ўқувчиларнинг бевосита математика билан боғлиқ бўлган келажакдаги фаолияти, биринчи навбатда фикрларнинг мантийқилиги, аниқлиги ва жиддийлигини тақозо этади. Герман Вейль математик тафаккур деганда биринчидан, фикирлашни шундай алоҳида шаклини тушунадики, унинг ёрдамида

математика ташқи дунё түғрисидаги фанлар–физика, кимё, биология ва ҳоказоларга кириб боради, иккинчидан, математик ундан ўз соҳасида фойдаланади.

Техника йўналишидаги ўқувчилар учун эса уларнинг келажакдаги фаолиятида математика асосан фақат билиш қуроли ва воситаси бўлиб қолади. Математиканинг муҳандисдан бундай фарқи хусусида академик А.Н.Крилов шундай ёзган: “Муҳандис учун математика мантиқнинг бекаму-кўст соҳаси сифатидагина эмас, балки амалий фаолият учун қурол сифатида керак”(78, 94-бет). Яна шуни таъкидлайдики, ҳисоблаш жараёнини кам қадрлайдиган соф математикдан фарқли ўлароқ, муҳандис айнан амалий томонни кўради ва қадрлайди, унда истиқболдаги амалий фаолиятида мана шундай вазиятда қандай йўл тутиш кераклиги намунасини қўра билади(78, 311-бет).

Бўлажак математиклар ва муҳандисларнинг математик ривожланишидаги фарқ бошқа илмий ишда ҳам кўрсатилади: “Мактабда бўлажак математик, таълим жараёнида қўлга киритадиган математик ривожланиш даражаси, бўлажак муҳандис ёки техник мутахассисининг шундай даражасига мос кела олмайди ва мос келиши ҳам керак эмас. Бунда бўлажак муҳандис ўзлаштирадиган математик маданият ҳажми бўлажак математик учун керакли шундай ҳажмдан сезиларли фарқ қилиши ҳамда унинг муҳандислик-техникавий амалиётига кўпроқ хос бўлган компонентларни ўз ичиға олиши керак”(128, 215-бет).

Шундай қилиб, гуманитар, математика, техника йўналишларидан бирини танлаш, ҳар бир йўналишда математикани ўрганиш мақсадларига боғлиқ. Қўшимча йўналишларнинг қўшилиши (табиий, иқтисодий) мустақил техника йўналишини инкор қилмайди, шунингдек, ўқувчиларнинг таълимни давом эттириш имкониятларини чекламайди.

Эҳтимол, энг кўп сонли ўқувчилар техника йўналишидаги лицейларда таълим олишга интиладилар. Бу ҳол илмий-техника жараёни тараққиётининг янги босқичи билан белгиланади. Иқтисодий муаммоларга қизиқувчилар сони қўпайиб боришига қарамай, ҳозирги глобал компьютерлаштириш, янги технологиялар даврида, техника соҳасига эътибор сезиларли даражада ортиб бормоқда.

Жамиятимизнинг бугунги кундаги ривожланиш даври кўп сонли қўшма, хўжалик ҳисобидаги корхоналарнинг ташкил этилиши билан характерланади. Уларга эса ўз ишини яхши биладиган ва бажара оладиган ҳар қандай тоифадаги юқори малакали мутахассислар керак. Ҳозирги кунда корхоналарнинг замонавий ускуналар билан жиҳозланиши хусусида гапириб ўтирумай, балки ишлаб чиқаришни такомиллаштириш имкониятлари ва истиқболлари, техниканинг мураккаблашуви, халқ хўжалиги аксарият тармоқларининг компьютерлаштирилишидан келиб чиқсан ҳолда, бу жараён таълимга, биринчи навбатда, мутахассис билимларига катта талаб қўйишини аниқ айтиш мумкин.

Шу сабабли фундаментал техникавий таълимга асосланган базавий ўрта маълумот олишга интилиш табиий ҳолдир. Жамият ишлаб чиқариш кучларини аввалги даражасига, ўқувчиларнинг асосий ўқув фанлар бўйича билим олиши тамомила мос келар эди. Бироқ илмий-техника ва ижтимоий тараққиёт сабабли нафақат кўп биладиган, балки чуқур ижодий қобилиятга эга бўлган кишиларга эҳтиёж янада кескин сезилмоқда.

Таниқли математик олим, методист Н.В.Метельский айтганидек, “Мамлакатга доимо соф математиклар, физиклар, кимёгар ва биологлардан кўра, кўпроқ муҳандислар ва техниклар керак”(93, 68-бет).

Академик лицейларга кириб таълим олмоқчи бўлган аксарият ўқувчиларнинг техника йўналишини танлашини яна шу билан белгилаш мумкинки, ҳозирги даврга келиб техника олий ўқув юртларининг сони, бошқа олий ўқув масканлари сонидан ортиқ. Мамлакатимизда кўпгина институтлар бор, уларнинг аксариятини техника йўналишидаги олий ўқув юртлари қаторига киритиш мумкин, бошқа олий ўқув юртларининг сони эса оз.

Техника йўналиши оқимиға олий ўқув юртларида ўқиши давом эттирумай, балки ўрта мактабни битириб, “техник” фаолият тури билан шуғулланишни афзал кўрадиган ўқувчилар ҳам тушиб қолади. Таниқли математик олим, методист А.Н.Колмогоров ўз ишларининг бирида топшириқни замонавий ҳисоблаш машинасига киритиш учун ўрта умумий маълумот ва ярим йиллик ишлаб чиқариш таълимининг ўзи кифоя, умумий ўрта маълумотни эса бундай

ўқувчилар кўпроқ техника йўналишидаги лицейларда олишини алоҳида таъкидлаб ўтган(72).

Шундай қилиб, биз келтирилган йўналишлардан техника йўналишларининг зарурлигини асослаб бердик. Бундан ташқари, биз республикамиздаги ўрта маҳсус таълим муассасаларида ҳам, хорижий мамлакатлар мактабларида ҳам таълимнинг табақалаштиришни ташкил этишга ёндашувларнинг айrim жиҳатларини кўрсатдик. Бу муаммо бўйича адабиётлар ва амалий тажрибаларни таҳлил қилиш асосида шундай хулоса чиқариш мумкинки, таълимни олий ўқув юртларида давом эттириш ва ишлаб чиқариш соҳасида бевосита фаолиятга тайёргарлик кўриш мумкин, аммо бу ўқув жараёнининг мазмунини танлаш ва ташкил этишга алоҳида ёндашувни талаб қиласди. Бу ҳақида диссертациямизнинг кейинги параграфларида батафсил сўз юритилади.

## **1.2. Техника йўналишидаги академик лицейларда таълим олаётган ўқувчиларнинг психологик ва психофизиологик хусусиятлари**

Шахснинг ривожланиш жараёни мураккаб бўлиб, у ўзига учта муҳим жиҳатни қамрайди. Биринчиси–ижтимоий-психологик жиҳат, у ўз навбатида 2 та омилга боғлиқ. Биринчидан, бу–болалар ва ўсмирларнинг онги ва хулқига муайян мақсадларни, қадриятларни, тушунча ва тамойилларни сингдиришга интилевчи жамиятнинг мақсадга йўналтирилган таъсири.

Иккинчидан, бу–инсоннинг шахс сифатида ривожланиши бўлиб, инсон ҳаёти, шарт-шароитлари, шахсий фаолият тури, шахслараро муносабатлари билан белгиланади.

Иккинчи–психологик жиҳат шахсдаги билиш жараёнининг индивидуал хусусиятлари: хотира, тафаккур ва нутқ, шунингдек, шахсий хусусиятлар–мижози(темпераменти) ва характерига боғлиқ.

Учинчи жиҳат–шахс қобилияtlари ва мойилликларининг психофизиологик даражаси билан яримшарлар симметрияси–асимметрияси шартлилиги даражасини, шунингдек қобилият ва мойиллик асослари таркибиغا кирувчи

табиий асосланганликни ўлчаш имкониятларининг ўзаро муносабат(нисбат)ларини ифодалайди. Инсон фақат жамиятда ва жамият туфайлигина нафақат ўрганиш ва меҳнат қилишга, балки ўзидағи ички психологик жараёнларни англашга, хоҳиш ва ҳолатини ҳаётнинг ташқи шароитлари билан мувофиқлаштиришга ва ақл билан иш тутишга қодир.

Шахснинг ижтимоий моҳияти, вояга етаётган шахсни тарбиялаш ва унинг маънавий қиёфасини шакллантириш соҳаларида таълим тизимини кечикириб бўлмайдиган долзарб масалаларини ечишнинг муқаррарлигини, шунингдек, ҳаётга ижодий муносабатда бўлишни тақозо этади. Л.С. Виготский таъкидлаганидек, психиканинг ривожланиши аждодларимизнинг тажрибасини ўрганишга имкон берувчи белги воситаларини ўзлаштириш юз берадиган ижтимоий мухитдан ташқарида кўрилиши мумкин эмас, демак, ҳозирча таълимдан ташқарида бўла олмайди. “Ҳар қандай олий психик функция,—деб ёzáди Л.С.Виготский,— албатта, ўз ривожланишининг ташқи босқичи орқали ўтади, чунки у биринчи навбатда ижтимоий функциядир”(40, 197-бет).

Замонавий мактаб ҳозир жамиятимизнинг барча зиддиятлари ва нуқсонларини акс эттиради, аммо айни пайтда айнан мактаб яқин келажакда шундай мухитни ҳосил қилиши керакки, бунда ривожланаётган шахснинг интеллектуал ва маънавий эҳтиёжларини ҳамда жамиятнинг турли қатламларини шу каби эҳтиёжларини етарли даражада қониқтиради.

Маълумки, таълимнинг таркибий қисмларидан бири—шахс ривожланиши жараёнининг иккинчи ва учинчи жиҳатларини рўёбга чиқарадиган таълимдир. Инсон нафақат ирсий омил ёки теварак ижтимоий мухит таъсирида, вахоланки қайд этилган у ёки бу жиҳатларнинг механик таъсирлари остидагина эмас, балки ички зиддиятларнинг жараёнида пастдан(оддийдан) юқорига (мураккабга) ўтувчи ечимларини таъминлайдиган мухитда ривожланади. Инсон шахсининг шаклланиши унинг психик ривожланиши жараёни билан боғлиқ ҳолда, хусусан боланинг ривожланиши Л.С.Виготскийнинг фикрича, кўпроқ таълим билан ифодаланиб унинг бутун ҳаётини шаклланиши тизимида марказий ўрин тутади.

Ақлий фаолиятнинг янги тузилмаларини ташкил этишдаги таълимнинг етакчи роли бошқа психологларнинг тадқиқотларида ҳам кўрсатилган. Чунончи, В.В. Давидов(51) ва Д.Б. Эльконин(135)ларнинг ишларида кўрсатилганидек, ўз мазмуни ва методлари жиҳатидан оқилона ташкил этилган таълим, ақлий ривожланишдаги салмоқли ўзгаришларга эришишга кўмаклашади.

Таълим билан боғлиқ бўлмаган ривожланиш бор деган бошқа нуқтаи назар ҳам мавжуд. Хусусан, Ж. Пиаже(106) ақлий ривожланишда таълимнинг ролига муносиб баҳо бермай, ривожланиш жараёнини бошланғичдан тугал нуқтагача қадар ҳаракатланувчи миқдорий муносабатларнинг ирсий бирламчи турдаги фикрлаш тури ва “белгиланган” натижавий якуни деб эътироф этган. Таълимнинг ақлий ривожланиш жараёнига таъсири деярли рад этилади.

XX асрнинг 30-йилларида Л.С. Виготский, Ж. Пиаже ва унинг ҳамфирлари қарашларига танқидий нуқтаи назардан ёндошиб, билим ва кўникумаларни ўзлаштириш нафақат ривожланишни таърифлайди, балки таълим жараёнида психик функциялар уйғунлашиб, янгича характер касб этади. **Таълим ривожланишдан илгарида юради.** Таълим нафақат тугалланган ривожланиш даврларида эмас, балки энг аввало ҳали етилмаган ўша психик функцияларда юзага келиб ва уларни шаклланишини характерлайди(40, 439-бет).

Бу хусусда С.Л. Рубинштейн(112, 184-бет) айтганидек, **бона таълим ва тарбия жараёнида ривожланади, шаклланади, шахс сифатида қарор топади.**

Таълим ва ривожланишни ўзаро муносабати муаммосига бағишлиланган бошқа аксарият илмий-тадқиқотларда ўқув жараёни, факат билим ва малакаларни ўзлаштиришга эътибор қаратмасдан, балки ўқувчиларнинг ривожланишидан келиб чиқсан ҳолда қурилиши керак эканлиги кўрсатилади, умумий ва маҳсус ривожланишдаги фарқнинг муҳимлиги қайд этилади. Л.В.Занковнинг(56, 24-бет) таъкидлашига қўра, шахснинг сифатлари умумий ривожланиш асосига эга бўлган ҳаракат усуллари каби бўлиб, ҳар қандай материалда турли ҳолатларда намоён бўлади, маҳсус ривожланиш эса, аввало ва асосан қандайдир маълум бир соҳада юзага келади. Уларни бир-биридан ажратган ҳолда кўриб чиқиши мумкин эмас. **Ҳар қандай ривожланишни тафаккур ривожланишидан ташқарида тасаввур**

етиб бўлмайди. Ҳар бир кишининг тафаккури унинг шахсий фаолияти жараёнида шаклланади ва ривожланади. Айнан фаолият воқеликни билишнинг белгиловчи омили ҳисобланади. Инсон бундай билишнинг ҳар бир бўғинида аждодлар томонидан тўплланган тажрибага таянар экан, бу тажриба эса тафаккур даражасидаги воқеликни акс эттириш воситаларидан бири ҳисобланади, демак, тафаккурнинг ижтимоий-тарихий шартлилиги тўғрисида сўз юритиш мумкин. Бошқача айтганда, тафаккурнинг мазмуни ва характери, ижтимоий ривожланишнинг мазкур босқичида бор бўлган билишнинг умумий даражаси билан шартланган. Бошқа томондан, юқорида таъкидлаб ўтилган маҳсус ривожланиш, муайян соҳада фаолиятни амалга оширишда мақсадга мувофиқ таъсирни назарда тутади. Таниқли психолог Б.М. Теплов(122) таъкидлаганидек, кишида тафаккур механизми ягонадир, аммо унинг алоҳида фаолият турларида намоён бўлиши воситалари турличадир, бу эса тафаккур шаклларнинг ўзига хос хусусиятларини белгилайди.

Техникавий фаолиятни амалга оширишда тафаккур хусусиятларини аниқлашдан олдин, юқори синф ўқувчилари психологик хусусиятларига таянган ҳолда юқори мактаб ёшидан бошлаб ихтисослашни жорий этишнинг мақсадга мувофиқлиги тўғрисидаги нуқтаи назарни тасдиқлашга ҳаракат қиласиз.

Юқори синф ва, демак, академик лицей ўқувчилари ижтимоий ривожланиш ҳолатининг таҳлили илк ўспиринликнинг психологик хусусиятларини намоён этади. Ижтимоий ривожланиш ҳолати ҳар бир ёш ўсиш даври босқичларини характерловчи, ўзига хос ички жараёналр ва ташқи шароитлар бирлигини ифодасидир. У психик ривожланиш динамикасини, психологик янги тузилмалар юзага келишини, уларнинг бир ёш ўсиш давридан бошқасини ажратувчи сифат хусусиятларини белгилаб беради(31, 152-бет).

Л.С. Виготскийнинг фикрича, ёш ўсиш даври босқичларини ривожланиши деганда, ҳам ижтимоий, ҳам психофизиологик жараёнларнинг бутун бир мажмуаси тушунилади. Унинг ҳисоблашича, бир ёшдан бошқасига ўтганда организмнинг алоҳида психик функцияларигина ўзгармай, балки

**унинг нисбати, таркиби ҳам ўзгаради.** Бунда психик функциялар бир хил ривожланмайди, чунки унинг ҳар бири учун ўз оптимал ривожланиш даври мавжуд.

Шу сабабли ривожланиш психологиясининг икки асосий саволига жавоб берадиган бўлсак хусусан: берилган ўсиш даври бошланишида аниқ ижтиомий ривожланиш ҳолати қандай эканини ва берилган ўсиш даврининг сўнгига болада қандай психологик янги тузилмалар юзага келганлигини билиш учун юқори синф академик лицей ёшидаги ижтиомий ривожланиш ҳолатига бевосита мурожаат қилиниши лозим.

Унинг ўзига хос хусусияти шундаки, мустақил ҳаётга қадам қўйишдан олдин юқори синф ўқувчилари ривожланишининг **якуний** босқичида бўлади. Келажакка йўналтирилганлик, ҳозирги замонни мана шу ҳолатдан англаш академик лицей ўқувчилари ҳаётида пайдо бўладиган ва биринчи навбатда уларнинг ўзига, шахсий хулқига, турли фаолият турларига бўлган талабларни, шунингдек, уларнинг атрофдагиларга нисбатан талабларини белгилайдиган янгиликдир. Келажак тўғрисидаги ўйлар ўсмирлардаги мотивация тузилмасини ўзгартиради, ўз ўзини англашини янада юқори даражага кўтаради ва биринчи навбатда етуклиknинг турли йўналишларини шакллантириш билан боғлиқ бўлган эрта ўспиринликни ижтиомий психологик характеристикаларини аниқлайди.

Л.С. Виготскийнинг издошларидан бири Л.И. Божович ўз ишларида асосий эътиборни шахснинг мотивация соҳасини ривожлантиришга қаратади. Психолог шаклланаётган шахсда энг муҳими деб “**ички ҳолат**”ни ҳисоблайди. Шахснинг воқкеликка, атрофдагиларга ва ўзига муносабати, айнан шу ички ҳолатга боғлиқ бўлади. “Атроф-муҳитдан келаётган таъсирлар ҳар бир дақиқада айнан мана шу ички ҳолат орқали йўналишини ўзгартиради”(31, 174-бет).

Л.С. Виготскийнинг ғоялари бошқа умумий ва ёшга оид психология билан шуғулланувчи олимлар П.Я. Гальперин(44), В.В. Давидов(51), А.Н. Леонтьев(81), Д.Б. Эльконин(135) ва бошқаларга ўз таъсирини кўрсатди.

В.В. Давидов, Д.Б. Эльконинларнинг фикрича, **мактаб ёшидаги 15-17 ёшли ўсмирларда ўқув-касбий фаолият етакчи ҳисобланиб, шу туфайли уларда**

**муайян касбий ва билишга оид қизиқишилар, тадқиқот малака элементлари, ҳаёт режалари тузиш қобилияtlари ва ахлоқий қадриятларни ишлаб чиқиш ҳамда ўз ўзини англашни ривожлантириш шаклланади.** Эрта ўспиринлик-юқори онгли фаоллик, тафаккур самарадорлигининг салмоқли ўсиши, назариялаштиришга мойиллик давридир. Юқори синф ўқувчиларини алоҳида фикр кучи, ғоялар, умумлаштирма ва ўхшатмаларнинг кутилмаганлиги ва ўзига хослиги ажратиб туради. Улар ўзларидаги билиш жараёнларини онгли танланган мақсад ва ниятларига бўйсундира оладилар. Бу ўзгаришлар негизида руҳий жараёнлар унумдорлигининг ўсиши, ўзини ўзи бошқариш механизмлари, ўз фаолиятини, хатти-ҳаракатларини онгли бошқариш имкониятларининг такомиллашуви ётади. Катта ёшдаги ўқувчи кичик ўспиринга нисбатан ўзини ўзи кўпроқ бошқариши керак бўлади. Бу, биринчи галда, ўзини ўзи ташкил этиш кўникмаларининг изчил шаклланишига олиб келади.

**Юқори синф, яъни академик лицей ўқувчиларининг имкониятларини тўлароқ намоён қилиш учун психиканинг қўйидаги сифат ўзгаришларини кўрсатиш мумкин: ўқувчиларнинг ўзини ўзи англашининг ўсиши; ўзини ўзи бошқариш жараёнларининг такомиллашуви; ақл имкониятларининг ўсиши (ақлий силжиш юқори синф ўқувчиларига материални чуқур таҳлил қилиш, қонуниятларни аниқлаш; кенг ўхшатмаларни топиш имконини беради); илмий билиш методлари, усул ва амалларини, яъни методологик билимларни ўзлаштириш, билимларни кенг қамраш-умумлаштириш ва системалаштиришга мойиллик пайдо бўлади.**

Юқори синф(академик лицей) ўқувчиларининг ҳақиқатда улғайишига уларнинг жисмоний ривожланишидаги ўзгаришлар ҳам таъсир этади. Деярли тўлиқ жисмоний етуклиларни эришиш кўп даражада ўқувчиларнинг имкониятларини, мустақиллигини, уларнинг қўллаш соҳаларини кенгайтиради.

**Шундай қилиб, юқори синф ўқувчилар етуклигининг турли жиҳатлари-жисмоний, психик ва ижтимоий етуклиларни даражаси ўсмирларга нисбатан анча кенгдир. Бу эса ўқувчиларнинг тегишли таълим йўналишини онгли**

равиша танлаши ҳамда ўқув-тарбия жараёнига ўқувчилар ёш ривожланишининг юқорироқ даражасига йўналтирилган шакл, восита ва методларни жорий этиш имкониятларини асослаш хусусида фикр юритиш мумкин бўлади.

Юқори синф ўқувчиларини ўқитиш жараёни бу-таълимнинг билимни мустақил эгаллашга тайёргарлик элементлари билан қандай даражада таъминланганлиги нуқтаи назардан қаралиши керак. Бу ҳолда мустақил билим олиш таълимнинг асосий таркибий қисми сифатида қабул қилинади. Ўқитиш, мустақил ўқиши-ўқувчиларда ўз шахс хусусиятларини, ундаги билиш ва хиссий жараёнларнинг хусусиятларини, унинг темпераменти ва характерини тўлароқ намоён қилиш имконини таъминлайдиган индивидуал ишлаш услубини шакллантириш демакдир.

Биз кўриб чиқсан юқори синф ўқувчиларининг психологик хусусиятлари техника йўналишидаги академик лицейларда ўқишини давом эттириш истагидаги ўқувчилар учунгина эмас, балки бошқа соҳаларни танлаган ўқувчилар учун ҳам хос. Улар томонидан йўналишни танлаш кўп жиҳатдан уларнинг мойиллиги, қизиқиши ва қобилияtlари билан белгиланади. Уларнинг ўзаро алоқасини мия яrim-шарлариаро табақаланишдаги индивидуал-психологик фарқлар нуқтаи назаридан кўриб чиқамиз.

Табиий қобилияtlар муаммоси психологлар томонидан етарлича очиб берилган. Мазкур муаммога тегишли кўплаб назариялар ичида **қобилиятни** шахсдаги унинг нишоналарига, яъни ички шарт-шароитларига боғлаб қўядиганлари ҳам, қобилиятнинг табиий негизини деярли ҳисобга олмай, уни фақат муҳит ва тарбияга, яъни ташқи шарт-шароитларга боғлайдиганлари ҳам бор. В.А. Крутецкий(77), К.К. Платонов(107), С.Л. Рубинштейн(112) ва бошқаларнинг ишларида бу назарияларнинг асоссизлиги кўрсатилган. Хусусан, С.Л. Рубинштейннинг кўрсатишича, **қобилияtlарнинг шаклланишида ташқи сабаблар ички сабаблар орқали бавосита таъсир кўрсатади.**

“Қобилияtlар” тушунчасининг ўзини ҳам психологлар турлича изоҳлайди. В.М. Теплов қобилиятни “бир одамнинг иккинчисидан ажратиб турадиган

индивидуал-психологик хусусиятлар” деб ҳисоблайди ва улар қаторига бирон-бир фаолият турини ёки кўплаб фаолият турларининг самарали амалга оширилишини таъминловчи индивидуал хусусиятларни киритади (122, 16-бет). Улар мавжуд малака, кўникма(биз «**кўникма**” термини ўрнида “**уддалаш**”, яни “**уддасидан чиқиш**”, “**эплай олиш**” терминини қўллаш маъқулроқ, деган фикрдамиз) ёки билим билан айнан бир нарса эмас, бироқ бундай билимлар ва малакаларнинг осон эгалланишини тушунтириб бера олади.

А.Н. Леонтьев шунга эътибор қаратган эдики, **инсоннинг ўзига хос хусусиятлари “индивид томонидан техникага оид нарса ва ҳодисаларни ўзлаштириш жараёнида шаклланади”** (81,38-бет).

Г.С. Костюк қобилияйтни инсоннинг ўқув, ишлаб чиқариш ёки бошқа фаолиятида намоён бўладиган ҳамда шу фаолият туридаги муваффақиятнинг зарур шарти бўлган барқарор хусусиятлари, деб билади (75. 40-бет).

Шу тариқа, қобилиятларни изоҳлашда турлича қарашлар мавжуд эканлигига қарамай, уларнинг намоён бўлиши аниқ фаолият тури билан боғлиқ. Айнан шу сабабли табақалаштирилган таълим муммосини қобилиятлар ва мойилликлар билан боғламасдан туриб кўриб чиқиш мумкин эмас.

Психологлар билишга оид ва коммуникатив қобилиятларни фарқлайдилар. Биз ўз тадқиқотларимиздан келиб чиқиб, бу муаммони техникага оид синф(, яъни техника олий ўқув юртлари қошидаги академик лицей) ўқувчиларининг билиш қобилиятлари билан боғлаш мантиқий жиҳатдан мақсадга мувофиқ деб ҳисоблаймиз.

Бундай қобилиятларнинг оғзаки(вербал) ва оғзаки бўлмаган(новербал) турлари фарқланади. Улар, ўз навбатида, асаб тизими(нерв системаси) асосий хусусиятларининг мия яримшарлариаро бўлиниши билан боғлиқдир: оғзаки бўлмаган қобилиятлар мия ўнг яримшари вазифаларининг усутунлиги билан боғлиқ бўлса, оғзаки тури мия чап яримшари билан боғлиқ. Бундан ташқари, қобилиятларни И.П. Павловнинг тегишли типологик концепциясига қиёслаш мумкин. Унга иккита катта бўлим киради:

1) ҳайвонлар ва одамлар учун умумий бўлган олий асаб фаолияти хусусиятлари ҳақидаги таълимот;

2) одамларнинг маҳсус гуруҳлари: “ижодкорлар”, “денишмандлар”, “ўртача одамлар” тўғрисидаги тасавурлар. Мазкур типология биринчи ва иккинчи сигнал системаларининг ўзаро алоқаларини ифодалайди. Психологлар тадқиқотлари шундан далолат берадики, психологоик кўрсаткичлар бўйича биринчи сигнал системаси устун бўлган шахсларда миянинг ўнг яримшари кўрсаткичлари бўйича асаб системаси хусусиятлари кучли бўлган, иккинчи сигнал системаси устун бўлган шахсларда эса тегишли равишда миянинг чап яримшари кучлироқ(118, 14-бет).

Шу тарзда, оғзаки бўлмаган билиш қобилияти И.П.Павловнинг “бадиий” турига, оғзаки тур эса “билиш” турига мойилдир. Бу эса биринчи ҳолатда биринчи сигналли (образли) ва иккинчи ҳолатда иккинчи сигналли (мантикий) турига мос келади. Ўқувчилар қобилиятлари турлари ўртасидаги асосий фарқ шундаки, “денишманд”ларда қизиқувчанлик, қабул қилиш аниқлиги ва хотира, шунингдек, обьектни батафсил ва ёрқин ифодалай олиш қобилияти унчалик яхши ривожланмаган бўлади. Натижада ихтисосий йўналишдаги синклар ўқувчиларига бўлажак касб соҳасига тезроқ мослашувига ёрдам берувчи хусусиятларни маҳсус ривожлантириш йўллари, тафаккур элементларини шакллантириш усуллари ойдинлашади. Тадқиқотлар давомида аниқланган миянинг ярим шарлариаро асиметрияни эътиборга олиш табақалаштирилган таълимнинг муҳим шарти эканлигини кўпгина илмий-тадқиқот ишлари натижалари тасдиқлайди. Жумладан, тадқиқотларнинг бирида уқтирилишича, мураккаб қурилмаларни, масалан, бадиий ва техникага оид матнларни англашда миянинг ўнг ва чап яримшарлари фаоллиги ўртасидаги нисбат жиддий фарқланади; ”ваҳоланки ҳар икки ҳолда инсон сўз қурилмалари билан иш қўради, техникага оид матнларни ўқиша миянинг чап яримшари фаоллашса, бадиий китобларни ўқиша–миянинг ўнг яримшари фаоллашади” (112, 161-бет).

Бу соҳадаги тадқиқотлар шуни кўрсатадики, **мия яримшарлари вазифалари ўртасидаги фарқ уларнинг ҳар бири ўз материали билангина**

**иш кўриши билан эмас, балки кўпроқ даражада ана шу материал-сўзлар ёки образлардан фойдалана олишига боғлиқ.** Бу усусларнинг ўзига хослиги шундаки, миянинг ўнг яримшарига оид тафаккурга яхлит “қабул қилиш”, реал оламнинг кўплаб нарса ва ҳодисаларини бир пайтда англай олишга ҳозирлик хос, деб ҳисобланади. Миянинг чап яримшарига оид тафаккурга эса, аксинча, изчил, босқичма-босқич англаш, синтетик-аналитик хусусият хос. Бундай ҳолатда ҳам ўнг ва чап мия яримшарларига хос тафаккур стратегиялари фақат мураккаб объектларни англаш пайтидагига фарқланади. Мия яримшарларидан бирининг функционал устунлиги мойилликларнинг психологик ва функционал омиллари билан боғлиқдир.

Ўқув топшириқларини қабул қилиш пайтидаги фарқларни алоҳида қайд этиш мумкин. Жумладан, ўқувчиларнинг икки хил билиш фаоллияти: элементли ва яхлит турлари фарқланади. Биринчисида таълим давомида ўқув материалининг алоҳида элементларига эътибор қаратилади. Иккинчи усулни афзал биладиган ўқувчилар ўрганилаётган материалнинг умумий мазмунини англашга, асосий ғояларини тушунишга уринади. Шу ҳолатни таъкидлаб, инглиз олими Д. Хамблин айтадики, “яхлит” турдаги ўқувчидан фарқли равища “элементли” услубдаги ўқувчи эътибори бевосита масала билан чекланган, шу сабабли у кутилмаган вазиятда қандай йўл тутишни билмай қолиши мумкин. Ўқувчи фактларга боғланиб қолади ва уларнинг ички алоқасини англамайди(131, 156-бет).

Бир қатор тадқиқотларда таъкидланишича, кўздан кечириладиган ҳодисалар, объектлар, инсонлараро муносабатлар ва ҳоказоларни ўрганишга тизимли ёндашув фикрлаш жараёнига ҳам таъсир кўрсатади: дунёни фаол англашда алоқаларни тартибли ва равон тизим сифатида тасаввур қилиш керак. Миянинг чап яримшари стратегияси эса бунга зиддир. Шу сабабли **миянинг чап яримшари билан фикрловчи шахсга ҳодисалараро алоқалар орасидан тизимли таҳлил учун зарурини танлай олишга маҳсус ўрганиш зарурати вужудга келади.**

Фаолиятнинг бешта йўналиши: “инсон-техника”, “инсон-табиат”, “инсон-белгилар тизими(системаси)”, “инсон-инсон”, “инсон-бадиј образлар”га хос касблардан техника йўналишидаги академик лицейлар ўқувчилари фаолиятнинг биринчи ва учинчи турини танлаши эҳтимоли қўпроқ.

Психологларнинг комплекс тадқиқотлари шуни кўрсатадики, “техника” ва “белгилар тизими”га оид фаолият турлари асосан миянинг чап яримшарининг вазифалари билан боғлиқ(118, 165-бет). Ва, натижада, техника йўналишидаги бутун тизим, жумладан, таълим мазмуни ва методлари чап мияли тафаккур турига йўналтирилиши лозим. Яъни мия яримшарлари асиметриясининг характерли афзаллигидан максимал даражада фойдаланиш керак. Зоро, **техника йўналишидаги академик лицейлар ўқувчилари келгусида чизмалар, расмлар, жадваллардан фойдаланишлари; конструктив-техник топшириқларни ҳал қилишлари лозим бўлади, шу туфайли уларга ривожланган фазовий-образли тафаккур зарур.** Шу сабабли ўқувчиларни математикага ўргатишда фазовий-образли компонентни ривожлантириш керак. Бўлажак техника ишлаб чиқариши соҳаси ходимларини ўқитишга бундай ёндашишнинг мақсадга мувофиқлиги бир қатор тадқиқотларда қайд этилади. Хусусан, И.С. Якиманская(124)нинг тадқиқотларида тасаввурга кўра техника объектларининг адекват образларини яратиш кўнимларининг муҳимлиги кўрсатилган. Иш жараёнида бундай қобилиятдан фойдалана билиш керак. Бир образдан иккинчисига ўтиш изчил равишда, яратилаётган образлар табиатини эътиборга олган ҳолда амалга оширилиши керак. В.А. Крутецкий(77) қобилиялар психологиясини тадқиқ этар экан, образли тафаккурга эга ўқувчилар сўзли-мантиқий материалдан кўра кўргазмали материалдан самарали фойдаланади. Демак, техника йўналишидаги академик лицей ўқувчиларини математикага ўқитишда образли асосдан воз кечмаслик керак, акс ҳолда таълим нафақат тафаккурни ривожлантирмайди, балки унга тўсқинлик қиласди. Ўқув материалини ўзлаштириш жараёнида образли тафаккурдан фойдалана билиш уни тушунишга ва эсда сақлаб қолишга ёрдам беради. Шу тарзда, **техника йўналишидаги академик лицейларда асосан англаш фаолияти “элементлар**

**бўйича” тафаккур тури хос бўлган ўқувчилар таълим олади.** Мазкур ўқувчилар учун уларнинг келгуси фаолиятида ҳам тафаккурнинг фазовий-образли компоненти ҳамда кўриб чиқилаётган фактларнинг умумий маъносини англай билиш ҳам муҳимдир. Демак, ўрта мактабнинг юкори синфларида(ва, демак, академик лицейларда) шу жиҳатни ҳам назарда тутиш лозим. Бунинг аҳамияти шундаки, таълим мазмунидаги ҳам, таълим методларида ҳам техника йўналишидаги касблардан бирини танлаган ўқувчиларнинг миянинг чап яримшарига асосланган тафаккурнинг ўзига хослигига йўналтирилгани ҳолда, миянинг ўнг яримшарига хос бўлган образлиликка ҳам етарлича эътибор қаратиш керак. Чунончи, бу ёшда яримшарлараро вазифалар табақаланиши ҳали якунланмаган.

**Шундай қилиб, техника йўналишидаги академик лицейларда математик таълим мазмун-моҳиятини танлашда ўқувчиларнинг психологик ва психофизиологик хусусиятларини эътиборга олиш мақсадга мувофиқдир, бу таълим мазмунини танлаш мезонларида ҳам, таълим методларини танлашда ҳам ўз ифодасини топиши керак.**

### **1.3. Техника йўналишидаги академик лицейларда математик таълим мазмунини танлаш мезонлари**

Дидактикада таълимнинг мазмун жиҳатини ифодаловчи ижтимоий буюртманинг кўп босқичли педагогик модели сифатида англашиладиган таълим мазмуни таълим мақсадларини амалга ошириш воситаси ҳисобланади(117).

Таълимни табақалаштириш, унинг кўп ихтисосли тузилмасини шакллантириш даврида умумий ўрта маълумотнинг таянч даражасини аниқлаш, ўқувчиларнинг келгуси касбий қизиқишлари, таълим йўналишидан қатъий назар таълимни олий ўқув юртларида ёки техникумларда давом эттириш имкониятини кафолатловчи, барча ўқувчилар учун муҳим бўлган таълим мақсадлари ва

даражасини ойдинлаштириш муҳим аҳамиятга эга. Фан-техника тараққиётининг ҳозирги босқичида табиий-математика туркумидаги фанларнинг аҳамияти ортиб бормоқда. Шуни алоҳида таъкидлаш зарурки, таълимнинг ижтимоийлашувига фақат ижтимоий фанлар салмоғини ошириш орқалигина эришиб бўлмайди. Табиий ва гуманитар фанлар интеграциялашувида ўрта таълим мазмунини танлашнинг назария ва амалиётидаги туб ўзгаришларни амалга оширишга тўғри келади. Бундай ғоялар янги эмас. Ўтган асрнинг бошларида ё рус методисти Д.Ройтман (Значение рационального естествознания и математики в системе общего образования...—С.-Пет., 1910. —72 с.) оқилона тарзда табиатшунослик ва математика хусусида гапириб, бу фанлар ривожланувчи умумий таълимнинг асоси, деб таъкидлаган ва айтган эдики, бундай таълим зинҳор мактаб билан чекланмайди ҳамда шахснинг онгли ҳаёти давомида унинг ўзи билан бирга ривожланади. Шунингдек, олим ёзадики, таълим ижтимоийликсиз қуруқ гап бўлиб қолган бўлар эди. Аммо шуни ҳам таъкидлаш жоизки, умумтаълим мактабининг олий мақсадига эришиш ва уни мустақкамлаш учун юқорида таъкидлаб ўтилган асос зарур. Шу тариқа, ижтимоийлаштиришнинг ҳақиқий асоси бўлган математик таълимнинг ривожлантирилиши, мактаб тараққиётининг ҳозирги босқичида энг долзарб вазифалардан бири бўлган. **Таълим дифференциацияси тегишли равишда мактабдаги математик таълимнинг самарадорлигига таъсир кўрсатадиган муҳим омиллардан бири бўлган унинг мазмунини табақалаштиришни талаб этади.** Таълим ва тарбиянинг қабул қилинган мақсадларига мос келувчи таълим мазмунини ўқув дастурларида белгилаб қўйилган, педагогик жиҳатдан асосланган, мантиқий тартибга солинган ва матн жиҳатидан белгиланган ўрганилаётган материал тўғрисидаги илмий ахборот сифатида тушуниш мумкин. Бундай ахборот педагоглар таълим бериши фаолиятининг моҳиятини ҳамда ўқувчилар томонидан таълимнинг барча компонентларини ўзлаштиришга доир билиш фаолияти мазмунини белгилайди.

Таълим мазмунини танлаш муаммосининг турли жиҳатлари, хусусан, математика таълими мисолида бир қатор олимларнинг тадқиқотларида кўриб

чиқилган. Уларнинг аскариятида таълим мазмуни таълим мақсадлари билан боғлиқ равишда аниқланиши кўрсатилган. В.П. Беспалько ёзадики, “**таълим мазмунини аниқлаш учун, биринчи навбатда, таълим мақсадларини етарли даражада аниқ ва равшан ифодалаб бериш зарур”**(26, 35-бет).

Умумтаълим мактабларига хос бўлган математика таълими мақсадларини таълим, тарбия, ривожлантириш ва амалий турларга бўлиниши касбга йўналтирилган мактабларда дихотомик бўлинишга айланади: математика таълимининг умумий ва маҳсус мақсадлари фарқланади. Юқорида кўрсатиб ўтилган анъанавий мақсадларни умумлаштирувчи **умумий мақсадлар ўқувчиларни билим ва малакаларнинг муайян умумтаълим даражаси билан таъминлаш учун қўйилади, маҳсус мақсадлар эса таълимнинг йўналтирилиши хусусиятлари билан белгиланади.**

Таълим мазмунининг ҳар бир йўналиши учун математика таълимининг умумий хусусиятларига эришиш мақсадида барча йўналишлар учун умумий бўлган, муайян “**асос**”ни ташкил этувчи бўлимларни қамраб олиши керак. Бундай “асос”нинг мундарижаси таълим мазмунини танлашга доир асосий дидактик ва методик принципларга таянган ҳолда тузилади. Масалан, бундай мезонлар математик-методист В.А. Оганесян (85) томонидан ишлаб чиқилган. Бунда олим тарбияловчи ва ривожлантирувчи таълимнинг дидактик принципларига, таълимни хаёт ва унинг политехник жиҳатдан йўналтирилганлигига таянган.

Математик таълимнинг принциплари ва механизмини танлашга замонавий ёндашувлар Г.В. Дорофеев(50)нинг мақоласида ифодаланган. Олимнинг мақоласида аниқ билимлар орасидан мақсадга йўналтирилган ва қўшимча билимлар гурухлари ажратиб кўрсатилган.

Дастурни қайта ишлаш пайтида В.А. Оганесян математик таълим мазмунини танлаш бўйича қўйидаги **умумлаштирилган мезонлардан фойдаланишни** таклиф этади: **тўлиқлик, кенглик, дидактик аҳамиятлилик.**

Ихтисосий таълим жараёнида. ўқувчиларнинг касбий интилишларини амалга оширишга қаратилган янги, маҳсус мақсадлар пайдо бўлгани туфайли,

санаб ўтилган мезонлар етарли бўлмаслиги мумкин. Уларни маҳсус мезонлар қаторига киритишимиз, бунда техника йўналишидаги академик лицейларда математика таълимига ёндашувнинг ўзига хос жиҳатларини эътиборга олиш керак.

**Техника йўналишидаги академик лицейлардаги таълим тизими бўлажак техника соҳасидаги зиёлилар ҳамда техника ишлаб чиқаришидаги юқори малакали ишчилар тафаккурининг ўзига хослигига йўналтиришни тақозо этади. Шу сабабли бундай лицейларда математика таълимининг умумий мақсадлари билан бир қаторда таълимнинг маҳсус мақсадлари: ўқувчиларда фикрлашнинг техникавий услуби ҳам мавжуд бўлади.**

**Техника йўналишидаги академик лицейларда математик таълимнинг маҳсус мақсадлари қўйилиши муносабати билан бизнинг тадқиқотларимизда қуидагилар амалга оширилди:**

- а) техникавий тафаккурнинг психологик компонентларини аниқлаш;**
- б) қандай малакалар техникавий тафаккур услуби характерлашини аниқлаш;**
- в) тафаккурнинг қандай сифатлари маҳсус ривожлантиришни талаб этишини кўрсатиш.**

Турли ўқув фанлари ўқитилиши жараёнида техникавий тафаккур услубини шакллантириш йўллари турлича бўлади. Шу туфайли бунинг математик таълим жараёнида шакллантирилиши мумкин бўлган таркибий қисмларини аниқлаш керак. Сўнгра бевосита техникавий тафаккур услубини шакллантиришга асос бўла оладиган ўқув материалининг мазмунини ойдинлаштириш мумкин бўлади. Кейинчалик у техника йўналишидаги таълим муассасалари битирувчилари ўз таълимини ёки меҳнат фаолиятини олиб борадиган жойларда давом эттириши лозим. Шунингдек, техникавий тафаккур услубини шакллантиришда бошқа ўқув фанлари, жумладан, меҳнат таълими, физика, кимё каби фанларнинг салмоғи катта бўлади.

Т.В. Кудрявцев (79) томонидан техникавий тафаккурнинг уч компонентли тузилмаси аниқланган. У тушунчалар воситасида ва айни пайтда образли-амалий

фикрлашдир. Бир қатор техникага оид масалаларни, хусусан, ишлаб чиқаришга оид техника масалаларини ҳал этишда уларни ечишнинг турли босқичларида биринчи ўринга фикрлаш фаолиятининг у ёхуд бу компонентлари илгари суриласди. Бунда иккита асосий компонент фарқланади ва уларнинг ҳар бири интеграциялашган таълим ҳисобланади. Бу нуқтаи назардан қараганда техникавий тафаккур назарий-амалий ва тушунчали-образли фикрлашдир ва унинг ўзига хослиги расмий-операциявий тузилишида эмас, балки мазмунли-психологик таркибидадир. Шундай хулосага келинганки, техникага ва ишлаб чиқаришга оид техника масалаларини ҳал этишда фикрлаш операция(амал)ларининг алоҳида характеристикалари кузатилмаган (79, 241-бет).

Эндиликда техникавий тафаккур услубини белгиловчи кў尼克малар хусусида тўхталсак. И.С. Якиманская(139) ўз тадқиқотларида шуни кўрсатадики, техника тараққиёти, технологияларнинг такомиллашуви, ишлаб чиқаришнинг барча бўғинларининг комплекс механизациялашуви ва автоматлаштирилиши инсоннинг меҳнат фаолияти мазмуни ва характеристига туб ўзгаришлар олиб кирмоқда. **Ишлаб чиқариш фаолиятини амалга ошириш давомида ақлий операцияларнинг аҳамияти ортиб боради, яъни амалий малакалар билан биргаликда интеллектуал кў尼克маларни ўзлаштириш ҳам талаб этилади**(139, 184-бет).

**Интеллектуал кў尼克маларни билимларга ҳам, амалий малакаларга ҳам тенглаштириб бўлмайди.** Улар билимларнинг амалий ўзлаштирилишини, амалда қўллай билиш маҳорат(лаёқат)ини англатади.

**Мажбурий компонентлар сифатида ҳар қандай фаолият турида мавжуд бўлган қуидаги интеллектуал кў尼克малар фарқланади:** ўз хатти-харакатларини режалаштира олиш, хатти-харакатлар изчиллиги, нафақат иш натижаси, балки иш жараёнини ҳам назорат қилиш кабилар. Бунда ишлаб чиқариш фаолияти учун кузатишнинг характерли хусусиятига унинг динамиклиги, улар амалга ошириладиган шартларининг вариативлиги, тезкорлиги ва амалийлиги киради. Асосий интеллектуал кў尼克маларга техник қўргазмалилик билан иш қўра олиш, мустақил равишда билимларни

**ўзлаштира олиш, янгилаш ва зарур ҳолларда тўлдириб бориш, уларни аниқ ишлаб чиқариш шароитларида қўллай олиш, ўз меҳнатини ташкил эта билиш кабилар киради. Образлар яратадан билиш ва уларни қўллай олиш ҳам муҳим қўникма(фазилат) саналади.**

Бундай қўникмаларни эгаллаш ақлнинг маҳсус хусусиятлари, чунончи, мослашувчанлик, тезкорлик, образлар-схемаларга таянган ҳолда фикрлаш қобилиягини, уларни реал ишлаб чиқариш объектлари динамикасини эътиборга олган ҳолда ўзгартира олиш қобилиягини тақозо этади ( 139, 30-бет).

Юқорида қайд этилган эдики, техника йўналишидаги таълим муссасалари ўқувчилари учун уларнинг келгуси фаолиятида тафаккурнинг фазовий-образли компоненти, бошиданоқ фактларнинг умумий маъносини кўра билиш қобилияти муҳим аҳамиятга эга. Ҳолбуки образларни яратадан билиш ва уларни қўллай олиш инсон ақлининг алоҳида хусусияти бўлиб, образларнинг ўзи бир-биридан ўз моҳияти, пайдо бўлиш механизми бўйича фарқланади. Ушбу жараёнда субъектнинг реал дунёга муносабати намоён бўлади.

Бу ҳақда субъектнинг фаолият жараёнидаги фаоллиги принципини амалга оширувчи психологларнинг бир қатор тадқиқотларида қайд этилган(40; 81; 112). Субъектив образнинг яратилиши ички мақсадлар, истакларга таянади.

**Кўргазмали образлар турлича предметли, шартли-график ва белгили-рамзли ифодалар асосида яратилади, бу эса график моделлаштириш билан боғлиқ.**

Унинг ҳозирги кунда фан ва техникада кенг қўлланилиши реал ҳодисалар, ўрганилаётган назарий боғланишларни етарли даражада расмийлаштирилган ҳолда аниқлаш, уларни воқеликнинг турли соҳаларида намоён бўлишини тахмин қилиш имконини беради.

И.С.Якиманская(139) ва образли тафаккурни ривожлантириш муаммолари билан шуғулланувчи бошқа олимлар ўз тадқиқотларида шуни таъкидлашади, ўқувчилар улғайгани сайин образлар билан иш кўриш имконияти ортиб боради. Бу ўринда предметли таълим муҳим роль ўйнайди. Унинг доирасида ўқувчилар образлар яратиш, улар билан ишлаш бўйича маҳсус усусларни эгаллайди,

хусусан, образли тафаккурни ривожлантиришда математика (унинг геометрия бўлими) муҳим роль ўйнайди Геометрик материални ўрганишда образли тафаккурнинг ўзига хос шакли бўлган фазовий тафаккурнинг роли ортади. Бундай ҳолда образларни яратиш малакаси қуидагиларда: ҳақиқий объектларнинг фазовий образлардан шартли-рамзий тасвиirlарга ўтишда, уч ўлчовли тасвиirlардан икки ўлчовли тасвиirlарга ўтишда ва, аксинча, ҳолларни амалга оширишда намоён бўлади.

Алгебрага келсак, мазкур ўқув фанини ўзлаштириш жараёнида ўқувчиларда кўргазмали материаллар асосида икки хил образлар яратилади: шартли-рамзли образлар (шартли-рамзий белги тизими асосида) ва график образлар (муайян қоидалар бўйича тартибга солинган нуқталар тўпламидан иборат график тизим асосида). Алгебраик материални ўзлаштириш жараёнида образларни қўллай билиш шартли-рамзий ва график турдаги образлар шаклидаги кўргазмали материални қабул қилиш йўли билан олинган ахборотни қайта кодлаштириш жараёнида намоён бўлади. Алгебраик топшириқларни бажариш пайтида нафақат материалнинг кўргазмали жихати қабул қилинади, балки унинг фикрий жихатдан ўзгарган ҳолда англаниши ҳам содир бўлади. Ана шундай фикрлаш жараёнида дастлабки ҳолатида фарқланадиган ҳамда оралиқ, қўшимча ҳолатлар, шаклланган ечимлар, олинган жавоблар шаклидаги образлар яратилади. Бирон-бир дастлабки кўргазмали образни қабул қилиш жараёнида ҳаракатланиш жадвалининг динамик образи яратилади, бунинг натижасида доимий равища статик образдан динамик умумлаштиришга ўтиш амалга оширилади.

П.Г.Сатьяновнинг ишида (116) кўрсатилганидек, **математик анализ элементларини ўрганиш жараёнида ўрганилаётган материал ўзлаштирилишининг мустаҳкамлилиги ва англашилиши, масалаларни ҳал этишда улардан ишонч билан фойдалана олиш ушбу тушунчанинг тегишли геометрик образ билан алоқадорлигига боғлиқ.**

Маълумки, математикада асосий метод сифатида аналитик метод кўлланилади, чунки топшириқларнинг аксарияти, айниқса алгебрада, шартли-

рамзий ёзув сифатида ҳал этилиши лозим. График метод эса қўшимча, кўргазмали восита тариқасида қабул қилинади.

Юқоридагиларга якун ясар эканмиз, математиканинг турли бўлимларини ўрганишда математик обьект тўғрисидаги тўлароқ тасаввурга қабул қилиш яхлитлиги, бир вақттинг ўзида тасвирнинг барча хусусиятларини ўзлаштириш имконияти орқали эришиш мумкин. Таълим жараёнида образлар типларининг яхлитлигини етишмаслиги кўпинча ўқув материалларининг юзаки ўзлаштирилишига олиб келиши мумкин.

Техника йўналишидаги академик лицейлар ўқувчиларининг “техника”, “белгилар тизими” туридаги фаолиятга мойиллигидан келиб чиқиб, тафаккурнинг миянинг чап яримшарига оид тафаккур услуги ўқув-билиув (“ўқиш-билиш” ёки “ўқув-билиш” ибораларига қараганда бу ибора бизга кўпроқ маъқул келди) фаолиятининг аналитик характеристига, муносабатлар ва операциялар табиатини, уларнинг изчиллигини кўра билишга йўналтиради, бу эса обьект ҳакида тўлик тасаввур ҳосил бўлишига йўл қўймайди.

Шу тариқа, ўқув материалининг мазмунини танлашда, биринчидан, шундай қўшимча бўлимларни олиш керакки, уларни ўрганиш техника йўналишидаги академик лицейларда тафаккурнинг образли компонентини (тегишли равишда образларни қўллай билиш, бир обьектнинг турли моделларидан фойдалана билишни) тақозо этиши керак ва, иккинчидан, ўқув материалини бевосита баён қилишда имкони борича нафакат кўрсатилган образларга асосланишга, балки график тасвирларга асосланган изоҳларга урғу бериш лозим бўлади. Ўқувчиларнинг математик материал билан иш кўришига оид индивидуал хусусиятларини ўрганишга бағишланган илмий-методик тадқиқотлар айнан ана шунга йўналтирилган.

Юқорида айтиб ўтилганлар психофизиологик мезонни киритиш учун асос бўлган: **математика таълим мазмуни техникавий касбларга йўналтирилган ўқувчиларнинг психофизиологик хусусиятларини эътиборга олиши лозим.**

**Техникавий тафаккурга хос бўлган кўнилмаларни ўқув- математик фаолиятга нисбатан кўриб чиқадиган бўлсак, юқорида қайд этиб ўтилган**

**турли образлар яратади билиш ва уларни қўллай билиш лаёқати билан бирга техникавий тафаккур услубининг ўзига хослигини намоён этувчи бошқа кўнималар ҳам фарқланади. Бундай кўнималарга қуидагилар киради: реал жарёнларни моделлаштира олиш (математик моделларни қура билиш); ривожланган график кўнималар; экспериментал иш олиб бориш ва ҳисобкитоб, ўлчаш, тадқиқ этиш ва лойиҳалаш натижаларига математик жихатдан баҳо бера олиш; мисолни еча олиш учун зарур алгоритмни ёки қулай математик усулни тузади олиш ёки танлай билиш; умумлаштирилган алгоритмларни қўллай олиш; замонавий ҳисоблаш машиналаридан фойдаланиш; маълумотнома туридаги адабиётлардан фойдалана олиш; турли ҳисоблаш системалари, ҳисоб-китоб бирликлари, шу жумладан, бошқа мамлакатларда ҳам қўлланиладиган ўлчов бирликларидан хабардорлик.**

Таълим мазмунини шакллантириш жараёни ҳар бир йўналиш бўйича дастур ишлаб чиқиши билан ҳам, ўкув фанининг тузилиши билан ҳам боғлиқдир. Шу сабабли таълимга уни табақалаштириш орқали ёндашиш **таркибий-мазмунли мезонга** риоя этилишини талаб этади. Унинг мазмунига тўхталсак. **Математик таълимнинг умумий мақсадлари таълимнинг ҳар бир йўналишида барча касблар учун умумий бўлган, таянч математик тайёргарликни кенгайтирувчи ва умумтаълимий аҳамиятга эга бўлимлар мужассамланишини назарда тутади.** Бу математик таълим мазмунига ва ўкув-методика мажмуасига қўйиладиган асосий талаблардан бири бўлиб, у математика таълимининг ихтисосий табақаланишини амалга оширади.

Барча касблар учун **инвариант**(ўзгармас, яъни ядро) бўлган мазмунли асосдан ташқари, техника йўналишидаги таълим муассасаларида математика фани дастури ўз ичига **вариатив**(ўзгарувчи, яъни пўстлоқ) қисмни ҳам қамраб олади.

Техника йўналишида кўп ихтисосларнинг мавжудлиги шуни тахмин қилишга имкон берадики, математикага оид дастурлар (бошқа йўналишларга нисбатан) вариантив қисмга эга бўлимларнинг нисбатан кўп қисмини ташкил этади. Ҳар бир бўлим мустақил ва якунланган ахборотлар тўпламидан иборат

бўлганлиги туфайли қулайлик учун уни модуль деб аташ ўринли. Шу сабабли ушбу атаманинг илмий адабиётларда тушунилишидан келиб чиқсан ҳолда **математика курсининг белгиланган интеграциялашган дидактик мақсадга эга, интеллектуал ва ихтисосий малакаларни шаклантиришга йўналтирилган бўлимини модуль** деб атаймиз.

Шу тариқа **таркибий-мазмунли мезон** у ёки бу йўналишда ўрганилиши мақсадга мувофиқ бўлган модулларнинг мавжудлигини тақозо этади.

Техника йўналишидаги академик лицей ўқувчилари учун истиқболли амалий аҳамиятга эга бўлган бўлимларни аниқлаш учун **халқаро аҳамиятлилик мезонини** жорий этиш мақсадга мувофиқдир. Ҳозирги даврда ҳаётимизнинг кўп соҳалари бўйича биз кўпроқ хорижий давлатлар тажрибаларига мурожаат этмоқдамиз. Биз учун уларнинг парламентлари фаолияти, сиёсий ва ижтимоий тузилиши, ва ниҳоят, уларнинг таълим соҳасидаги тажрибалари қизиқарлидир. Таълим ва тарбия муаммоларини ҳал қилишда хориж тажрибасига таяниш ҳар қандай давлатга хосдир. Ҳатто, Япониядек тараққий этган давлат педагоглари ўз дастурларини ишлаб чиқишдан аввал мактаб математикасига оид асосий хорижий дастурларни синчковлик билан ўрганиб чиқсанлар.

Агар ўз вақтида, ўтган асрнинг 70-йилларида назарий-тўплам нуқтаи назардан ёндашувга асосланган “янги математика”нинг жорий этилишига оид тажриба натижаларини инобатга олганимизда мактабларимиздаги қатор муаммоларга йўл қўйилмаган бўлар эди. Зеро, ўтган асрнинг 70-йилларидаёқ “янги математика” ёки Фройденталь таърифига кўра “янги беъманилик” (130) фан шаклидаги математика билан мактаб математика таълими ўртасида пайдо бўлган бўшлиқни тўлдира олмаслиги маълум бўлган эди. Шўролар педагогикаси томонидан янги йўналишларнинг синаб қўрилиши ғарб мамлакатларидаги каби оқибатларга олиб келди. “Ортга, асослар сари” шиори илгари сурилди, лекин бу дегани “эски” математикага қайтишни англаатмайди.

**Бизнинг мактабларимиз ҳар йили дастурларни қисқартириш йўлини танлади ва оқибатда қисқартирилган математика курсига эришдик (бу ўринда юқори синфлар назарда тутилади). Сўнгги 10-15 йил давомида**

**ривожланган мамлакатлар билан бир қаторда бошқа барча мамлакатлар ҳам математика таълимига оид дастурларини қайта кўриб чиқиши, бундан кўзланган мақсад-ўқув фани мазмунини таълим мақсадлариға қўйиладиган замонавий талабларни эътиборга олган ҳолда янгилашдан иборат эди. Қачонки мактабларимиз таълимга нисбатан муносабатини тубдан ўзгартиришга киришган экан, ўқув материали мазмунини танлаш соҳасида ҳам, ўқитиш технологияси борасида ҳам хорижий тажриба мухим ўрин тутади. Бунинг устига жаҳон тажрибасида техникавий йўналишлар бўйича таълим жараёнида анчагина жиддий ўқув-методика соҳасида бир қатор янгиликларга эришилган. Мазкур мезоннинг жорий этилишига ўрта маълумотлар тўғрисидаги Давлат хужжатларининг давлатлараро ўзаро тан олиниши масаласи туртки бўлиши мумкин.**

**Математика ғоя сифатида универсал бўлса-да, ҳодиса сифатида у муҳитга боғлиқ ва шу сабабли бошқа мамлакатларда математика таълими муаммолари ҳал этилиши йўллариға кўр-кўrona тақлид қилишга йўл қўйиб бўлмайди. Бироқ, вақт томонидан синовдан ўтган ва дунё қўламида математика таълими ривожланиши тенденциялариға хос бўлган ғояларни янги мазмунни шакллантириш жараёнида эътиборга олиш зарур. Техника йўналишидаги математика курси учун таълимнинг амалий(татбиқий) йўналтирилганлиги алоҳида аҳамият касб этади. В.В. Фирсовнинг (129) тадқиқотларида мактабдаги математик таълимнинг амалий(татбиқий) йўналтирилишига қўйиладиган талаблар кейинчалик ушбу муаммонинг таникли методистлар томонидан бир қатор диссертацияларда ишлаб чиқилишига туртки берди.**

Назарий ва амалий ўқув материалининг ҳажми, мазмuni ва мантиқий изчиллигининг мақсадга мувофиқлигига намоён бўлувчи математик таълимнинг татбиқийлиги техника йўналишидаги математик таълим мазмунини белгилашга оид мазмунли-методик мезон учун асос бўлди. Ушбу мезон В.А. Оганесян томонидан таклиф этилган(99) таълимда назария ва амалиёт муносабати (нисбати) тўғрисидаги мезонга мос келади.

Биз уни қуидагида ифодалаймиз: **техника йұналишидаги академик лицейлар математика курсининг ҳар қандай мазмунли блоки учун назарий материалга қараганда амалий материални ўрганишга күпроқ вақт ажратиш.**

Математика ўқитиши жараёнида назария ва амалиётнинг ўзаро узвий боғлиқлиги күпроқ масалалар ечишда амалга оширилиши мумкин. "Масалалар орқали математика ўргатиш" тезисининг манбаи Д. Пойа(109) тадқиқотларири. Унинг фикрича, **математикани эгаллаш - масалаларни, айни пайтда одатдагидан ташқари, маълум даражада фикрлаш эркинлигини, соғлом мантиқни, ўзига хосликни талаб этувчи масалаларни еча билишни англатади.**

"Масала" атамасини кенгрөқ маънода, хусусан, бирон-бир натижани топишга йўналтирилган ҳар қандай ҳисоблаш машқи ва ҳар қандай топшириқ сифатида тушунамиз.

Математика таълимида масалалардан фойдаланиш муаммосига маҳсус бағишлиланган тадқиқотларда, хусусан, Ю.М. Колягиннинг (74) ишларида уқтириладики, **масалалар нафақат математикани ўрганиш воситаси, айни пайтда улар таълим мақсадидир, яъни математика таълими мазмунига киради.** Математика таълимида масалаларнинг роли ва ўрнини ўзгартириш масаласига батафсил тўхталмаган ҳолда шуни қайд этамизки, ҳозирги пайтларда таълимда қўлланиладиган масалалар воситасида ўргатиш методикаси ўқув фаолиятининг таркибини ташкил этувчи уч бўғиннинг ҳар бирида: асослийўналтирилган, ижроия-йўналтирилган, назоратли-баҳолаш босқичларида масалаларнинг хилма-хил вазифаларининг кенг қўлланишини кўзда тутади. **Масалалардан нафақат назарий материални мустаҳкамлашда асосий малака ва кўникмаларни шакллантириш пайтида, балки кириш воситаси, шунингдек, билимларни системалаштириш ва умумлаштириш, ўқув фанлариаро ва ўқув фанларининг ички алоқаларини амалга ошириш пайтида ва ҳоказо ҳолларда фойдаланиш мумкин.**

Математика таълимида масалаларни танлашга нисбатан турли методик талаблар илгари сурилган. Техника йұналишидаги академик лицейлар учун

шунга ўхшаш талабларни белгилашдан олдин, шуни қайд этамизки, биз А.Н. Колмогоров(72) фикрига қўшиламиз. Унинг нуқтаи назарига кўра, етарли даражада оддий ва табиий бўлган масалалар воситасида мустаҳкамланадиган математик тасаввурлар масалаларнинг алоҳида турларига мансуб бўлган тор ихтисослашган малакаларга қараганда хотирада яхши сақланиб қолади ва бир неча йилдан кейин ҳам олий ўқув юртларидағи назарий машқларга қайтиш пайтида кўпроқ кўл келиши мумкин.

Шу тарзда, ҳатто, амалий тусга эга бўлган оддий масалалар кўпроқ фойда келтириши мумкин.

Шунингдек, фикримизча, бошқа касбларга қараганда амалий йўналтирилганлиги аниқ ва чуқур бўлган техника йўналишидаги мактаб математика курси учун ўқувчиларнинг аксарияти ечиши мумкин бўлган масалалар келтирилиши керак.

Шу тарзда **биз техника йўналишидаги академик лицейлар ўқувчилари** эътиборига масалаларнинг қуидаги типологиясини таклиф этамиз. Унда математик моделларни қуришга қаратилган масалалар бўлиши керак (яъни, амалий-татбиқий йўналишдаги масалалар); лойиҳалаш малакаларини шакллантиришга қаратилган масалалар; ҳисоблаш техникасидан фойдаланишни кўзда тутувчи масалалар (жавобни рақамли натижага, ўлчовларга етказиш, ЭҲМдан фойдаланиш); ўқув фанлариаро алоқаларни рўёбга чиқарувчи масалалар; график кўникмаларни ҳосил қилувчи масалалар; ўзини ўзи назорат қилиш малакаларини шакллантирувчи масалалар; маълумотнома тусидаги адабиётлардан фойдаланишни кўзда тутувчи масалалар; хорижий адабиётлардаги илмий-техник муаммолардан хабардорликни тақозо этувчи (ахборот тузилмалари тизимидан, таржима қилинган ва таржима қилинмаган илмий манбалардан фойдаланишни талаб этувчи) топшириқлар; алгоритмик кўникмаларни ривожлантиришни кўзда тутувчи, бажарилиши ўқув фанлариаро лаборатория ишларига, устахоналарга мурожаат этишни ёки амалий жараёнларни қўшимча равишда тадқиқ қилишни кўзда тутувчи топшириқлар; маълумотлари

**тўлиқ бўлмаган, уларни тўлдириш учун қўшимча тадқиқот ишларини олиб боришни кўзда тутувчи топшириқлар ва шу кабилар.**

Шундай қилиб, ушбу параграфда техника йўналишидаги академик лицейлар математика курси мазмунини аниқлашга ёндашувлар ёритилди; математика таълим мининг асосий мақсадини амалга оширувчи; психофизиологик, таркибий-мазмунли, халқаро аҳамиятга эга бўлган мезонлар ишлаб чиқилди; техника йўналишидаги академик лицейларда математик таълим жараёнида қўллаш учун масалалар типологияси таквсия этилди.

**Биринчи боб бўйича айрим хулосалар чиқарамиз.**

Мамлакатимиз ва хорижий таълим тизимлари тажрибаларининг таҳлили шуни кўрсатадики, таълим дифференциацияси индивидуаллаштириш жараёни самарадорлигининг муҳим воситасидир. Бу ўринда шуни қайд этиш керакки, табақалаштиришнинг ҳар бир босқичида ижтимоий, математик йўналишлар билан бир қаторда, техника йўналиши ҳам алоҳида ажралиб туради.

Таълим мазмунини танлаш нуқтаи назардан дифференциация муаммосининг ҳал этилишини турли йўналишдаги ўқувчиларнинг психологик хусусиятларини эътиборга олмаган ҳолда бажариб бўлмайди. Шахс ривожининг турли жиҳатларини кўздан кечира туриб, ўз навбатида, ўқувчиларнинг мойилликлари ва лаёқатларига боғлиқ бўлган психофизиологик хусусиятларига таяниш муҳим аҳамиятга эга.

Психологик ва психофизиологик адабиётлар билан танишиш шуни кўрсатадики, техника йўналишидаги академик лицейлар ўқувчилари асосан фаолиятнинг икки : “инсон- техника”, “инсон-белгилар тизими” турларига мойил бўлади. Фаолиятнинг ушбу турларига мойиллик кўрсаткичлари асосан мия чап яримшарининг функционал ўзига хослигидан келиб чиқади.

Психологларнинг тадқиқотлари натижаларини ўқувчиларнинг келгуси фаолиятининг ўзига хослиги билан солишириш шундай хулоса чиқариш имконини берадики, таълим мазмунида ҳам, таълим методларида ҳам мия чап яримшарига хос тафаккур хусусиятларига таянишда образли компонентни ривожлантиришга етарлича эътибор қаратиш лозим.

Юқорида қайд этилганларга мувофиқ равища бизнинг тадқиқотларимиз техника йўналишидаги академик лицейларда математика таълимининг методик жиҳатдан ўзига хосликларини аниқлашга қаратилган. Бунда ҳозиргача мавжуд бўлган таълим мазмунини танлаш мезонлари ихтисосий йўналиш учун етарли эмаслиги кўзга ташланди.

Техника йўналишидаги академик лицейларда маҳсус мақсадларга эришиш учун қўшимча мезонларни ишлаб чиқиш зарур. Шу тарзда техника йўналишидаги академик лицейларда математик таълим жараёнини ташкил қилишга оид ёндашувларни жорий этиш тафаккурнинг муҳим компонентларини ривожлантириш, шунингдек, техникавий тафаккур (фикрлаш) услубини ривожлантириш имконини беради.

## **и к к и н ч и б о б**

# **Техника йўналишидаги академик лицейларда математик таълим методикаси хусусиятлари**

## **2.1. Техника йўналишидаги академик лицейларда математик таълим мазмуни хусусиятлари**

Математик таълим мазмунини танлаш мезонлари бир-бiri билан ўзаро боғлиқ ва улар бир-бирларини тўлдиради. Таълим мазмунининг тўлиқлиги, кенглиги ва дидактик аҳамиятлилигининг умумлаштирилган мезонлари асосан математикани ўқитишининг умумий мақсадлариiga эришиш учун ўқув материали мазмунини танлашда қўлланилади. Аммо табақалаштирилган таълим шароитларидаги таълим мазмунига ёндашувда бу мезонлар курснинг “мағзи”ни тўлдириш учун ҳам, таълим йўналишини белгиловчи қўшимча бўлим ва модуллар учун ҳам етарли эмаслиги аён бўлади.

Авваламбор халқаро аҳамиятлилик мезонининг амал қилишига тўхталамиз.

Мазкур мезонга мувофиқ сўнгти ўн йилликлар давомида математикадан амалда қўлланилган хорижий мактаблар ўқув дастурлари билан бирга таълим ислоҳоти жараёнида ишлаб чиқилган янги дастурлар ҳам таҳлил қилинди. Шунингдек, мактаб, гимназия, техника коллежлари, лицейлар учун математика дарсликлари ҳамда касбга оид илмий-методик журналларда эълон қилинган мақолалар ўрганилди.

Олиб борилган таҳлиллар шуни кўрсатдик, деярли барча мамлакатларда математика юқорида тилга олинган илм масканлари ўқув режаларида етакчи ўринлардан бирини эгаллайди. Математикани ўрганиш учун ўқув соатининг деярли 17 проценти ажратилади. Математикага бўлган бундай катта эътибор унинг ҳозирги замон жамиятида тутган алоҳида ўрнини акс эттиради. Ижтимоий истиқболлардан келиб чиқилса, математика соҳаси, шунингдек, кенг билимга эга

бўлган фуқароларни тайёрлаш ва, шубҳасиз, саноат, технологиялар ва илм-фан учун зарур бўлган малакали кадрларни тайёрлашнинг муҳим воситасидир.

Аксарият мамлакатларда бошланғич таълимдан ўрта таълимга ўтиш барча ўқувчилар учун умумий бўлган дастурдан уларнинг қобилияти, қизиқишилари ва мойилликларига мос келадиган турли дастурларни назарда тутувчи мактаб томон ҳаракат орқали юз беради. Баъзи мамлакатларда ўрта мактабнинг юқори синфлари учун математикадан турлича дастурлар сони 12 тага етади ва, ҳатто, ундан ҳам ортади. Шунга қарамай, математиканинг уч-тўрт “тури”ни ажратиш кузатилади ва шунга мувофиқ математика бўйича дастурларнинг турлари ҳам ажратилади. Масалан, баъзи олимлар, жумладан, Д.А.Коудлинг(76) “маиший математика” (survival math), “амалий математика” (math foruse), “математиклар учун математика” (mathematician’s mathematics) ни кўрсатади. Бошқа олимлар математика бўйича дастурларнинг 4 турини ажратади:

1. Асосан университетларга киришга тайёрланадиган ўқувчилар учун **академик курслар**. Назарий принциплар, алоҳида фактлар ўртасидаги алоқалар ва ўқув фанининг мантиқий тугалланганлиги белгиланади.

2. Ўртача математик қобилиятга эга бўлган ва келажакда математика билан шуғулланишга интилмайдиган ўқувчиларга мўлжалланган **умумтаълим курслари**. Аммо ўқувчиларнинг анчагина катта қисми бу курслар бўйича ўқитилишини ҳисобга олсак, мазкур дастур муҳим аҳамиятга эга. Унда ҳозирги замон жамиятида математикани ўрганиш зарурати акс этган.

3. **Техникавий курслар** ўқувчиларни алоҳида фаолият соҳалари учун зарур бўлган математик билимлар билан таъминлайди. Бу ерда асосий урғу математикани меҳнат фаолиятида қўллашга берилишига қарамай, ушбу курсларнинг айримлари муҳим математик мазмунга эга бўлиши мумкин. Бу курсларни муваффақиятли битирган ўқувчилар таълимни техника йўналишидаги коллеж ёки университетларда давом эттира олади. Академик курслар дастури билан бир қаторда турли техника йўналишлари(секциялари) учун мўлжалланган бу дастур бизда алоҳида қизиқишиш уйғотади.

**4. Маҳорат курслари**—асосан хизматчиларни маҳсус касбга ўргатишига мўлжалланган қисқа курслардир. Бунда ҳисоблаш, формула ва ўлчовларни қўллаш каби математик амалларга ўргатилади. Бу курсларнинг ўзига хослиги шундаки, уларнинг мазмуни маҳсус қўллаш соҳалари билан узвий боғлиқ ва мактаб дастурларидан четга чиқмайди.

Ўрта маълумотнинг жамиятда тутган ўрнига кўра қобилият, қизиқиш ва мойилликларни тўлиқ ҳисобга оладиган у ёки бу дастурлар таклиф этилади.

Барча мамлакатлар ўқув режаларида математика етакчи ўринлардан бирини эгаллаган бўлса-да, аммо қиёслаганда мактабларнинг математика курслари мазмунан хилма-хиллиги билан ажralиб туради. Буни хорижий педагоглар ҳам тасдиқлайди. Уларнинг фикрича, математиканинг умумий ҳусусиятларига қарамай, айрим мамлакатларда ўрта мактабнинг математика дастурлари ҳеч қандай умумийликка эга эмас. Дарҳақиқат, турли мамлакатларда математика курси факат мазмуни билангина эмас, балки уларни баён қилиниши билан ҳам турлича эканлиги маълум бўлди. Француз педагогларининг фикрича, уларнинг дастурлари бошқа қўшни мамлакатлар дастурларига нисбатан кескин бўлмаса-да, аммо билимларга юқори талаб қўйилади.

Биз 22 та ривожланган мамлакатлар мисолида ислоҳотлардан олдинги математика курслари таҳлилининг чет эл мутахассислари томонидан келтирилган натижалари билан танишиб чиқдик.

Бизнинг дастурлардан муҳим фарқ, масалан, эҳтимолликлар назарияси, статистика ва комбинаториканинг мажбурий ўрганилишидадир, фазовий фигуralарнинг ҳажмлари 7-синфда бошланади, математик индукцияни ўрганиш мажбурий тарзда олиб борилади.

Ислоҳотлардан сўнг аксарият дастурлар жиддий ўзгаришларга учради. Шу боис, биз ўз тадқиқотларимизда замонавий чет эл дастурларидаги турли йўналиш бўйича мазмун жихатдан умумийликни топишнигина эмас, балки уларнинг ўзгаришини кузатиш, қайси мавзу инвариант бўлганини аниқлаш, замонавий математика фанининг ўтган асрнинг 60-70-йилларидағи математикадан оғиб кетганига қарамай, бугунги кундаги ислоҳотлардан

**кейинги дастурлардаги янги ғояларни ва уларнинг мазмунида, ўқитиш технологияларида асосий эътибор қайси томонга силжишини аниқлашни мақсад қилиб қўйганмиз.**

Шуни алоҳида таъкидлаймизки, агар ишимизнинг 1-бобида чет эл мактаблари тажрибалари касбга йўналтиришнинг ташкилий-педагогик жиҳатлари нуқтаи назаридан таҳлил қилинган бўлса, бу бобда бевосита математик таълим мазмuni нуқтаи назаридан қараб чиқилади.

**Япония.** Илгари олий ўрта мактабда математика “қисқа курслар” сифатида ташкил этилган эди. Асосий курсни барча ўқувчилар ўрганишган. Академик дастурлар учун математик анализ асослари ва эҳтимолликлар назарияси, дифференциал ва интеграл ҳисоб стандарт ҳисобланган. Статистика асослари бошланғич мактабдаёқ ўрганилган. Табиий фанлар ва математикага ихтисослашувга олиб келувчи табиий-илмий математика дастурларининг таркибий қисмларидан бири “**интеграциялашган математика**” эди. Дастурлар компьютерлар учун дастурлар тузиш тажрибасини киритиш; улар билан ишлаш; шунингдек, натижаларни таҳлил қилишни кўзда тутарди. Албатта, ғарб мамлакатларидаги “замонавий мактаб”нинг таъсири Япония мактаблари дастурларида акс этмай қолмади. Чунончи, асосий математика курсидаги энг биринчи бўлим тўпламлар ҳақидаги бўлим эди. Уни ўрганаётган ўқувчилар Морган қонуни, иккита тўплам элементлари ўртасидаги муносабатларни билиши керак эди. Бу материал мактабларга 1989 йилдан бошлаб жорий этилган математика дастурларига киритилмади.

Янги дастурларнинг таркиби ўзгармади(132). Ўқитишнинг мажбурий мавзулари: “Квадрат функция”, “Фигуралар ва уларни ўлчаш”, “Комбинаторика” ва “Эҳтимолликлар”дир.

Иккинчи ва учинчи мавзулар дастурларнинг ўзгаришига нисбатан инвариант бўлиб қолди. Илгари комбинаторика мажбурий мавзу сифатида ўрганилмасди. У, хаттоқи, қўшимча бўлим сифатида ҳам қаралмаган ва уни ўрганиш умуман кўзда тутилмаган. Мазкур мавзунинг мажбурий мавзу сифатида

дастурга киритилиши япон педагогларининг комбинаторик тафаккурни ривожлантириш зарур деб ҳисоблаши тўғрисида хулоса қилишга асос бўлади.

Ихтиёрий мавзу сифатида ўрганилган мантиқ(логика) элементлари ҳозирги вақтда умуман дастурдан олиб ташланган. Бундан фарқли ўлароқ, “Векторлар ва матрицалар” деб номланган ва асосий курсда ихтиёрий ҳисобланган мавзу замонавий дастурнинг “Математика-С” бўлимида юқори даражада ўрганилади. Мазкур курс кўпроқ техника йўналиши учун мослаштирилган бўлиб, унда шунингдек, иккинчи тартибли эгри чизиклар ва қутб координаталари ўрганилади. **Амалий ҳисоблашлар, тенгламаларнинг тақрибий ечимлари, сонли интеграллаш** алоҳида мавзу сифатида қаралади.

Мактабни замонавийлаштиришнинг таълимда информатиканинг янги имкониятлари ва техника воситаларидан фойдаланиш билан боғлик бўлган йўналишларидан бири дастурда “Компьютер ҳисоби”, “Алгоритмлар ва компьютерлар” каби бўлимларнинг алоҳида курсларга ажратилиши тариқасида акс этди. Замонавийлаштиришнинг бошқа йўналишлари **математикани ўқитишининг амалий жиҳатини қучайтириш** ва уни ўқувчиларда тафакурнинг ривожланиши билан боғлашга боғлик. Ўрта мактабда катта ҳажмли мавзуга оид масалаларнинг ҳар бир бўлим материалига ҳамда синтезлашни тақозо этадиган майший ва ишлаб чиқариш мавзуларига татбиқ этилиши режалаштирилган. Ушбу йўналишлар ўқувчиларда мустақил билим олиш эҳтиёжини ҳамда тараққий этиб бораётган жамиятга мослашиш қобилиятини шакллантириш мақсадига бўйсундирилган.

**Венгриядаги** академик ўрта мактаб дастури муайян қизиқиш уйғотади, бу дастурнинг яратилишидан аввал 2000 йилдан кейин математик таълим муаммоларини тадқиқ этиш бўйича изчил тажриба ишлари олиб борилган. Асосий эътибор 4 йиллик олий мактаб дастурига қаратилган бўлиб, ундаги ўзгаришлар амалий ҳаёт талабларига жавоб беради. Қизиқишимизни шу билан изоҳлаш мумкинки, халқаро математика олимпиадаларида умумжамоа ҳисобида венгриялик ўқувчилар юқори ўринларни олган.

Аввалги дастур икки қисмга бўлинган. Кучайтирилган қисм “Математика-I” бўлимларини ҳамда амалиёт соҳаларида сонли кетма-кетликларни ўрганиш методлари, тенгсизликлар, кўпхадлар ва уларнинг илдизлари, статистика, математик структуралар ва графлар ҳамда уларнинг қўлланилишини ўз ичига олган(144). Инвариантлар эса сонли яқинлашиш методлари усуллари, “Комбинаторика” бўлими, матрицалар назарияси принциплари бўлди, унда шунингдек, компьютер технологиялари кенг қўлланилади.

**Математиканинг турли соҳаларда қўлланилишини намойиш қилиш таълимнинг амалий йўналиши ва ўлчов муаммоларини ҳал қилиш орқали амалга оширилади.**

**Америка** мактаблари учун инсон цивилизацияси тараққиётининг ҳозирги босқичи талабларига мос келадиган педагогик тизимни излаш “XXI аср учун америкаликлар таълими” деб номланган ҳукумат ҳужжати (1984 й.) орқали рўёбга чиқди. Унинг кейинги ривожи ўқув фанлари дастурларида акс этди, чунончи, 1986 йилда бошланган яқин ўн йилликлар учун математик таълим бўйича миллий дастур яратиш борасидаги изланишлар 1989 йилда “Curriculum and Evaluation Standarts for School mathematics” деб ном олган стандартларнинг пайдо бўлиши билан якунланди. **Мазкур ҳужжат XXI аср кишисининг математик маълумотини белгилаб беради. Аксарият тармоқларга кириб борган ва математиканинг қўлланилишига асосланган технологик ўзгаришлар математиканинг аҳамиятини ҳам, математиклар муаммоларни ўрганиш учун қўллайдиган методларни ҳам ўзгартириб юборди. Энди математика таянч таълимни белгиловчи мажбурий фан қаторига киради ва шу боис барча ўқувчилар математик билимларни етарлича юқори даражада ўзлаштиришлари лозим.**

АҚШ мактаби учун математика дастурларининг таҳлили баъзи бир хulosаларни келтириб чиқарди. Ўқувчи ва ўқитувчиларнинг ҳамкорликдаги ўзаро алоқалари ҳисобига эришилиши мумкин бўлган **12 та асосий стандартлар** ажратилади. З йил давомида барча 9-12-синф ўқувчилари дастурнинг мағзини ўрганадилар ҳамда коллежга йўналтирилган ўқувчиларнинг 4 йиллик матеатик

таълими режалаштирилган. Тегишли тарзда ҳар бир стандартда колледжга киравчилар ва кучли ўқувчилар учун материал қўрсатилади.

Анъанавий фанлар: алгебра, геометрия, тригонометрия олий ўрта мактаб математика дастурининг муҳим қисмлари бўлиб қолаверади. Аммо 9-12-синфлар учун стандартлар эътиборни алоҳида фактлар, ҳаракат намуналаридан кўп сонли образ ва алоқаларни моҳиятан англаш, математик моделлаштириш, математик масалаларни тушуниш, бевосита ижодий ёндашув томон силжитишни тақозо этади.

Алгебра, геометрия, тригонометрия бўлимлари учун математик таълимда амалий йўналганликнинг кучайиши, уни амалий ҳаётда қўллаш, тенгламалар ечишда калькулятор ва компьютерлардан фойдаланишга эътиборнинг ортиши, апроксимациялар хос. **Бундан ташқари, калькулятор ва компьютерларнинг муаммони тадқиқ этиш ва ечишда ахборотни қайта ишлаш ва ҳисоблашларни амалга оширишнинг қуроли сифатида қўлланилиши таълим технологиясидаги асосий ўзгаришлардан бирини ташкил қиласди.**

8-синфни ўзлаштирган талабаларга мўлжалланган дастурда қўрсатилганидек, арифметик ҳисоблар 9-12-синфларда ўрганиладиган асосий амалларга кирмаса-да, сонлар, ҳисоб ва амалларни мазмунан ва амалий тушуниш, олинган натижаларнинг мақбуллигини баҳолаш қобилияти кабилар масалаларни ечиш жараёнида, жумладан, илмий ҳисоб-китоб масалаларига даҳлдор вазиятларда кучайтирилади(144).

Математикани масалалар ечиш сифатида қабул қилиниши бутун курс мазмунига сингдирилган, бунда унинг мақсадларидан бири: барча ўқувчиларда реал вазиятларга боғлиқ бўлган масал

аларни ифодалай олиш қобилиятини шакллантириш, яъни математик моделлаштириш жараёнини қўллашга ўрганишdir.

Дастурда берилган ўқув материали барча ўқувчилар ёки таълимни колледжа давом эттириш ниятидаги кучли ўқувчиларга мўлжалланган. Барча ўқувчилар томонидан ўрганиладиган ўқув материалидаги янгилик қуйидагилардир: матрицалар,  $y=af(bx+c)+d$  функцияси графигини ясаш; компьютер графикаси;

текислиқдаги тасвиirlар (бўлажак муҳандислар учун математиканинг муҳим элементи сифатида қаралади), аммо айни пайтда фазога ўтишнинг ҳар қандай имконияти, алмаштиришлар ва координаталар, шунингдек векторлар, алгебраик мантиқ ва математик структуралардан фойдаланиш назарда тутилади. Бундан ташқари, **коллежда ўқиши давом эттириш ниятидаги ўқувчилар математика ўқув фанлари ўртасидаги боғлиқликни, жумладан, тенгламаларнинг аниқ ва параметрик тасаввурлари, статистик амаллар ва эҳтимолликлар назарияси, доиравий функциялар ва қаторлар, Декарт ва қутб координаталарини тушуна билиши ва қўллай олиши лозим.**

5-8-синф дастурида “Ўлчашлар” алоҳида стандартни ташкил қиласди. Ўқувчилар ўлчовларни тўғри бажариши, ўлчовлар ва воситалар бирлигининг мос ҳолатларини танлаши, **ўлчовларнинг “тақрибийлиги”ни тушуниб етиши керак.** Техник йўналишдаги математика дастури учун мазкур бўлим муҳим аҳамият касб этади.

**Француз** мактабларига хос математиканинг асосий ва техникавий дастурлари барча ўзгаришлардан сўнг эришилган Илмий жамиятдаги ҳақиқий келишув натижасидир.

Француз мактаблари жамоатчилигининг эътиборини доим математикани ўқитишининг етарлича юқори савияси билан жаҳон, хусусан, шўролар таълими тортган. Шу сабабли таълимнинг мазмуни ва ўқитиш методлари муаммоларига бўлган қизиқиши ҳар доим юқори бўлган.

Француз мутахассисларининг кўрсатишича, замонавий дастур(147)да математика курси турли бўлимлар бўйича асосан амалий йўналганлиги, асосий ўрганилаётган соҳага боғлиқ ҳолда математик методларни намойиш этишга қаратилганлиги катта эътибор билан характерланади.

Техника секцияларининг дастури(143)да учбурчаклардаги метрик муносабатларга алоҳида эътибор берилади. Математика курсида, алгебра ва геометрия билан бир қаторда, ҳисоблаш математикаси алоҳида бўлимни ташкил этган бўлиб, унда шкала, масштаб ва графика касбга татбиқан ўрганилади; таълим жараёнида ҳисоблаш ва график кўникмаларни қўллашга, хусусан, эгри чизиқли

трапеция юзини тўғри тўртбурчаклар ва трапециялар методлари ёрдамида тақрибий ҳисоблашга алоҳида эътибор қаратилиши кўрсатилган. Замонавий дастурда комбинаторикани ўрганиш қайта тикланган, ваҳоланки, ислоҳотлар даврида, 1976 йилдан уни олиб ташлашга уриниш бўлган эди. Бу бўлим, комплекс сонлар каби, терминалда (битирув синфида) ўрганилади; шунингдек, матрицалар устида олиб бориладиган бир қатор амаллар кўриб чиқилади, статистика ҳар бир секцияда ўрганилади.

**Энг муҳим ўзгаришларга биноан 11-синф бўйича қўйидагилар тъкидланади:**

- а) назарий таъриф қисқа бўлиши керак, асосий ургу методлар ва уларни қўллашни ўзлаштиришга қаратилиши лозим. Ўрганилаётган асосий ғоялар синтез шаклида қўлланилиши керак;**
- б) экспериментал фанлар ва технология ўлчовларга таянар экан, демак, аксиоматик геометрияга қараганда метрик геометрия кўпроқ даражада ривожлантирилади, шунингдек, график фаолият ҳам шуни талаб этади;**
- в) сонли методлар, калькулятор ва компьютер техникасининг системали қўлланилиши тъкидланади;**
- г) фаразларни мустақил ифодалаш, далиллаш, батафсил ишлаб чиқилган исбот стратегияси ва исботнинг ўзига асосланган фаолиятли ёндашувга алоҳида аҳамият берилади;**
- д) дастурнинг турли қисмларидаги умумийликни аниқлаш муҳимdir, бу бошқа ўқув фанлари билан алоқани амалга оширишни кўзда тутади, у эса ўз навбатида биргаликда олиб бориладиган таълим фаолиятини белгилайди;**
- е) қисқа масала–муаммоларни ечиш;**
- ж) машқларни бажаришга алоҳида эътибор берилади.**

Буюк Британиядаги ўрта маълумотга юқори даражадаги табақалаштириш ва ихтисослашув хос эди. Аммо ниҳоятда эрта ихтисослашув (14 ёшдан) ва ўта чуқур табақалаштириш (фанларнинг 50 проценти–танлаш асосида) барча ўқувчиларнинг тўлақонли таянч маълумот олиши имконини бермасди.

Таълим тизимиning марказлаштирилмаганлиги туфайли тор ва мослаштирилмаган кўринишга эга бўлган дастурлар кўп жиҳатдан 1988 йилдан бошлаб янги ўқув режасининг ишлаб чиқилишига сабаб бўлди. Шунга мувофиқ мажбурий миллий дастурлар ва ўқувчиларнинг билим даражасига бўлган талаблар жорий этила бошланди; таълимдан кутилаётган натижалар белгилаб берилди. Давлат стандартидаги умумий таълим даражасининг ортиши кутилмоқда.

В.Г.Разумовский(Реформа среднего образования в Великобритании.// Физика в школе, 1989, № 5. – С. 122 - 137), Буюк Британия мактабларидағи математика ўқув дастурларини таҳлил қилиб, собиқ Иттифоқ математик таълим дастурига нисбатан уларда курс мавзулари камроқлиги, аммо материални ўзлаштириш даражасига талабнинг юқорилиги ва зарур кўникмаларнинг қатъий белгиланишини кўрсатиб ўтган.

Мазкур дастурда ҳисоблаш техникасининг кенг жорий этилиши, таълимни воқелик билан боғлашга интилиш ўз аксини топган. Масалан, ўқувчилар бир бирликни бошқасига айлантиришда, даражага кўтариш ёки илдиздан чиқаришда, қатор яқинлашишини аниқлашда калькулятордан фойдаланишни, компьютер билан ишлашда графикни қўллашни, хотира ёрдамида ҳисоблаш амалларини бажаришни билиши, шунингдек, ҳосил қилинган **яқинлашувнинг аниқлигини баҳолай олиши, ривожланган график қўникмага эга бўлиши, геометрик фигуralарнинг юзалари ва ҳажмларини ўлчай билиши, воқеа-ходисанинг эҳтимоллигини ҳисоблаб чиқиши, гистограмма, диаграмма, график, частоталарни тақсимлаш графикини қуриш, ўқиш ва изоҳлашни уddyлаши керак.**

1-бобнинг 1-параграфида айтиб ўтилганидек, **Италияда** олий ўрта таълимда кўп сонли турли хил мактаблар мавжуд. Уларнинг асосийлари–лицейлар (табиий-илмий , классик, гуманитар лицей), техника институтлари, педагогика ва касбий ўқув муассасаларидир. Барча турдаги мактабларда математика турли дастурлар бўйича ўқитилади. Олий ўрта мактабнинг биринчи икки йиллик (14-16 ёш) учун математик таълим соҳасида дастурлар ишлаб чиқиш борасидаги чуқур

ислоҳотларнинг ўтказилиши оқибатида умумий дастурлар ҳам яратилган, мактаблар эса 1987 йилдан бошлаб уларни танлаш ҳукуқини қўлга киритган. Бу дастурларнинг инновацион жиҳати: компьютер фанининг асосий тушунчалари қаторига ва математикани ўрганишда компьютерлардан кенг фойдаланишга мантиқ элементларини киритишидир. Дастурлар эҳтимолликлар ва статистикани қамраб олади. Унга воқеликни математикалаштириш, яъни атрофдаги воқеа-ходисаларни тушунтириш учун математикадан фойдаланиш хос. Сўнгги йилларда ўлчовлар назарияси ўрганилмоқда.

Шундай қилиб, айрим чет эл мактаблари математика ўқув дастурларини ўрганиш асосида математикани ўқитиш мазмунини танлаш нуқтаи назардан халқаро аҳамиятлилик мезонини рўёбга чиқаришда техника йўналишидаги академик лицейлар математика курси ўқув дастурига комбинаторика элементлари, эҳтимолликлар ва статистика назарияси, комплекс сонлар, координата ва вектор методлари каби бўлимларни киритишнинг мақсадга мувофиқлиги тўғрисида хулоса чиқариш мумкин.

Шуни кузатиш мумкинки, статистика элементларини ўрганиш деярли барча йўналишларда мажбурий ўқитиладиган бўлимдир. Аксарият мамлакатларда мазкур мавзуга қаратиладиган эътибор, авваламбор, **ҳар бир ҳозирги замон жамияти аъзосининг элементар статистик саводхонлигини таъминлаш** билан боғлиқ. Статистика элементлари ва эҳтимолликлар назариясини ўрганиш зарурати кўпчилик олимлар томонидан қайд этилган. Масалан, Г.Фройденталь(130, 158-бет) мазкур бўлимлар мактаб математика курсида ўз ўрнини топиши керак, деб таъкидлаган. Ҳозирги вақтда ихтисослаштирилган синфларда математик таълим мазмунини танлашга бағишлиланган номзодлик ишларида турли йўналишдаги дастурларга статистика ва эҳтимолликлар назарияси элементларини киритишнинг мақсадга мувофиқлиги кўрсатилган(127).

**Математик таълим мазмунини замонавийлаштиришнинг бошқа йўналиши таълимда информатиканинг янги имкониятлари ва техника воситаларидан фойдаланишга боғлиқ. Калькулятор ва компьютерларнинг ахборотни қайта ишлаш ҳамда муаммони ечиш ва тадқиқ этиш воситаси**

**сифатида қўлланилиши таълим технологиясидаги асосий қўллаш соҳаларидан биридир.**

Математик таълим бўйича ўтказилган V Халқаро Конгрессда микрокомпьютерлар нима: “Мўъжизами ёки таҳдид?” деган савол мухокамага қўйилган бўлса, математик таълим бўйича VI Халқаро Конгрессда микроқалькулятор ва компьютерларнинг кенг тарқалиши алоҳида бўлимлар ролига ортиқча баҳо беришга, хусусан, геометрия ва математик статистика ролининг ортишига олиб келиши эътироф этилди.

Информатика элементларини мактабда ўргатиш зарурати тўғрисидаги баҳс-мунозаралар якунланди. Информатикага оид билимлар “минимал концепция”га жорий қилинмоқда. Ҳозирги вақтда мухокама ўз оқимини ўзгартирган. Информатикани мустақил фан сифатида ёки бошқа фанларни ўқитиш ва ўрганиш воситаси сифатида қўллаш ёки ўқувчиларни кундалик турмушда қўл келадиган ҳажмдаги информатика билан таъминлаш микрокомпьютерлар ва мактаб таълими мазмуни хусусидаги тортишувларнинг асосий йўналишларини ташкил этади. АҚШ мактабларида, масалан, сўнгти икки йўналиш афзалликка эга. Буюк Британияда компьютерлаштиришнинг учинчи йўналиши танланган. Информатиканинг мустақил курс сифатида ўрганилмай, бошқа фанларга, хусусан, математикага киритилиши билан информатикани кенг маънода ҳисоблаш техникаси тўғрисидаги фан сифатида ўрганишга бўлган қарашларнинг информатика ва компьютер технологияларининг амалий қўлланилиши тўғрисидаги қарашларга ўтишини амалга оширади.

Дастурлаштириш билан шуғулланиш масалаларни ечиш кўникмалари, мантиқий тафаккур ёки бирорта бошқа бевосита дастурлаштириш қобилиятларидан фарқ қилувчи қобилиятларни ривожлантиришга тўлиқ ишончнинг йўқлиги далиллардан бири бўлиб, ЭҲМни фойдаланувчи даражасида қўллаш кўникмаларини шакллантириш заруратини олға суради.

Аниқланган бўлимларнинг уларни техника йўналиши бўйича математика курсини ўрганишдаги аҳамияти эксперт баҳосини олди. Унинг натижалари З-бобнинг 2-параграфида баён қилинган.

Табиийки, шу пайтгача бизнинг академик лицейларда ўргатилмайдиган, аммо юқори эксперт баҳосига сазовор бўлган бўлимларнинг ҳаммаси ҳам дастурнинг “ядроси”га киритилиши талаб қилинмайди.

Уларни ихтисосликка боғлиқ ҳолда мустақил курс сифатида ўрганилиши имконияти мавжуд. Бу таркиб ва мазмун мезонларининг қониқтирилиши–aloҳида олинган ихтисослик доирасидагина ўқитиш учун мажбурий бўлган ўқув материали (модуллар)нинг ажратилишига мос келади.

**Модулларга мажбурий курсларни чуқурлаштирувчи қуйидаги бўлимларни ҳам киритиш мумкин:** “Математик моделлаштириш”, “Дифференциал тенгламалар”, “Турли координата системаларида графиклар ясаш”, “Иккинчи тартибли эгри чизиқлар”, “Графлар назарияси принциплари”, “Алгоритмлар ва компьютерлар”, “Компьютер графикаси”, “Математик мантиқ элементлари”, “Дискрет математика”, “Кўпхадлар ва уларнинг илдизлари”, “Матрица ҳисоби элементлари”, “Матрицалар ва детерминантлар”, “Чизиқли дастурлаш элементлари”, “Атрофимизда математика”, “Маиший математика”, “Техника математикаси”, “Фигуралар ва уларни ўлчаш” ёки “Ўлчовлар ва хатоликлар”.

Ушбу модулларнинг мавзуси ҳалқаро аҳамиятлилик мезонини математика ўқитиш тажрибасига жорий этиш давомида (мазкур бўлимларнинг ҳаммаси ҳам чет эл дастурларининг мазмунан умумийлигига кирмайди) ҳамда ишчилар профессиограммасини ва методик адабиётларни таҳлил этишда аниқланган эди. Ушбу бўлимларнинг ҳар бири бир ёки бир неча ихтисослик учун мажбурий бўлиши ёхуд ихтиёрий танланиши мумкин.

Техника йўналишидаги академик лицейлардаги таълимнинг маҳсус мақсадига мувофиқ, ўқув материали **психофизиологик мезонга** мос келиши, яъни илк техникавий тафаккурни шакллантиришга аниқ йўналтирилган бўлиши керак.

Биринчи навбатда, булар шундай мавзу бўлиши лозимки, уларни ўрганишда образларни қайта кодлаш кўникмаси ривожланади. Ҳалқаро аҳамиятлилик мезонини жорий этиш давомида биз танлаган мавзулар ушбу талабга жавоб

беради. Булар, масалан, тўлиқлик, кенглик, дидактик аҳамиятлилик мезонларига мос келувчи қуидаги бўйимлардир: эҳтимолликлар назарияси ва статистика элементлари, комбинаторика элементлари, комплекс сонлар. Уларни ўрганиш умумтаълим кўникмаларини шакллантиришга мос тушади.

Ҳар бир мавзуни психофизиологик мезонни қониқтириш нуқтаи назардан бирмунча батафсил кўриб чиқамиз. **Эҳтимолликлар назариясига** таянадиган амалий масалалар борган сари кўпайиб бораётганини эслатиб ўтмоқчимиз. Математиканинг ушбу соҳасига тегишли оддий маълумотлардан хабардор бўлиш интеллектуал ўсишга ҳамда бўлажак хизматчига техника ишлаб чиқариши соҳасида қўл келадиган маҳсус қўникмаларни шакллантириш учун ёрдам беради.

**Статистик тадқиқотлар** олиб бориш режасининг ўзи зарур маълумотларни тўплаш ва уларни кўргазмали намойиш қилишни қамраб олади. Шу тариқа ушбу мавзуда образларни қайта кодлаш (шартли-график ва шартли-белгили) қўникмасини шакллантириш учун кенг имкониятлар мужассамдир, бу эса техникавий тафаккурни шакллантиришга ёрдам берувчи асосий қўникмалардан бири ҳисобланади. Статистик ўлчовлар натижалари бўлмиш графиклар ва диаграммалар одатда муайян статистик жадваллар бўйича ясалади, жадваллар аста-секин, маълумотларнинг тўпланишига қараб тўлдириб борилади. Шу боис статистик жадваллар тузишга ўрганиш статик ва динамик образларни график жиҳатдан қайта тиклаш қўникмасини ривожлантиришни тақозо этади, бу эса амалда образлар билан ишлаш қўникмасини ривожлантириш маъносини билдиради.

**Образлар билан ишлаш** қўникмасини шакллантириш нуқтаи назаридан “Комбинаторика элементлари” мавзусини ўрганиш мақсадга мувофиқ. Назарий-эҳтимоллик масалаларини ечиш учун у ёки бу шароитларга мансуб бўлган турли хил комбинациялар сонини ҳисоблай олиш керак. Бундан ташқари, амалий фаолиятнинг турли соҳаларида обьектларни танлаш ва уларни у ёки бу тартибда жойлаштириш билан шуғулланишга тўғри келади. Масалан, механизмнинг янги моделини ишлаб чиқаётган конструктор, у ёки бу механизмга ишлов беришни бирор кетма-кетликда бажараётган ишчи бундай масалага дуч келади. Аксарият

замонавий комбинаторика масалаларининг ЭҲМларда муваффақият билан ечилиши оқибатида тадқиқотнинг комбинаторика методлари илм-фан ва техниканинг кўпгина бўлимларига янада чуқурроқ кириб бормоқда.

Бундан ташқари, **комбинаторикага оид масалаларни ечишда** кўп ҳолларда график методлардан фойдаланилади, яъни сонларнинг таркибий қисмларга бўлиниши нуқтали диаграмма ёки графлар орқали тасвирланади. Мазкур математика бўлимининг аксарият умумий теоремалари графлар тилида шаклланади. Шу боис, графларга доир теоремалар бугунги кунда комбинаториканинг энг жадал ривожланаётган қисми бўлиб қолди. Бу билан мазкур мавзуни графларга таяниб баён қилиш имконияти асослаб берилади, бу ҳам образлар билан ишлаш кўникмасини ривожлантиришни таъминлайди.

**“Комплекс сонлар”** мавзусини ўрганиш зарурати ҳақида гапирганда айтиш жоизки, шу пайтгача мажбурий мактаб дастурида унга ўрин топилмади. Бу ерда гап мактаб математика курсида сонларга оид мазмунли-методик йўналиш ғоявий якунийликни талаб қилишида эмас, ваҳоланки, бу ҳам математикани ўрганишда катта аҳамиятга эга, шунингдек, мазкур мавзу аксарият чет эл мактабларида мажбурий ўқитилишида, яъни ҳалқаро аҳамиятлилик мезонини қониқтиришида ҳам эмас.

Шуни таъкидлаш лозимки, мазкур мавзуни мактабда ўрганишнинг мақсадга мувофиқлиги унинг психофизиологик мезонни қониқтириши, яъни техникавий тафаккурни шакллантиришга ёрдам бериши билан ўз тасдиғини топади. **Комплекс сон тушунчасини турлича талқин қилиш (алгебраик, тригонометрик, кўргазмали ва, ниҳоят, геометрик) образларни қайта кодлаш каби муҳим кўникмани шакллантириш имконини беради,** бунда комплекс сон ёзувининг, ҳаттоқи, ҳеч бўлмагандан иккита шаклидан фойдаланиш ҳам мумкин.

Франциядаги лицейларнинг F секцияси (технология) битирув синфи ўқувчилари учун ўқув қўлланмада шундай ёндашув танланган(155).

Бунда комплекс сонлар учун, фикримизча, унинг вектор сифатидаги геометрик талқини берилибгина қолмай, балки векторлар сифатидаги комплекс

сонлар билан бажариладиган амаллар ҳам ўрганилади. Бундай ёндашувнинг истиқболи, ўйлашимизча, шундан иборатки, **биринчидан, йўналишили кесма сифатидаги вектор тушунчаси мустаҳкамланади.** Иккинчидан, векторлар билан амаллар бажариш, шунингдек, бир турдаги образдан бошқасига ўтиш кўнилмалари ўз-ўзидан мустаҳкамланади. Айнан комплекс сонларнинг геометрик талқини уларни текислиқда векторлар ёрдамида тасвирланадиган катталиклар кўрилаётган турли масалаларда, суюқликлар оқимини ўрганишда, эгилувчанлик назарияси масалаларини ечишда улардан фойдаланиш муҳим эканлигини кўзда тутади.

Шундай қилиб, биз кўриб чиққан ҳамда **техника йўналишидаги академик лицейлар математика ўқув дастурининг “ядро”сига кириши** кўзда тутилган мавзулар **кенглиқ, тўлиқлик ва умумдидактиқ аҳамиятлиликнинг умумлаштирилган мезонлари,** шунингдек **халқаро аҳамиятлилик ва психофизиологик мезонларни** қаноатлантиради.

Икки мезон: **таркибий-мазмуний ва мазмуний-методик мезонларга** келсақ, уларнинг номланишидаёқ мазмун мужассам: бу ерда сўз ўқув материалининг дастур ва дарсликларда тақсимланиши ва методик жихатдан ишланиши ҳақида боради. Юқорида айтилганидек, мазмун таркибининг хусусиятлари шундан иборатки, умумий бўлимлардан, дастурнинг “ядро”сидан ташқари, дастурлар қўшимча бўлимлар - модуллар ҳисобига тўлдирилади. Ҳар бир курсда модулнинг танланиши муайян ихтисосликка боғлик.

**Мазмуний-методик мезон ўқув материалининг шундай талқин этилишини назарда тутадики, унда, биринчидан, амалий ҳаракатларни бажаришга назарияни ўрганишга қараганда кўпроқ вақт ажратилади, иккинчидан, ўқув материалини баён қилиш методикасида тегишли тарзда математикани ўқитишнинг амалий йўналтирилганлиги мужассам бўлиши керак.**

Энди **Россия Федерациясининг техника йўналишидаги 10-11-синфлар учун ўқув дастурлари ва ўқув қўлланмалари( 1) Математика-10. // Л.С. Атанасян и др. – М., 1990. -353 с.; 2) Математика-11. // В.Ф. Бутузов и др. – М.,**

1991. – 328 с.)ни уларнинг мазмунни қанчалик мазманий-методик мезонга жавоб беришини аниқлаган ҳолда таҳлил этамиз. Бунда шуни айтиш жоизки, дастур умумтаълим мактабларининг юқори синфларида анъанавий тарзда ўқитиладиган бўлимлардан ташқари, қўшимча бўлимларни ҳам қамраб олади. Улар техника йўналишидаги математика бўйича ўқув материалларини танлаш мезонларига жавоб беради. Бунинг устига, дастур ҳамда тегишли тарзда 10-синф учун ўқув қўлланма, “Шахсий компьютер билан танишув ва Бейсикка кириш” бўлимини, шунингдек берилган мезонларни қониқтирадиган бўлимларни ўз ичига олади. Техника йўналишидаги математика курси дастурига алоҳида бўлим сифатида киритилган информатикани ўрганиш халқаро аҳамиятлилик мезонига мос келади, ушбу бобнинг компьютер графикасидан фойдаланилган ҳолда бевосита ўрганилиши психофизиологик мезонга жавоб беради.

Дарсликларда берилган мисолларни таҳлил қилишдан олдин қуидагиларни кўрсатиб ўтамиз.

Аксарият тушунчаларни аниқ-индуktiv усулда ўрганиш тушунчани расмий киритишни эмас, балки уни ўргатишни асослаш заруратини назарда тутади. Ўргатишнинг асосли жиҳатлари, ундан фойдаланишнинг анъанавийлигига қарамай, техника йўналишидаги лицейларда математикани ўрганишда алоҳида аҳамият касб этади. У ёки бу тушунчани киритишни мақсадга мувофиқлаштириш бўйича асосий вазифани амалий мазмундаги масалалар бажаради.

Техника йўналиши учун тажриба-синов ўқув қўлланмаларининг таҳлили шуни кўрсатдики, аксарият мавзуларда материални ўрганиш асослаб берилмаган. Бу маънода “Статистикага кириш” ҳамда стереометриянинг баъзи мавзулари, масалан, “Кўпёклар” (10-синф) мавзуси ажralиб туради. 11-синфда “Ҳосила” мавзуси метрода электропоезднинг ҳаракати тўғрисидаги масала билан бошланади. Аммо амалий масалаларни ечишда катта аҳамиятга эга бўлган “Функцияларнинг энг катта ва энг кичик қийматлари” мавзусида эса кесмада функциянинг энг катта ва энг кичик қийматини топиш бўйича масалаларни ечиш зарурлиги ҳақида

## **эслатма берилган холос ва мавзунинг баёни математик мазмундаги масала билан бошланади.**

Мазманий-методик мезонга мувофиқ техника йўналишидаги лицейларда ўқув соатлари амалий машғулотлар фойдасига тақсимланади, бунда асосий эътибор амалий масалаларни ечишга қаратилади.

10-синф ўқув қўлланмасининг таҳлили шуни кўрсатдики, 680 та топшириқлардан бор-йўғи 46 таси амалий масалаларга тегишли (жумладан, факат ифодаланиши бўйича амалий деб ҳисобланиши мумкин бўлган масалалар: улар моҳиятига кўра математик моделлаштиришни талаб қилмайди). 11-синф учун амалий масалалар сонининг барча топшириқларга нисбати ортиб бормоқда.

Техника йўналишидаги математикадан масалалар тизимида ўқув фанлариаро алоқалар ва ҳисоблаш техникасидан фойдаланиш бўйича масалалар кўпроқ учрайди. Айрим бўлимлар бўйича, масалан, “Тригонометрик тенгламалар”, “Кўпёқлар”, “Кўрсаткичли ва логарифмик функциялар”да математик моделлаштириш элементларидан фойдаланишни кўзда тутувчи масалалар учрайди. Конструкторлик малакаларини ривожлантиришга мўлжалланган масалалар йўқ. Касбий аҳамиятга эга бўлган ва график кўникмаларни, жумладан, жараёнларнинг график моделларини уларнинг кечиши динамикаси нуқтаи назардан таҳлил этиш кўникмасини ривожлантирувчи масалалар ўқув қўлланмаларда деярли учрамайди. Ўз-ўзини назорат қилиш ҳамда яққол ва умумлаштирилган алгоритмлардан фойдаланиш кўникмаларини ривожлантиришга қаратилган масалалар жуда кам.

Техника йўналиши учун математика дастурида биз кетма-кет яқинлаштириш методларидан кенг фойдаланишга эътиборни қаратдик. Аммо, agar 10-11-синф дарсликларида мазкур методларни қўллашга мўлжалланган масалалар, кам сонда бўлса ҳам бор, академик лицей дарслигида бундай масалалар деярли йўқ. **Математика бўйича ўқув дастурига “Тақрибий ҳисоблаш методлари” деб номланган маҳсус бўлимни киритиш лозим деб ҳисоблаймиз, бу эса жаҳонда математик таълимни замонавийлаштириш тенденциясига мос тушади.**

Биз техника йўналишидаги академик лицейларда математик таълим мазмунини танлаш мезонларини амалга ошириш натижаларига кўра, **математика курси мазмунининг инвариант ва вариатив қисмлари** учун бўлимлар таклиф қилдик. Математик таълим методикасининг хусусиятлари ишимизнинг навбатдаги параграфида ёритилади.

## **2.2. Техника йўналишидаги академик лицейларда математик таълимнинг ўзига хос хусусиятлари**

Ҳар бир йўналишдаги лицейларда **математикани ўргатишнинг умумий ва маҳсус мақсадларига эришиш** математик таълим мазмунини танлаш мезонларини жорий этиш билангина амалга оширилмайди. Бунинг учун ўқув материалини методик жиҳатдан қайта ишлаш ҳам ниҳоятда зарурдир.

Маҳсус таълим мақсади у ёки бу ихтисослик бўйича таълим олаётган ўқувчиларнинг муайян таркибини ҳисобга олган ҳолда танланади. Ҳар қандай йўналишда математик таълимнинг умумий мақсадларини аниқ белгилаш ҳам шунга асосланган. Математика курсининг инвариант қисми айнан умумий мақсадларга эришишни таъминлайдиган бўлимлардан ташкил топган. Ижтимоий-гуманитар йўналишдаги мақсадларни аниқлаб олиш учун умумтаълим математика курсининг гуманитар йўналишига кўпроқ урғу бериб, қаралаётган масалаларнинг алгоритмик ва ҳисоблаш жиҳатларига эътиборни камайтириш таклиф этилади. **Техника йўналишида, қўрсатиб ўтганимиздек, математика курсининг амалий ва татбиқий йўналганлигига эътиборни қаратиш мақсадга мувофиқдир**, бу эса ўз навбатида таълимнинг умумий мақсадларига эришишга ёрдам беради. Шунга мос ҳолда, **педагогларнинг ўргатиш фаолиятини ва ўқувчиларнинг ўрганиш фаолиятини белгиловчи таълим мазмуни ўзига хос хусусиятларга эга бўлиб**, улар техникавий тафаккурга хос кўникумаларни шаклантириш зарурати билан белгиланади.

**Психологик-педагогик, методик адабиётларни таҳлил қилган ҳолда техника йўналишидаги академик лицейларда математикани ўрганишнинг баъзи бир хусусиятларини кўрсатиб ўтамиз:**

*таълим методикаси реал жараёнларни моделлаштириши кўникмасини шакллантириши;*

*график кўникмалар, тафаккурнинг образли компонентини ривожлантириши;*

*ўқув фанлариаро, айниқса мазкур ихтисосликдаги таълимда етакчи ҳисобланган ўқув фанлари ўртасидаги алоқаларни кучайтиришга қаратилиши;*

*амалий масалаларни ечиши бўйича мажбурий машгулотларни олиб боришида маҳсус турдаги масалалардан фойдаланиши;*

*тақрибий методлардан кенг фойдаланиши ва таълимнинг алгоритмик жиҳатини кучайтириши;*

*эътиборни маъруза-семинар машгулотлари тизимига қаратиши;*

*амалий машгулотлар ва лаборатория ишлари салмоғини ошириши;*

*ўқув фанлариаро анжуман ва семинарлар ўtkазишни кўзда тутиши лозим.*

Техникавий тафаккурни шакллантириш бўйича ишларнинг асосий қисми сифатида образли компонентларни ривожлантириш зарурати биринчи бобнинг 3-параграфида ва мазкур бобнинг 1-параграфида батафсил ёритиб берилган.

Образли тафаккур образ устида ишлаш кўникмасини тақозо этади. Бундай кўникма бўлажак инженерлар учун ҳам, ишчилар учун ҳам зарур. Образлар билан ишлаш, хусусан, уларни қайта кодлаш кўникмаси бир объект турли моделлар ёрдамида тасвирланадиган кўпгина бўлимларни ўқитишида ривожлантирилиши мумкин. Масалан, айлана бир жуфт объект (марказ ва радиус), координаталар ўқига оид тенглама ва, шунингдек, расм ёки чизма ёрдамида берилиши мумкин. Бу ҳолда белги моделидан(аналитик тасвир, яъни белгили образ) геометрик модел(геометрик образ)га ўтиш мумкин ва, аксинча. Академик лицейнинг юқори синфларида ўзгармас функциялар ёки экстремумни ўрганиш бўйича топшириқларни бажаришда бу хусусиятлардан фойдаланиш мумкин. Ўқувчилар функцияларнинг аналитик тасвири ва функциянинг ортиши(камайиши) ёки локал

максимум(минимум) кўрсатилган ва тегишли нуқталарда уринма қиялигининг бурчаги берилган расмларни кўриб чиқадилар ва таққослайдилар. Шу тариқа бир объектнинг турли моделлари бўлган образлар қайта кодланади.

Образли тузилмалардан фойдаланиш даражаси турли ҳолатларни моделлаштириш қай тарзда бажарилганини белгилайди. Аммо моделлаштиришни ўргатиш ғояси фақат унга муентазам равишда мурожаат қилиш билан амалга ошади. Сўнгти пайтларгача математик моделлаштиришдан мактаб математика курсида фойдаланишнинг ягона ифодаси бўлиб матнли (сюжетли) масалаларни ечиш амалиёти хизмат қилиб келди.

“Алгебра ва анализ асослари” дарслигининг сўнгги нашрида функцияниң энг катта ва энг кичик қийматларини топиш негизида математик моделлаштириш методидан аниқ фойдаланиш кўрсатиб берилган бўлса-да, бизнинг фикримизча, бу методнинг ғояси техника йўналишидаги академик лицейлар математика курсининг барча бўлимларига сингдирилиши лозим. Чунки моделлаштириш тўғрисида бир мартагина сухбат ўтказиш мазкур методга ўргатиш муаммосини ҳал қила олмайди.


Ўқувчилар шуни билиши керакки, **модель - бу шундай моддий ёки фикрий тасаввур қилинадиган объектки, у билиш (ўрганиш) жараёнида ҳақиқий объектнинг ўрнини босиб, унинг мазкур тадқиқот учун муҳим бўлган баъзи бир ўзига хос хусусиятларини сақлаб қолади.** Ўқувчилар шунингдек, моделлаштириш босқичларини билиши лозим, улар ҳақида В.В.Фирсов(128) илк бор сўз юритилган:

- 1. Расмийлаштириш босқичи.**
- 2. Масалани қурилган математик модель ичида ечиш.**
- 3. Математик топшириқ жавобини изоҳлаш ва уни бошланғич ҳолатига нисбатан қўллаш ва таққослаш босқичи.**

Аммо ҳозирги вақтда мактабларда асосий эътибор айнан масалани модель ичида ечишга қаратилади ва расмийлаштириш ҳамда изоҳлаш босқичлари етарлича очиб берилмайди. Техника йўналишидаги академик лицейлар учун мўлжалланган тажриба-синов дарсликларида математик



**моделлаштиришга ўргатиш ғояси амалга ошган деб бўлмайди. Бу хусусиятга (математик моделлаштиришга ўргатиш) ўқув фанлариаро, хусусан, физика, чизмачилик, махсус ўқув фанлари ўртасидаги алоқаларнинг кучайтирилиши ҳам боғлиқ.**

Ўқув фанлариаро алоқалар муаммоси қўпгина бошқа ишларда ҳам муҳокама этилган(57; 89; 110; 111). Физика ва математикани ўргатиш тажрибасига бағишлиланган ишларда уларнинг бундай алоқалари объектив дунёning умумий моделларини қуришни назарда тутиши кераклиги таъкидланади. Бундан ташқари, агар бир ҳодиса физика ва математика дарсларида моделлаштириладиган бўлса, физика дарсида модель кўпроқ умумий тарзда берилади, математика дарсларида эса модель кўп даражада абстрактлаштириш (мавҳумлаштириш) йўли билан янада умумлаштирилади. Математика ва чизмачилик фанлари ўртасидаги алоқа бўйича “Фазовий фигурулар” мавзусини ўрганишда тўғридан-тўғри ишлаб чиқаришга борадиган ўқувчилар учун ҳам, таълимни давом эттириш ниятидаги ўқувчилар учун ҳам қизиқарли ва қимматли бўлган масалаларни таклиф қилиш мумкин. Мисол шундай бўлиши мумкин. Чизмачи кўпинча ўзи тайёрлаши керак бўлган объектнинг чизмасини чизади. Чизма одатда олд, юқори ва чап томондан туширилади.



1-расм

Шундан сўнг қуйида келтирилган масалага ўхшаш топшириқ берилади. Объект учун тегишли кўринишни танлаш (бизнинг ҳолда юқоридан кўриниш).



2-расм

Кейинги топшириқ шундай бўлиши мумкин:

Муайян объектнинг олд, ён ва юқори томонидан кўринишини ифодаланг. Бизнинг фикримизча, ўқув фанлариаро алоқа: чизмачилик-математикада мавжуд хатони кўрсатиб ўтиш мақсадга мувофиқ.

**Чизмачиликда параллел проекциялаш методига асосланган проекция берилади, унинг хоссалари эса кейинроқ стереометрия бўлимида ўрганилади. Ўқитиш тажрибаларимиз ва чет эл тажрибалари шуни кўрсатадики, стереометрия элементларини ўрганиш умумий ўрта (тўққиз йиллик) мактабга “кўчирилиши” мумкин, ваҳоланки, чизмачилик тўлиқ ҳажмда лицейларда, эҳтимол, математиканинг бир бўлими сифатида ўрганилади.**

Биз кўрсатиб ўтган методик хусусиятлар масалаларнинг маҳсус турларини тузиш билан боғлиқ. Бунинг ўзини ҳам техника йўналишидаги академик лицейларда математик таълимнинг ўзига хос хусусияти деб ҳисоблаш мумкин. Математикани ўқитишда масалалардан фойдаланиш фақат методик жиҳатдан кўра кўпроқ мазмуний-методик бўлса-да, масалаларнинг техника йўналишининг ўзига хос хусусиятларини акс эттирувчи типологиясига биз кўядиган талаб (бошқа йўналишларга нисбатан олинганда) шунингдек, техника йўналишидаги академик лицейлардаги маҳсус таълим мақсадини амалга оширишга ёрдам



беради. Масала турларига қўйиладиган талаблар, албатта, юқори синфлардаги умумтаълим курслари бўйича масалалар тизими талаблари билан мазмунан умумийликка эга, аммо фарқлар ҳам йўқ эмас. Масалан, биз таклиф қилаётган масалалар типологияси математик моделлаштиришдан фойдаланиш ва конструкторлик кўнижмаларини ривожлантиришга қаратилган масалаларни ўз ичига олади.

Математик моделлар қуришни тақозо этувчи масалаларни ечишнинг мақсадга мувофиқлиги юқорида айтиб ўтилган эди. Эслатиб ўтамиз, конструкторлик кўнижмаларини ривожлантиришга қаратилган масалалар тажриба-синов дарсликларида ҳам, амалдаги дарсликларда ҳам берилмаган. Уларнинг бўлажак мутахассисларлар томонидан ечилиши зарурати аниқ-равшан бўлиб, кўпгина илмий изланишларда ёритиб берилган.

Моддий моделлаштириш конструкциялаш билан узвий боғлиқ бўлиб, факат “куб, тўғри бурчакли параллелепипед моделини ясаш” ва шу каби масалаларни ечишдагина қўлланилмайди. У фазовий фигуранарни ўз ичига олган масалаларни тасаввур қилиш мушкул бўлган ҳолларда ҳам қўл келади. Бундай ҳолларда шаклнинг моделини ясаш фойдали бўлади. Моделни ясаш йўлларидан бири-сантиเมตรли, яъни қирраси 1 см бўлган кубдан фойдаланишdir. Ўқувчилар тўққиз йиллик умумий ўрта таълим мактаб курсидан бундай тасаввурга эгадирлар.

**Уларга сантиเมตรли куб – бу ҳар бир қирраси 1 см бўлган куб эканлигини эслатиб ўтиш мумкин. Ҳар бир ёғининг юзи 1 кв см га tengdir. Фазовий фигура сиртлари юзини ҳисоблаш алгоритмини ишлаб чиқиш учун қуидагиларни таклиф этиш мумкин.**

**1-топширик.** 3-расмда тасвирланган фазовий фигуранинг ҳар бири сантиเมตรли қублардир.




3-расм

Мазкур фигура сиртининг юзини топиш талаб қилинади.


Ечими: Фигура 5 та сантиметрли кублардан ташкил топган.

1. Фигуранинг “олд томони”ни ифодаловчи ёқларни ҳисоблаб чиқамиз. У 10 та 1 сантиметрли квадратлардан иборат(4-расм).




4-расм

2. Фигуранинг кўринмайдиган, яъни “ёнлама” ёқларини ҳисоблаб чиқамиз. У 6 та 1 сантиметрли квадратлардан ташкил(5-расм).



5-расм

3. Кўринмайдиган ва фигуранинг “қуий қисми” тасаввурини берувчи қисмини ҳисоблаб чиқамиз. У 4 та 1 сантиметрли квадратлардан иборат(6-расм).




6-расм

4. Томонларнинг умумий сонини топамиз:

$$10+6+4=20.$$

Жавоб: Фигура сиртининг юзи 20 кв см га teng.


Сўнгра шунга ўхшаш топшириқ бериш мумкин: 7-расмда кўрсатилган ҳар бир фазовий фигура сиртининг юзини топинг.



7-расм


Бундай турдаги топшириклар ўқувчилар фикрлашидаги образли компонентни ривожлантиради, шу сабабли фазовий шаклларнинг моделларини ясамасдан туриб ечишни таклиф этиш мумкин. Ўқувчилар уларни ечишгач, уларга 8- ва 9-расмлардагига ўхшаш мураккаброқ топширикларни бериш мумкин бўлади.

**2-топшириқ.** Фигура сиртининг юзини топинг.



8-расм

**З-топширик.** Қуйида, 9-расмда тасвиirlанган фигуralар фазовий бўлиб, 4 сантиметрли кублар ёрдамида ҳосил қилинган. Улардан қайси бири сиртининг юзи энг кичик?



9-расм

Техника йўналишидаги академик лицей ўқувчиларининг график кўникмаларини ривожлантириш уларнинг асосий малакаларидан бири бўлиши шарт, яъни **кўникма малака даражасигача ривожланган бўлиши лозим**. Алгебра курсида, шунингдек, алгебра ва анализ асослари курсида график моделларни шакллантириш бўйича энг оддий кўникмаларни шакллантиришга оид масалалар кўриб чиқилади. Техника йўналишидаги академик лицей ўқувчиларида эса график асосида жараённинг ривожланиш динамикасини, кўзда тутилаётган катталикнинг ўзгариш тезлигини кўра билиш кўникмасини ривожлантириш мухим. Зеро, бу қаралаётган жараён кечимнинг сифат хусусиятларини унинг график модели ёрдамида ўрганиш имконини беради.

Ҳисоблаш техникасидан самарали фойдаланиш ҳар қандай тоифадаги техника соҳаси мутахассислари учун ниҳоятда мухимдир. Айнан шусабабли бу масалалар тизимиға мажбурий компонент сифатида


хисоблаш техникасидан фойдаланишни кўзда тутувчи масалаларни киритдик.

Фикримизча, айнан шу ҳолда масала жавобини сонли қийматга етказиш мумкин бўлади; хисоблаш аниқлиги ортади; ЭҲМдан фойдаланиш даражаси яхшиланади. Бу эса замонавий инсон учун жуда муҳимдир. Ҳолбуки, кейинги йиллар дарслеклари(Алгебра и начала анализа. 10-11 кл. Под.ред. А.Н.Колмогорова. – М, 1991. – 320 с.)да  $\pm \arccos 1 \pm 5 = 2\pi n, n \in \mathbb{Z}$  кўринишидаги жавоблар ҳали ҳам учраб турибди. Бироқ, шуни қайд этиш лозимки, аксарият ҳолларда натижалар охирига етказилган, яъни жавобдаги муайян ноизчиллик, бизнингча, бундай ёзувларнинг одатдалиги билан изоҳланади. Бундай жавоблар ўқувчиларнинг ҳам математик, ҳам амалий кўникмаларини ривожлантирумайди.

Бизнинг фикримизча, дарслекларда ва ўқув кўланмаларида калькуляторлардан фойдаланиш мақсадга мувофиқлиги қайд этилиши лозим. Шундагина ўқувчиларда аста-секин ечимни охиригача, яъни рақамли натижагача етказишига интилиш шаклланади.

Биз топшириқлар тизимиға ўзини ўзи назорат қилиш малакаларини шакллантирувчи, шунингдек, маълумотнома тусидаги адабиётлардан, лавҳа маълумотларидан фойдаланишни кўзда тутувчи масалаларни киритдик. Мактабдаги математика таълими тажрибаси шуни кўрсатадики, ўқувчиларда тақрибий хисоблашларни амалга ошириш малакаларини шакллантириш бир мунча қийин кечади. Таълимнинг бу соҳасида методик хатоларни изоҳловчи фактлардан бири, бизнингча, натижани тақрибий мўлжаллаш, ўзини ўзи назорат қилиш малакаларини шакллантиришга оид топшириқларнинг йўклиги билан изоҳланади.

“Кўп ёқли бурчаклар” мавзусига мурожаат қиласак, фазовий фигуранлар ҳажмини топишда оғзаки хисоб-китоблар учун қуидаги топшириқларни таклиф этиш мумкин. Айни пайтда бундай топшириқлар қуи синфларда тегишли мавзуларни ўрганиш пайтида кўриб чиқилиши керак.



10-расм

Биз масалалар тизимиغا алгоритмик малакаларни шакллантиришга кўмаклашувчи масалаларни ҳам киритдик. Таълимнинг алгоритмик ўналтирилганлиги–техника ўналишидаги академик лицейларида ўқиш тизимининг ўзига хос жиҳатларидан биридир. Бу ғояни баён қилиш босқичида амалга ошириш мумкин бўлса-да, алгоритмик методдан назарий материални ўзлаштириш босқичида фойдаланиш муҳим аҳамиятга эга.

Техника ўналишидаги академик лицейларнинг аксарият ўқувчилари конструктив-техник хусусиятдаги масалаларни ечишга дуч келадилар. Бундай ҳолларда турли хил алгоритмик кўрсатмалардан фойдаланиш ўз самарасини беради. Чунки алгоритмларга риоя қилиш ўқувчиларда мазмуни бир-бирига яқин бўлган конструктив-техник хусусиятдаги масалаларни ечишда қўл келади, муайян ҳаракатлар дастурига риоя қилишга ўргатади. Бундан ташқари, алгоритмлардан фойдаланиш таълимнинг ушбу босқичида ўқувчилар билим даражасини, уларнинг билиш лаёқатларини инобатга олишга ҳамда уларни ривожлантиришга имкон беради. Айни пайтда ўқувчиларни мустақил равиша алгоритмлар тузишга ўргатиш кўпроқ аҳамиятга эга. Муайян тоифадаги масалаларни назарий фикрлаш даражасида ҳал этиш учун ўқувчилар қуидагиларни бажариши керак: 1-2-масалалар-моделлар мисолида бундай турдаги масалаларни ҳал этиш методини англаш, алгоритм тузиш, уларни

миясида алгоритмни яхлит тушунчанинг умумий режаси деб англаған ҳолда алгоритмни аниқ масалаларга нисбатан қўллашга ўргатиш. Конструктив-техник характердаги масалаларни ечишнинг икки йўли: аниқ-алгоритмик ва умумлашма-алгоритмик йўллардан умумлашма алгоритмик методга риоя этиш масалаларнинг умумий ечимиға ижобий таъсир кўрсатади. Шу тарзда, техника синфлари ўқувчилари учун масалаларни ҳал этиш бўйича умумлашма алгоритмлардан фойдаланиш кўнижмасини шакллантириш алоҳида аҳамиятга эга.

Техникавий тафаккурни шакллантиришга доир бошқа ишларда ҳам ана шундай ёндашувлар кузатилади. Масалан, “Техникавий тафаккурни шакллантириш муаммолари” асарининг муаллифи И.П.Калошина(М.,1974, 184 б.) таълимнинг турли босқичларида (мактаб, техникум, техника билим юртлари, олий ўкув юртлари) кенг ихтисосли мутахассисларни тайёрлаш муаммосини ҳал этишнинг амалий йўли таълим жараёнида ўқувчиларни, талабаларни алоҳида техника масалаларини ҳал этиш йўлларини қуруқ ёдлаш ўрнига муайян мутахассисликка тегишли масалаларни ечиш методларини ишлаб чиқишига ўргатишдан иборат эканлигини алоҳида таъкидлаган.

Ихтисосга йщналтирилган академик лицейларда мутахассислар тайёрлаш масаласи қўйилмайди, аммо таълимнинг бутун тизимини келгуси фаолиятга ўргатишга йўналтириш мақсади кўзда тутилади, бу ҳол уларда мустақил равишда алгоритмларни ишлаб чиқиши малакасини шакллантиришни асослашга хизмат қиласди.

Алгоритм тушунчасининг киритилишини ўзиёқ ўқувчиларнинг мантиқий маданияти ва мантиқий тафаккурини ривожлантиришга хизмат қиласди. Аммо у юқори синфларда эмас, ундан олдинроқ киритилиши мумкин. Ушбу тушунчанинг эртароқ киритилиши информатика курсида дастурлаш асосларини ойдинлаштиришга ёрдам беради. Информатика элементларини ўрганиш техника йўналишидаги академик лицейларнинг математика курсларида назарда тутилганлигини инобатга олган ҳолда масаланинг ушбу тарзда қўйилиши ўқув фанлариаро алоқаларнинг амалга оширилишида долзарб аҳамият касб этади.

Ҳамкорликнинг барча жиҳатлари бўйича халқаро алоқалар ўрнатилаётган жамиятимиз ривожининг ҳозирги босқичида хориждаги илмий-техника муаммолари билан танишув мамлакатимиз мутахассисларининг муҳим вазифаси ҳисобланади. Афсуски, у ёки бу объектнинг техник кўрсаткичлари билан оддий танишув муайян қийинчиликлар тугдиради. Муаммо фақат тилгагина боғлиқ эмас, матнни тушунишга оддий нарсалар халал бериши мумкин: масалан, **хорижда қўлланиладиган ўлчовлар системасини билмаслик.** Шу сабабли масалалар тизимиға ўлчовлар системасидан фойдаланишни кўзда тутувчи мисолларни киритиш мақсадга мувофиқдир. Бу ўқувчиларнинг келгусидаги ўлчовлардан фойдаланишни кўзда тутувчи фаолиятига қўшилган ҳисса бўлади. Биз техник таржималарни кўзда тутувчи масалаларни ҳам киритиш мумкин, деб ҳисоблаймиз.

Бунда гап ўқув фанлариаро алоқаларни амалга оширишгина эмас (чет тили билан боғлиқ ҳолда), балки ўқувчиларни мактабдан кейинги замонавий ҳаётга тайёрлашдадир.

Ҳанузгача мактабда математика таълимига нисбатан бундай ёндашув қўлланилмаган. Бизнингча, анъанавий таълим методикасига қанчалик зид бўлмасин, ушбу йўналишда дастлабки қадамни қўйиш лозим. Айни пайтда ўқитувчи обрўси кўтарилади ва унинг ўзи билимини такомиллаштиришга бўлган интилиши юксалади.

Техника йўналишидаги математика курсининг асосий томонларидан бири-амалий йўналишни ривожлантириш гоясининг давоми сифатида маҳсус амалий масалаларни ечиш дарси намоён бўлади. Бунда ушбу дарс аниқ мавзуни якунлаш пайтида **семинар машғулоти** шаклида ўtkазилиши мумкин.

Бундай ҳолда ўқув фаолиятининг мазкур шакли афзалликларини қайд этиш мумкин. Биринчидан, ушбу семинар - яқуний машғулотdir, унда мавзунинг асосий тушунчалари кўриб чиқилади ва, айни пайтда, амалий машғулотга ўтиш кўзда тутилади. Иккинчидан, ўрганилган математик методларни ҳаётий вазиятларга татбиқ этиш йўллари кўрсатилади ва, ниҳоят, учинчидан, бутун

машғулот давомида идеал моделлаштиришнинг муҳим шакли сифатида математик моделлаштириш йўналишини давом эттириш мумкин бўлади.

Ана шундай якуний машғулотда ўқув фанлариаро **лаборатория ишларига** мурожаат этишни кўзда тутувчи машқларни бажариш мақсадга мувофиқдир. Бу ўқувчиларнинг лойиҳалаш малакаларини ривожлантиришни ва айни пайтда математик методлардан фойдаланишни ёки оддий математик ҳисоб-китобни кўзда тутувчи топшириқ бўлиши мумкин. Бундай топшириқни у ёки бу бўлимни ўрганишдан олдин бериш мумкин. Бундан кўзланган мақсад–ўқувчилар уни ўрганиш давомида бошқа ўқув фанлари ўқитувчиларига, устахоналарга мурожаат этсин, қўшимча адабиётлардан фойдалансин. Албатта, барча мавзуларни ўрганишда ҳам бундай топшириқларни бериб бўлмайди, чунки уларни сунъий равишда кўпайтириш умумтаълим мақсадларига эришишда халал бериши мумкин. Ҳар қандай ўқув фанини ўқитишда, хусусан, математика таълимида оқилоналиқ тамойилига риоя қилиш лозим.

Шу тарзда техника йўналишидаги академик лицейларда математика таълимининг методик жиҳатдан ўзига хослигини дарс бериш услубларидаги хилма-хиллиги билан ифодалаш мумкин. Биринчи ўринга машғулотларнинг маъруза-семинар тизими; ўқув фанлариаро конференциялар; амалий ва лаборатория ишлари чиқади. Таълимнинг ушбу шакллари аста-секин ўртамаксус, касбий таълим, хусусан, академик лицейларда амалиётга жорий этилмоқда. Математик таълимда уларнинг мақсадга мувофиқлиги, самарадорлиги, шунингдек, улардан фойдаланиш исбот талаб қилмайдиган ҳақиқат эканлигини илғор педагогик тажрибалар тасдиқламоқда. Қайд этганимиздек(1-боб, 2-§), бу ёшдаги ўқувчиларнинг психологик жиҳатдан ўзига хослиги амалиётга математика таълимининг ушбу шаклларини киритиш имконини беради. Ўқув материалининг асосий қисмини **муаммоли маъруза шаклида амалий машғулотлар билан бирга олиб бориш имконияти** вужудга келади.

Техника йўналишидаги академик лицейларда математика таълимининг аниқланган ўзига хос хусусиятлари таълим мазмунини белгилашда ҳам, аниқ бўлимларни ўрганишда ҳам қўлланилиши мумкин.

Ишимизнинг кейинги параграфида таълимнинг қайд этилган хусусиятларидан “Тақрибий ҳисоблаш методлари” мавзусини ўрганишда қай тарзда фойдаланиш мумкинлигига тўхталиб ўтамиз.

### **2.3. Ўқув дастурининг “Тақрибий ҳисоблаш методлари” бўлимини ўрганиш бўйича методик тавсиялар**

Техника йўналишидаги академик лицейларда математик таълим мазмунини танлашда ҳар бир касбий йўналишда ўрганилиши шарт бўлган ва айрим касбий йўналишлардагина ўрганилиши мўлжалланган бўлимлар аниқланди. Айни пайтда техника йўналишидаги академик лицейларда математик таълимнинг ўзига хос хусусиятлари очиб берилди. Номзодлик диссертацияси ҳажми ҳамда мазмуни доирасида аниқланган барча бўлимлар бўйича таълим методикасининг қай тарзда қўлланилишини кўрсатиб ўтишнинг имконияти йўқ. Шунинг учун биз мисол тариқасида “Тақрибий ҳисоблаш методлари” бўлимини ўрганиш бўйича методикани ишлаб чиқиш билан чегараланишни лозим топдик. Мазкур бўлимни ўрганиш масаласини техника йўналишидаги академик лицейлардаги математика дастурига киритилишининг мақсадга мувофиқлиги ушбу бобнинг биринчи параграфида асослаб берилган эди.

Тақрибий ҳисоблаш методларининг ўрганилиши мактаб математикаси учун янги ҳодиса эмаслигини таъкидлаб ўтмоқчимиз.. Бирок, илгари ҳисоблаш математикаси элементларини ўрганиш амалиёти умумтаълим мактабларида факат синфдан ташқар машғулотлар пайтида, факультатив курс тарзида, математика чуқурлаштириб ўрганиладиган синфларда амалга оширилган эди холос.

Сўнгги йилларда факультатив машғулотларда ушбу материал деярли ўрганилмаган, математика чуқурлаштирилган ҳолда ўрганиладиган лицейларда эса итерациялар методи ўрганилади.

“Тақрибий ҳисоблаш методлари” бўлими мазмунини техника йўналишидаги академик лицейларда ўрганилишига оид методик тавсияларни тайёрлашдан аввал шу йўналиш бўйича мавжуд адабиётлар(17; 14; 20; 25; 34; 49; 69; 109; 139),

диссертация ва авторефератлар(16; 52; 87;101; 111; 127; 123; 138) танқидий нуқтаи назардан ўрганиб чиқилди. Умумтаълим мактаблари учун мўлжалланган ўкув қўлланмаларининг таҳлили шундан далолат берадики, уларда касб-хунар коллежлари учун мўлжалланган ўкув қўлланмаларидан фарқли равишда, тақрибий ҳисоблаш методлари ҳақида маълумот берилмаган. Дарс бериш тажрибаси ва ўқувчилар ўтказисида ўтказилган сўровнома натижалари шуни кўрсатадики, тақрибий ҳисоблаш методларини академик лицейларда ўрганишдан аввал тақрибий қийматлар тўғрисидаги ўқувчилар умумтаълим мактабларида ўрганган маълумотларни системалаштирувчи ва умумлаштирувчи маҳсус дарсларни ўтиш лозим. Буни қуйидагича изоҳлаш мумкин: бу турдаги маълумотлар тўққиз йиллик мактаблардаги математика курси бўйича “тарқатиб” юборилган ва тўлиқ эмас. Бу эса ўқувчилар томонидан ушбу ўкув материалини юзаки ўзлаштиришига, ўрганилаётган материал бўйича тарқоқ маълумотларга эга бўлишига олиб келади. Бундай ҳолларда ўқувчилар билими дидактиканинг системалик принципига жавоб бермайди, бу эса оқибат-натижада бундай билимларни қўллаш соҳасини чеклаб қўяди, хотирада мустаҳкамланишига тўсқинлик қиласди, ўзлаштирилган ахборотдан янги билимларни ўзлаштириш пайтида, хусусан, фақат сонларнинг тақрибий шакллари билан иш кўриш методлари доирасидан ташқарига чиқувчи тақрибий ҳисоблаш методларини ўрганишда асос сифатида фойдаланиш имкониятларини чеклайди. Ҳолбуки, шуни қайд этиш мумкинки, сўнгти йиллардаги алгебра дарсликларида тақрибий ҳисоблашларга оид маълумотларни муайян даражада тизимлаштиришга интилиш кузатилмоқда. Шуни ҳам қайд этиш керакки, алгебра дарсликларида “Тақрибий ҳисоблашлар” маҳсус боби ажратилган ва унда яқинлашиш хатоликлари, тақрибийликни баҳолаш, нисбий хатоликлар каби масалалар кўриб чиқилади. Бундан ташқари, микрокалькуляторда бажариладиган энг содда ҳисоблашларга оид тўртта параграф маҳсус ажратиб қўрсатилган, бу эса, сўзсиз равишда, ҳисоблаш кўникмаларини, ҳисоблаш техникаси билан иш кўриш малакаларини ривожлантиришга хизмат қиласди. Ижобий жиҳати шундаки, шу бобнинг ўзида б-

синфда ўрганиладиган сонларни яхлитлаш ва сонларнинг стандарт кўринишлари мавзулари такрорланади.

Тақрибий ҳисоблашларга оид маълумотларни системалаштириш заруратини асослашга шуни қўшимча қилиш мумкинки, бундай ёндашув хорижий мактаблардаги ўқув курсларининг чизиқли тузилишидан материални концентрик тарзда ўрганишга, ўқувчилар ёш хусусиятларини ҳисобга олган ҳолда ўтилган материалларни такрорлаш йўналишига мос келади.

Тақрибий ҳисоблаш методларини ўрганишни давом эттириш учун ўқувчиларга нафақат маълум, балки янги билимлар, янги тушунчалар керак бўлади.

Ўқувчилар томонидан тақрибий ҳисоблашлар бўйича аввал ўрганилган маълумотлар янгилари билан биргаликда алоҳида мавзуни ташкил этади ҳамда “Тақрибий ҳисоблаш методлари” бўлимини ишлаб чиқишида “Тақрибий ҳисоблашларга оид умумий маълумотлар” параграфида ифодаланади. Шунингдек “Тенгламаларни тақрибий ечиш” мавзуси ҳам кўриб чиқилади.

Биз ана шу икки мавзуни ўрганиш билан чекланишга қарор қилдик. Зеро, кўрсатилган бўлимни ўрганишга доир ўқув топшириқларини методик тавсиялар билан биргаликда ишлаб чиқишида кўриб чиқилаётган муаммони ҳал этишга кўмаклашадиган характерли ёндашувлардан фойдаланилди.

Ўқув топшириқларининг мазмуни маҳсус талабларга жавоб берадиган назарий маълумотлар, ўзини ўзи назорат қилиш саволлари, топшириқлар тўплами, ҳисоблаш амалиёти учун топшириқларни, шунингдек, физика-математика семинарининг тахминий ишланмасини қамраб олади. Бундан ташқари, тавсияларга иловалар-ЭҲМ учун дастур вариантлари, сўровнома тузидағи адабиётлар ҳамда мавзуларни ўрганишнинг тахминий мавзуй режаси киритилган.

Даставвал, “Тақрибий ҳисоблашлар тўғрисидаги умумий маълумотлар” параграфи ўқув материалини ўқитиш методикасини кўздан кечираильик.

Назарий материал бешта қисмга бўлинган. Ўқувчиларга маълум ва муайян даражада улар учун янги бўлган масалаларни ёритишида биз уларни математик

мазмунга эга бўлмаган, балки техник реал ҳолатларга асосланган мисоллар билан кўрсатишга ҳаракат қилдик.

Айрим масалаларнинг фақат “маълум даражада янги эканлиги” хусусида фикр юритар эканмиз, биз биринчидан, маълум тушунчаларнинг янгича тарзда қўлланилишини назарда тутамиз, ва иккинчидан, улардан айримларини келгусида фойдаланиш нуқтаи назардан ойдинлаштирамиз.

Масалан, ишончли рақам тушунчаси унинг физикада, техникада қўлланилиши нуқтаи назардан киритилади, яъни тақрибийликдаги хатоликлар шу рақам турган хона бирлиги ярмидан ортмаслиги керак.

Сўнгра қайд этиладики, сонларни яхлитлаш пайтида тақрибий қийматлар ҳосил бўлади, уларнинг ёзувида барча рақамлар тўғри; аввал яхлитлаш бўйича келтирилган мисолларга ургу берилади, бунда яхлитлашдаги хатолик охирги қолган сон хона бирлигининг ярмига teng бўлган.

Ёзувнинг стандарт шаклини ифодалаш пайтида ундан фойдаланишда нафақат илм-фанда кўп ишлатиладиган кўпроқ ва камроқ қийматга эга бўлган катталикларни ёзишда қўлланилиши қулай эканлиги, балки катталиклар тақрибий қийматининг бир бирликдан иккинчисига ўтказишда қулайлиги ҳам эътиборга олинган. Бундай ҳолда хатоликни аниқлашда хатога йўл қўйишнинг олди олинади.

Масалан, S-тақрибий сон бўлганда  $S = 30,4$  м ёзуви абсолют хатолик  $(1/2) \cdot 0,1$  м = 0,05 м = 5 см дан катта эмаслигини англатади.

Бошқа бирликларга айлантирас эканмиз, масалан,  $S=3040$  см ҳосил бўлади. Бундай ҳолда абсолют хатолик  $\Delta=0,5$  см га teng бўлади, яъни хатолик “камайди”. Демак, хатога йўл қўйилган.  $S=0,304 \cdot 10 \text{ см}^3$ ;  $\Delta=0,005 \cdot 10^3 \text{ см}=5 \text{ см}$  сони стандарт ёзувини қўллаган ҳолда уни тузатамиз.

Биз ўқувчиларга қуйидаги фактни эслатиш зарур, деб ҳисоблаймиз. Олинган тақрибий қийматлар сонларни ёзувда яхлитлашда барча рақамлар ишончли эканлигини калькулятордан фойдаланиш пайтида ёдда тутиш зарур. Айрим “ҳисобловчилар” аниқликни орттириш мақсадида индикатордан барча ўн хонали сонларни чиқариб ташлайдилар, ҳолбуки тегишли хонагача яхлитлашнинг

ўзи етарли бўлар эди. Бу эса натижадаги барча рақамларнинг тенглигини кафолатлади.

Ўқувчиларга шуни таъкидлаб ўтиладики, тақрибий қийматлар бўйича амалларни бажаришда тақрибий ҳисоблашнинг хатоликлар чегаралари, чегаралар ва рақамларни ҳисоблаш методлари қўлланилади. Бундаги дастлабки икки усул хатоликларнинг қатъий ҳисобини юритиш усули ҳисобланади. Бироқ, амалиётда кўпинча натижа хатоликлари чегарасини билишни талаб қилмайдиган ҳисоблашларни амалга ошириш талаб этилади. Физика бўйича дарсликлардан бирида ҳам рақамларни ҳисоблаш методидан фойдаланиш тавсия этилган. Агар мавзунинг мактабда баён қилиниши методикасини қузатадиган бўлсак, шуни пайқаш мумкинки, алгебра бўйича дарсликларда хатоликларнинг аниқ ҳисобини юритиш методидан воз кечилган.

Шу тарзда биз кам миқдорда ҳисоблаш амалларини бажарган ҳолда етарлича аниқликка эришиш имконини берувчи (амалий фикр-мулоҳазалардан келиб чиқсан ҳолда) сонларни яхлитлаш қоидаларини кўриб чиқиши тавсия этамиз.

Биз мезонларни амалга ошириш муаммосини ёритар эканмиз, қайд этган эдикки, аксарият хорижий илм масканлари дастурларида ўлчовлар билан боғлиқ масалаларни ўрганиш зарурлиги таъкидланган. Улар нафақат асосий, балки олий ўрта мактабда ҳам ўрганилади. Мазкур муаммонинг хорижий адабиётларда ҳал қилиниши хусусида тўхтамасак-да (улар ушбу бобнинг 1-§ ида батафсил кўриб ўтилган), шуни қайд этамизки, “Ўлчашлар” мавзусининг алоҳида амалий ва ўқув фанлариаро аҳамиятлилигини эътиборга олган ҳолда биз уни ўрганилаётган мавзуда алоҳида рукига ажратдик. Буни республикамиизда мавзуни ўрганиш тажрибаси ҳам тақозо этади.

Ўқувчилар, ўқитувчилар билан сухбатлар шуни кўрсатдики, уларнинг тафаккурида катталиклар ўлчови билан боғлиқ масалалар хусусида аниқ тушунчалар йўқ. Буни куйидагича изоҳлаш мумкин: дарсликларда у ёки бу ўлчов воситаси билан ўлчаш тўғрисида аниқ кўрсатмалар берилмаган. Ўлчов бирликлари билан яқиндан боғлиқ бўлган физика фани дарслигининг таҳлили

шуни кўрсатдики, ўқувчилар ўлчов воситаларининг хатоликлари ҳисобини юритиш ҳамда саноқ боши зарурлигини билишлари керак. Бундай ҳолда таълимнинг ўкув фанлари методикаларида тафовутлар бўлмайди. Шуни ҳам қайд этамизки, биз ишончли рақамга берган таъриф фақат ўлчаш аниқлиги муаммосини ойдинлаштиришга хизмат қиласди.

**Параграфнинг ушбу бандини ўрганиш “ўлчаш” тушунчасига таъриф беришдан бошланади. Сўнгра математика ва физикада ўлчашларга нисбатан турлича муносабатлар хусусида сўз боради: ушбу фанларда ўлчашлар бўйича битта қатъиян фарқ бор. Математикада ўлчашларни бажариш ва ўлчов воситалари мавҳумлаштирилади. Аммо реал дунёда мутлақо аниқ ўлчаш асбоблари йўқ. Юқори даражада аниқлиги билан ажралиб турадиган ҳар қандай ўлчаш маълум даражада хатоликка эга бўлади. Ўлчашлар пайтида ана шу хатоликни эътиборга олиш керак. Кўпинча ўлчашлардаги хатоликларга лоқайдлик туфайли ишлаб чиқаришда яроқсиз маҳсулотлар, илмий хуносаларда хатолар келиб чиқади.**

Бунинг исботи сифатида қуйидаги мисолни келтирамиз.

Бир градусга тенг хатолик жиддий хатоларга олиб келиши мумкин. Тахмин қилайликки, лазер нури Ойнинг кўриниб турган марказига йўналтирилган. Белгиланган мақсаддан оғиш “фақат” 30 секундга тенг. Бунинг мақсаддан қанчалик узоқлигини аниқлаб қўрайлик (км ларда). Ер юзасидан Ойгача бўлган масофа S ни  $3,763 \cdot 10^5$  км деб фараз қилайлик.

Ойнинг радиуси 2000 км га тенг бўлса, Ойнинг юзасини ишонч билан лазер нурига перпендикуляр бўлган текисликнинг бир қисми деб ҳисоблаш мумкин.

$$d = 3,763 \cdot 10^5 \cdot \sin 30^\circ = 3,763 \cdot 10^5 \cdot 0,000146 \approx 55 \text{ км.}$$

**Мавзуни шарҳлашда биз турли материаллардан тайёрланган ўлчов воситаларининг хатоликлари кўрсатилган жадвални таклиф этамиз. Шу жадвал асосида ўқувчилар ўлчашни кўпроқ даражада аниқлик билан белгилай оладилар. Кейинчалик эса ҳар қандай ўлчаш хатолигини аниқлай олишади.**

**Ва, nihоят, ўқувчиларга ўлчашлардаги умумий хатоликларни тушунтириш түғрисида сўзлаб берамиз. Дарсликларда айнан шу ҳақда ҳеч қандай маълумот берилмаган.**

Узунликларни ўлчашни амалга оширишда чизма штрихига мос келмаган ҳолларда рўй берадиган ўлчаш хатоликларини ҳам эътиборга олиш лозим.

Кузатишларга қараганда, инсон “ўртача статистик” жиҳатдан 1-2 мм узунликдаги кесмани ўртасидан бўлиши мумкин. Бундай ҳолда ўлчашдаги хатолик энг кичик бўлинманинг ярмига тенг деб қабул қилинади.

Ўқувчилар келгуси фаолиятида ҳам ўлчашларга дуч келишини инобатга оладиган бўлсак, қуйидаги мулоҳазамиз ўринлидир: тажрибали мутахассислар кесмани ўндан бир улушкигача бўлиши мумкин. Сўнгра  $\Delta_i$  ўлчашнинг умумий хатолигини ёзиб оламиз:

$$\Delta_i = \Delta_m = \Delta_o, \text{ бунда:}$$

$\Delta_m$ —ўлчашдаги хатолик,

$\Delta_o$ —ҳисоблашдаги хатолик.

Фикримизча, ўлчашлар назариясига янада чуқурлашувни физика дарсларида амалга ошириш керақ, математика дарсларида эса (шу бўлим ҳажмида) ушбу маълумотнинг ўзи етарли.

Шундай қилиб, кўрсатилган параграфга оид масалаларни кўриб чиқиша ўқувчиларда ўлчашдаги хатоликларни ҳисоблаш бўйича аниқ алгоритм вужудга келади. Улар шуни англатадики, ўлчашга оид ҳар бир ҳолатда ўлчов асбобининг носозликларини билиш керак. Бироқ, мактаб амалиётида, кўпинча бошқа ҳолатларда ҳам хатоликлар жадвалида кўрсатилмаган ва, ҳатто, айримларида ГОСТ ҳам кўрсатилмаган ўлчов асбобларидан фойдаланилади. Шу сабабли ўқувчилар қуйидаги маълумот билан таништирилади. Агар асбобда ГОСТ кўрсатилган бўлса, асбобнинг хатолиги бўлинма қийматининг ярмига тенг бўлади, агар ГОСТ белгиси кўрсатилмаган бўлса, хатолик энг кичик бўлинма қийматига тенг бўлади.

Бизнингча, ўқувчиларга ҳисоб-китоблар сифатини таққослашдаги каби нисбий хатоликларга эга бўлган ўлчашлар сифатини таққослашга оид мисоллар ҳам келтириш керак.

**Техника йўналишидаги академик лицей ўқувчилари сонини эътиборга олган ҳолда мазкур мавзу бўйича маълумотларни системалаштиришга якун ясар эканмиз, икки жиҳатга тўхтамоқчимиз: биринчидан, яна бир бор уларнинг эътиборини халқ хўжалигининг турли соҳаларидаги, айниқса машинасозликдаги хатоликлар ҳисобини юритишга қаратамиз ҳамда ишлатиладиган деталлар ўлчамлари учун йўл қўйиладиган қийматлар орасидаги оралиқлар хақида сўзлаймиз ва, иккинчидан, шуни қайд этамизки, ўлчаш сифати нафақат ўлчов асбобининг аниқлигига боғлиқ., балки агар бирон бир катталиктининг қийматини аниқлаш учун формула қўлланилса (воситали ўлчаш), уни қўллаш шартларини ўрганиш керак.**

Техника йўналишидаги академик лицейлар математика курсининг амалий йўналтирилганлигини ҳамда маҳсус масалаларни танлаш уларнинг вазифасига киришини эътиборга олган ҳолда биз “Тақрибий ҳисоб-китоблар бўйича умумий маълумотлар” мавзуси бўйича машқлар системасини яратишда ана шундай ёндашувни кўзда тутганмиз. Улар техника йўналишидаги академик лицейлар учун математика курсига оид масалалар типологиясига нисбатан талабларимизда ифодаланган.

Мисол тариқасида ушбу параграфга оид бир неча мисолни келтирамиз. Кулай бўлиши учун қуидидаги жадвални тузамиз.

#### 1-жадвал

№	Масала матни
1.	Ички диаметри $d_1=127$ мм, ташқи диаметри $d_2=151$ мм, узунлиги $L=4,26$ м бўлган пўлат қувурнинг массасини ўлчаш.
2.	Амалиётда уч турдаги температура шкалалари қўлланилади: Цельсий, Фаренгейт ва Кельвин. Цельсий шкаласидан Фаренгейт ёки Кельвин шкаласи бўйича ўлчанадиган градусларга ўтиш қуидидаги формула бўйича амалга оширилади: $F=9^{\circ}\text{C}+32$ ; $K=^{\circ}\text{C}+273$ .

	<p>Ўқувчи 400 К даражада кимёвий тажриба ўтказиши керак. Фақат Фаренгейт шкаласи бор термометрдан фойдаланган ҳолда тажрибани муваффақиятли амалга ошириш учун ўз термометрида қанча даражани ушласа, тажриба муваффақиятли чиқади? Фаренгейт шкаласи бор термометр бўйича Цельсий даражасидан бошлаб боғлиқлик кўрсаткичлари бор жадвал тузинг.</p>
3.	<p>АҚШ да бетон плиталардан йўл қуриш пайтида йилнинг турли фаслларига мос равишда уланиш жойларини кенгайтириш кўзда тутилган, яъни ниҳоятда иссиқ кунда бетон кенгаяди, букилади ёки ёрилади. Материалнинг йўл қўйиладиган кенгайишини хисоблашда қуйидаги формула кўлланилади:</p> $I=kl(T-t)$ <p>Бунда: <math>I</math> – Т даражадаги (Фаренгейт даражаларида) кенгайиш <math>I</math> масададагидаги каби бирликларда берилган), <math>t</math> – йўл қурилган пайтдаги ҳарорат (<math>^{\circ}</math>F), <math>l</math> – йўлнинг кўриб чиқилаётган узунлиги, <math>k = 0,000012</math> (Фаренгейт даражасида икки томонлама йўл учун йўл қўйиладиган қиймат). Агар ҳавонинг иссиқлиги <math>t=70^{\circ}</math>F бўлса, йўлнинг 1 миляси қанчага кенгаяди?</p> <p>Эслатма. Фаренгейт даражасида кенгайиш 1 даги каби бирликларда берилган.</p>
4.	<p>Баланд бинодан туриб, кўриш мумкин бўлган(километрларда ифодаланган) <math>S</math> максимал масофа қуйидаги формула асосида топилади:</p> $S = 111,7 \cdot H$ <p>бунда: бинонинг баландлиги <math>H</math> (километрларда), 140 км баландликдаги бинонинг кўриш майдончасидан қанчалик узоқ масофани кўриш мумкин?</p>
5.	<p>/арбда бош бармоқ деб аталадиган эски қоида бор. У қуйидагидан иборат: агар чақнаган яшин ва тегишли момақалдириқ орасидаги сониялар <math>t</math> – вақт бўлса(секундларда), унда <math>d = 1 t</math> яшингача бўлган масофани миляларда ифодалайди.</p> <p>Мазкур формулани изоҳланг.(Товуш тезлиги соатига 760 миль эканлиги назарда тутилади.)</p>
6.	<p>Моделни ясаш учун томонлари <math>b = 14</math> см га teng квадрат шаклидаги картон қоғоз талаб этилади.</p> <p>Ушбу квадратнинг x томонларини қандай чегараларда ўзгартириш мумкин?</p> <p>Агар унинг майдони берилган <math>S = 196 \text{ см}^2</math> дан <math>3 \text{ см}^2</math> дан ортиқ фарқланмаслиги талаб этилса?</p>

<p>7. Техника йўналишидаги ўқувчилар томонидан ечиладиган масалалар системасига биз лойиҳалаш кўникмаларини ривожлантиришга оид масалаларни, шунингдек, бажарилиши ўқув фанлариаро лаборатория ишлари, устахоналарга мурожаат қилишни ёки реал жараёнларни қўшимча тадқиқ қилинишини талаб этувчи топшириқларни киритдик.</p> <p>Ана шундай амалий топшириққа мисол тариқасида биз ўқувчиларга цилиндрик жисмлар кесими диаметрини аниқлашга доир асбоб яратишни тавсия этамиз. Вазифани бажаришни осонлаштириш учун даставвал қуидаги масалани ечишни таклиф қиласиз.</p> <p>Берилган айланага ундан ташқарида жойлашган А нуқтадан АВ ва АС уринмалар ўтказилган.</p> <ol style="list-style-type: none"> <li>1) А нуқтадан В нуқтагача бўлган масофа 1 см га, кесишган чизиклар орасидаги бурчак <math>\alpha</math> га teng бўлса, айлана диаметрини топинг. Бунда <math>x</math>:             <ul style="list-style-type: none"> <li>а) <math>90^0</math>; б) <math>70^0</math>; в) <math>60^0</math>; г) <math>50^0</math>; д) <math>45^0</math>; е) <math>30^0</math> ga teng бўлсин.</li> </ul> </li> <li>2) Аввал тақрибан, сўнгра аналитик йўл билан ВАС бурчагини аниқланг, бунда айлана диаметри АС масофага teng бўлади.</li> </ol> <p>Кўрсатма: қадам <math>h=1</math> деб қабул қилган ҳолда ЭХМ учун дастур тузиш мумкин.</p>
--

Тажриба-синов ишлари давомида аниқлашимизга қараганда “Тақрибий ҳисоблашларга доир умумий маълумотлар” параграфини ўрганиш “Тенгламаларни тақрибий ечиш” мавзусини кенгроқ ва чуқурроқ тушунишга ёрдам берди.

Шуниси аёнки, бунга биринчи параграфдаги системалаштирилган ва умумлаштирилган материалгина эмас, балки топшириқ материали ҳам кўмаклашади. Бундан ташқари, ўқувчилар ўз хотирасида хатоликларнинг аниқлиги тушунчасини тиклашди, талаб этилаётган аниқликка қандай эришилгани, маълум абсолют хатоликда ишончли рақамлар сонини қандай аниқлаш кераклигини хотирлашди ва бу, ўз навбатида, янги мавзуни ўзлаштиришга ёрдам берди.

Масалалар системасига келгуси мавзуни ўрганишга замин яратадиган масалалар ҳам киритилди. Масалан, қуидагини шундай масалалар жумласига

киритиш мумкин. Ўртача арифметик чегарага тегишли  $x$  тақрибий қийматни, агар  $x \in C$  бўлса, тақрибийлик аниқлигини топинг.

Ушбу масала тенгламаларни тақрибий ечиш методларидан бири: кесмани иккига бўлиш методини ўрганишда қўл келади.

Ишлаб чиқилган машқлар системасининг самарадорлигини текшириш мақсадида тажриба синфларида ишлаган ҳамда ўқув топшириқлари билан эндиғина танишган ўқитувчилар, физика ўқитувчилари, техника йўналишидаги математика курслари дастурлари ва дарсликларининг муаллифлари билан сухбатлашдик. Ҳаммаси бўлиб 48 нафар мутахассис сухбатдан ўтди. Уларнинг 41 нафари “Тақрибий ҳисоблашлар бўйича умумий маълумотлар” параграфи бўйича келтирилган масалалар системасини ижобий баҳоладилар.

Ушбу параграфни ўрганишнинг самарадорлигини бундай ҳам баҳолаш мумкин. Тенгламаларни ечишга доир тақрибий методлар мазкур параграф ўрганилгандан кейин амалга оширилган синфларда синов ишлари натижалари тенгламаларни ечиш методлари билан танишув ушбу параграфни ўрганмай туриб бошланган синфларга қараганда юқоридир.

Биз ишлаб чиқкан бўлимнинг асосий қисми тенгламаларни ечиш бўйича тақрибий методларга бағишиланган. Фикримизча, техника йўналишидаги академик лицейлардаги математика таълими мақсадларининг ўзига хос жиҳатларини ҳисобга олган ҳолда тенгламаларни тақрибий ечишнинг қатор масалаларини ёритишга методик жиҳатдан ёндашувларга тузатишлар киритиш лозим. Ушбу мавзуга доир дарсликлар таҳлили шуни кўрсатадики, ўқув материали математикага ниҳоятда қизиқувчи ўқувчиларга мўлжалланган ва шу сабабли ниҳоятда қатъиятлик билан ифодаланган. Шунингдек, уларда техникавий тафаккурни шакллантиришга доир малакаларни шакллантиришга йўналтиришга ҳар доим ҳам амал қилинмайди. Масалан, мавзуни баён қилишда кўп учрайдиган жадваллар асосан тасвирилаш сифатида қўлланилади ва кириш босқичида улардан деярли фойдаланилмайди, бу эса образлардан фойдаланиш, рамзий-белгили ва шартли-график образларни қайта кодлаштиришга кўмаклашмайди.


Мисол тариқасида тенгламаларни ечишга доир тақрибий методлардан бири - **итерация методини** келтирайлик. Уни ўрганиш образлардан фойдаланиш, график кўникмаларни ривожлантириш, икки функциянинг ўзгариш тезлигидаги фарқларни баҳолай олиш, функцияларнинг ҳосилаларини топа билиш, ҳисобкитоблар натижасини баҳолай олиш имкониятларини яратади.

Техника йўналишидаги академик лицейларда математика таълимининг методик жиҳатдан ўзига хосликларидан бири, 1-бобнинг 2- § ида қайд этилганидек, ҳар қандай тушунча, методни амалий машқ билан бирга ўрганиш зарурлигидан иборат. Биз ҳам шундай йўл тутиб, ўқувчиларга уларни ҳал этиш учун тақрибий методлар талаб этиладиган алгебраик ёки трансцендент тенгламага олиб келувчи масалалар намуналарини келтирдик. Ўқув фанлариаро боғланишларни кучайтириш талабини ижро эта туриб, биз планиметрияга оид масалани ҳам келтирдик. График кўникмаларни ривожлантириш техника йўналишидаги математика таълимининг ўзига хос хусусиятларидан бири эканлигига қарамай, ўқувчиларга шу нарса кўрсатиладики, айрим тенгламаларни ечишда ушбу метод ҳар доим ҳам тўғри ва қулай бўлавермайди. Ушбу фактга ишонтиришда қуйидагига ўхшаш тенгламаларни ечишни кўриб чиқиш керак. Биринчи мисол сифатида биз қуйидаги тенгламани олдик:

$$(1/32)^x = \log_{(1/32)} x.$$

Чизмалар ясалгач, ўқувчилар улар кесишган битта нуқтани кўрадилар:  $x \approx 0,3$ . Лекин  $x \approx 0,8$  деб ҳисоблаган ҳолда шунга ишонч ҳосил қиласиларки, ушбу қиймат 0,1 гача аниқлик билан ушбу тенгламанинг илдизидир; ҳолбуки, чизмада абсциссалари кесишган нуқта кўринмайди. Маълум бўлишича, ҳамма гап танланган масштабда экан(11-расм).

У тенглама илдизлари сонини аниқ белгилашга тўсқинлик қиласиди. Бунда калькулятордан фойдаланилади ва ўзгарувчан сон қиймати 0,1 орқали белгиланади, функциялар қийматининг жадвали тузилади ва қайтадан график чизилади. Янги чизмада кўринадики, тенгламанинг 0,1 аниқликдаги учта илдизи бор.




### 11-расм

Бундай нүқтаи назарни тасдиқловчи иккичи мисол учун күйидаги тенглама танланди:

$$(x+3)^2 = e^x.$$

Үқувчилар  $y = (x+3)^2$  ва  $y = e^x$  функциялар жадвалини тузиб, тенгламанинг иккита илдизи борлиги түғрисидаги хulosага келишади. Учинчи илдиз ҳам мавжуд бўлса-да, уни аниқлаш учун Оу ўқини юқорига давом эттириш керак(12-расм). Шу тариқа, ўзиларнинг фаолиятлари натижасида ўқувчилар шундай хulosага келадики, тенгламаларни график жиҳатдан ечиш ҳар доим ҳам мақсадга мувофиқ эмас. Биринчидан, баъзан илдизлар сонини тўғри топиб бўлмайди, иккинчидан, илдизларни ҳар доим ҳам белгиланган аниқликда топиб бўлмайди. Вақт етарли бўлганда ҳамда таълимнинг техника воситаларидан фойдаланилганда шуни аниқлаш мумкинки, уларни ечиш учун жадваллар тузиш мушкул бўлган тенгламалар ҳам бор.

Ўқувчилар шунга ишонч ҳосил қиласидиларки, график метод билан унчалик аниқ бўлмаган тарздаги жавобни топиш мумкин. Шу сабабли, етарли даражада юқори аниқликда (амалда асосланган) жавоб топиш учун бошқа тақрибий методлардан фойдаланилади.



12-расм

Мактабдаги меңнат амалиётига ўхшаш тарзда олдиндан белгиланган ўлчамдаги деталларни ясашда улар  $f(x) = 0$  тенгламани тақрибий ечиш икки босқичли эканлиги күрсатиласы; илдизларини топишнинг алгоритми тузиласы:

1. Илдизларини анықланг.
2. Белгиланган аниқлик даражасини топинг.

Илдизларни топишнинг имкониятли методларини баён этишга тұхталар эканмиз, аввало, ўқувчиларга илдизни анықлаш нима эканлиги тушунтириласы. Тақрибий қыйматлар түрғисидеги билимларни системалаштириш ва умумлаштириш туфайли ўқувчилар аниқликнинг белгиланган даражаси  $h$  гача анықлаш деганда кесманинг  $h$  дан ошмайдыган узунлигини анықлаш эканлиги тушунтириласы.

Аввал қайд этилады, кесмани иккиге бўлиш методи бўйича унчалик аниқ бўлмаган натижага эришиш учун қатор амалларни бажариш керак. Мисоллар орқали күрсатиласы,  $h = 0,01$  ҳолатида 7 та амал бажарилади, шу сабабли жавобни топиш тезлигини ошириш учун бошқа методлардан ҳам фойдаланиш мумкин.

Анъанавий ёндашувлардан фарқли равища, биз ушбу методни аниқ мисолларда кўриб чиқиши ва ундан кейингина умумий ҳолатга ўтишни таклиф этамиз.

Даставвал, қуидагилар күриб чиқлади:


**1-мисол.**  $f(x) = 0$  тенгламанинг мусбат илдизини топинг, бунда  $f(x) = x - \cos x$  нинг аниқлиги 0,01 га тенг бўлсин.

Тенглама трансцендент бўлгани туфайли график методдан фойдаланилади.

Тенглама  $x = \cos x$  ҳолатга келтирилгач,  $y = x$  ва  $y = \cos x$  функцияларнинг графиклари чизилади(13-расм).

Бунда улар факат биринчи координаталар чорагида күриб чиқлади.

Сўнгра киритилган 1-теорема асосида шу нарса асосланадики, тенглама илдизи  $[0,5; 1]$  кесмада ажратилган. Унинг тақрибий қиймати  $x_0 \approx 0,5$  эканлиги кўрсатилади.



13-расм

Илдизни аниқлаш жараёни график метод билан бажарилади, бу эса доимий равиша образларни қайта кодлаштириш бўйича амаллар бажарилишини талаб этади. Бу аввалги параграфларда кўрсатилган математика таълимининг методик жиҳатдан ўзига хослигига, шунингдек, техникавий тафаккур усулига хос бўлган бошқа малакаларни шакллантириш зарурлигига мос келади.

Мазкур тенглама илдизини чизма орқали аниқлаш шуни англатадики, кесмадаги  $x$  нуқта  $[0,5; 1]$  оралиқда  $y = x$  ва  $y = \cos x$  функциялар жадваллари ёрдамида аниқланади. Бунинг учун  $x = \cos x$  эканлигини эътиборга олган ҳолда ўқларга параллел ОХ ва ОY тўғри чизиқлар ўтказилади. Айни пайтда  $x$  нинг қийматини ҳисоблаш учун калькулятордан фойдаланилади.

Изоҳдан парча келтирамиз.

Жадваллар ёрдамида илдизни аниқлаш	Калькулятор хисоблаш
<p>1. <math>x_0=0,5</math> нүкта орқали <math>y=\cos x</math> функциялар жадвали билан кесишгунча ОY ўқقا паралел бўлган тўғри чизиқни ўтказамиз. Кесишиш нүктасини A деб белгилаймиз. Бу нүктанинг ординатаси қўйидагига тенг:</p> $Y_{A_0} = \cos x_0 = \cos 0,5.$	<p>1'. <math>\cos 0,5 = 0,878</math>  <math>A_0 [0,5; 0,878]</math></p>
<p>2. <math>A_0</math> нүкта орқали ОX ўқقا параллел бўлган тўғри чизиқни <math>y=x</math> функция графиги билан <math>N_1(x_{N1}; y_{N1})</math> (<math>x_{N1}=y_{N1}</math>) нүктада кесишгунча ўтказамиз.</p> <p>А ва N нүқталари ординаталари тенг, яъни <math>Y_{N1} = Y_{A_0}</math>.</p>	<p>2'. <math>Y_{N1} = Y_{A_0} = \cos x_0</math>,  <math>Y_{N1} = 0,878</math>, лекин  <math>X_{N1} = Y_{N1}</math> демак,  <math>X_{N1} = 0,878</math>.  <math>N_{N1}(0,878; 0,878)</math></p>
<p>3. N нүкта орқали ОY ўқقا параллел бўлган тўғри чизиқни абциссалар ўқи билан X нүктада кесишгунча ўтказамиз. <math>Y=\cos x</math> функция графиги билан кесишиш нүктасини A орқали белгилаймиз.</p> <p><math>N_1</math> ва <math>A_1</math> нүқталар абциссалари ўзаро тенг:</p> $X_{N1} = X_{A1} + X_1$	<p>3'. <math>X_1 = \cos x_0 = 0,878</math>.  А нүкта <math>y=\cos x</math> функция графигига тегишли бўлгани учун  <math>Y_{A1} = \cos x_1 = \cos 0,878 = 0,639</math>.  <math>A_1(0,878; 0,639)</math>.</p>
<p>4. <math>X_1</math> нүкта <math>[0,5; 1]</math> кесма ичида жойлашган ва излангаётган <math>x^-</math> қийматгага тенг. Шу сабабли <math>[0,5 ; x_1]</math> кесмани кўриб чиқиш ва <math>x_1</math> – илдизнинг дастлабки қиймати деб хисоблаш мумкин. <math>(0,5; 0,878)</math>.</p>	<p>4'. <math> 0,878 - 0,5  = 0,378 &gt; 0,01</math>;  шу сабабли <math>x^-</math> яқинлашиш жараёнини давом эттириш керак.</p>
<p>5. <math>A_1</math> нүкта орқали ОX ўқига параллел бўлган тўғри чизиқни ўтказамиз ва уни <math>y=x</math> функция билан <math>N_2(X_{N2}; Y_{N2})</math> (<math>X_{N2} = Y_{N2}</math>) нүктада кесишгунча давом эттирамиз, яъни <math>Y_{N2} = Y_{A_1}</math></p>	<p>5'. <math>Y_{N2} = Y_{A_1} = \cos x_1</math>  <math>Y_{N2} = 0,639</math>, лекин  <math>X_{N2} = Y_{N2}</math>, демак,  <math>X_{N2} = 0,639</math>.  <math>N_2(0,639; 0,639)</math></p>
<p>6. <math>N_2</math> нүкта орқали ОY ўқига параллел бўлган тўғри чизиқни ўтказамиз. Шунда <math>y=\cos x</math> функция графигида <math>A_2</math> нүктани белгилаймиз, ОX ўқига эса <math>X_2</math>, яъни <math>X_2 = X_{N2}</math> нүктасини белгилаймиз.</p> <p><math>[x_2 ; x_1]</math> кесмани ҳосил қиласиз.</p> <p><math>x_2</math> – илдизнинг иккинчи қиймати</p>	<p>6'. <math>x_2 = \cos x_1 = 0,639</math>  <math> x_2 - x_1  =  0,878 - 0,639  = 0,239 &gt; 0,01</math>.  Жараённи яна давом эттирамиз.</p>

$A_3, A_4, \dots$  нүқталарни шунга ўхшаш тарзда топамиз ва тегишли радија  $x_3, x_4, \dots; x_3 = \cos x_2 = \cos 0,639 = 0,803; x_4 = \cos x_3.$

$f(x) = 0$  тенглама илдизи тақрибий қыйматлари кетма-кетлигига эришамиз:  
 $f(x) = 0; x_0; x_1; x_2; x_3, \dots$

Кетма-кет яқинлашишлар айириналарининг модулларини таққослаймиз:

$$|x_1 - x_0|; |x_2 - x_1|; |x_3 - x_2|; \dots$$

$$|0,5 - 0,878| = 0,378$$

$$|0,878 - 0,639| = 0,239$$

$$|0,639 - 0,803| = 0,164$$

Таққослаш натижасида ўқувчилар шуни англашадики, қыймат аниқлашгани сайин модуллар қисқаради. Ҳисоблашлар иккита кетма-кет яқинлашишлар модуллари 0,01 дан камаймагунча давом эттирилади.

Сўнгра ўқувчилар билан **2-мисолни** кўриб чиқамиз.

$\sqrt{x+1} = x$  тенглама илдизини 0,01 гача аниқлик билан топинг.

Аввалги мисолдаги каби,  $y = x$  ва  $y = \sqrt{x+1}$  функциялар графиклари чизилади, илдиз ётган кесма бўлинмаси, бошланғич яқинлашиш танланади ва тегишли радија ясаш ва мулоҳаза юритиш амалга оширилади.

Иккита кетма-кет яқинлашиш модуллари таққосланади.

Сўнгра кўриб чиқилган мисоллардан холосалар қилинади.

1. Биринчи ҳолатда яқинлашишлар кетма-кетлиги икки томондан х қыйматга интилади: ўнг ва чап тарафдан – икки томонлама яқилашишлар, иккинчи мисолда эса – бир томондан. Лекин ҳар икки ҳолатда иккита кетма-кет яқинлашишнинг фарқларидаги модуллари илдиз бўлинмасининг қисқариши жарёнида камайиб боради.

2. Илдизнинг ҳар бир навбатдаги қыймати аввалгиси ёрдамида қуйидаги формула билан аниқланган:

$$x_n = \phi(x_{n-1})$$

Биринчи мисолда:  $\phi(x) = \cos x$

Иккинчи мисолда:  $\phi(x) = \sqrt{x+1}$

Бунда илдизнинг ҳосил бўлган келган тақрибий қиймати кетма-кетлиги x нинг ҳақиқий қийматига интилади.

**Ўқувчиларга маълум қилинадики, уни қўллаш жараёнида илдизнинг тақрибий қийматлар кетма-кетлиги  $x=\phi(x)$  формула ёрдамида олинадиган илдизни аниқлаш методи кетма-кет яқинлашиш ёки итерациялар методи деб аталади.** Эндиликда, ўқувчилар аниқ мисоллар орқали ушбу методнинг ғояси билан танишганида, аввало, уларнинг эътиборини илдизларни графиклар ёрдамида аниқлаш сермашаққат иш эканлигига қаратиш, сўнгра ушбу метод моҳиятини умумий ҳолда тушунтириш керак. Бизнинг итерациялар методига ёндашувимизда анъанавий методга қараганда (яъни у дархол умумий кўринишда ифодаланадиган ҳол) кўпроқ вақт сарфланишига қарамай, ўқувчиларнинг фикрлаш жараёнида турли ифодалардан фойдаланиш асосида нафақат кўргазмали образлар (шартли-график ва белгили-рамзий) яратилади, айни пайтда доимий равиша бир шаклдан иккинчисига ўтишда улардан фойдаланиш кўнимаси шаклланади.

Ўқувчиларнинг эътиборини  $x_0, x_1, x_2, \dots, x_n, \dots$  қийматлар кетма-кетлиги доимо ҳам ҳақиқий қийматга тенглашадими, деган саволга қаратиш учун итерация жараёнининг геометрик кўргазмалилигидан фойдаланилади. Вазифалар графикларнинг турлича жойлашувини графикларга уринувчи функциялар нуқталари ( $x_0 ; \phi(x_0)$ ) билан таққослаш ҳамда илдизнинг тақрибий қиймати қандай ҳолларда уларга яқинлашуви ёки узоқлашувини таққослашда ўқувчилар  $|\phi'(x)| < 1$  эканлиги тўғрисидаги хulosага келишади. Айни пайтда ҳосиланинг геометрик маъноси тушунчаси шаклланади.

Эндиликда ўқувчилар итерациялар методи қўлланишининг аналитик шартини 2-теорема шаклида ифодалаши мумкин. Бироқ, бу билан методни баён этиш якунланмайди.

Маълумки, бу методда энг мураккаби  $f(x)=0$  шаклдаги тенгламадан  $x=\phi(x)$  шаклига ўтишдир.  $\phi(x)$  шакли самарали бўлганда, яъни  $|\phi'(x)| < 1$  шарти

бажарилганда  $x_0, x_1, x_2, \dots, x_n$  кетма-кетлигининг  $x^-$  илдизига тез ўтишини кафолатлади.

Ушбу мавзуга оид ўқув адабиётларида  $\phi(x)$  танлови учун маҳсус формулалар кўрсатилади. Бизнингча, ушбу масалага бошқача ёндашув ҳам мавжуд. Ва у график кўнилмалар ва образлардан фойдалана билиш лаёкатига асосланади. Айни пайтда  $\phi(x)$  нинг тўғри, ишончли шаклига ўқувчилар мустақил равища, функциялар графикларини таҳлил қилиш орқали эришадилар.

**З-мисол.** Айтайлик,  $x^3 - x - 2 = 0$  алгебраик тенглама  $[1; 2]$  кесмада илдизга эга бўлсин. Дастробки тенгламадан  $x = \phi(x)$  шаклидаги тенгламага  $x = x^3 - 2$ , яъни  $\phi(x) = x^3 - 2$  орқали ўтилади.

Кейинги мулоҳаза қуйидаги кўринишга эга:  $\phi'(x) = 3x^2 > 0$ . Демак,  $\phi(x)$  функция  $[1; 2]$  кесмада ўсади.  $\phi'(1) = 3 > 1$ ,  $\phi'(2) = 12$  ни топиш шарт эмас эди. Итерацияларни қўллаш методи мезони бажарилмайди, чунки  $[1; 2]$  кесмада  $|\phi'(x)| > 1$ . Шартга кўра дастробки тенглама илдизга эга бўлгани туфайли,  $x^-$  га интилевчи яқинлашишларнинг кетма-кетлиги ҳам мавжуд. Эҳтимол,  $\phi(x)$  функция бошқача ифодаланиши керакдир.

Ушбу тенгламани қайта ечиб,  $\phi(x)$  функцияга бошқача шакл беришга уриниб кўрайлик:

$$x^3 = x + 2; \quad x = \sqrt[3]{x + 2} \text{ яъни } \phi_1(x) = x + 2,$$


$$\phi'_1(x) = \frac{1}{3\sqrt[3]{(x+2)^2}}$$

Бундай ҳолда  $\phi_1(x)$  функция 2-теорема шартларига мос келади.

Қандай қилиб  $\phi(x)$  ни тўғри аниқлаш мумкин?

$\phi(x)$  ва  $\phi_1(x)$  функцияларини таққослайлик. Таҳлилий қайдлардан кўринадики, улар ўзаро тескари боғланишли. Уларнинг графикларига мурожаат этгач, графикларнинг кесишиш нуқталарида тегишли нуқталарни белгилагач, шундай холосага келамизки, кутганимиздек, уринманинг оғиш бурчаги  $\phi_1(x)$  функция графиги  $\phi(x)$  функция графигига қараганда кичикроқ. Агар  $y_1 = x + 2$  ва  $y_2 = x^3$  графикларини битта координаталар системасида чизиб, уларни таққосласак, шу

нарса аён бўладики,  $y_1(x)$  графиги  $y_2(x)$  нинг [1 ; 2] кесмадаги графигига қараганда секинроқ ўзгаради(14-расм).



14-расм

Бу шундай хulosага олиб келадики,  $\phi(x)$  функцияни танлаш учун бирламчи тенгламани шундай ўзгартириш керакки, биринчи қисмида бўлинманинг кесмасида чап қисмидаги функцияга қараганда секинроқ ўзгарадиган функция бўлсин. Сўнгра тенгламанинг чап қисмида  $x$  ни ифодалаш керак:  $x = \phi(x)$ .

Агар илдиз график жиҳатдан ажратилган бўлса, бундай қиёслашни графикда бажариш осон бўлади, агар аналитик жиҳатдан ажратилган бўлса, бўлинманинг кесмасида  $x$  нинг қийматини берган ҳолда тахмин қилиш мумкин. Бундай ҳолда тенгламанинг ўнг қисмига бошқа қисмларга қараганда камроқ қийматга эга бўладиган қисм ўтказилади (қулайлик учун уни “кичик” қисм деб атаемиз).

Бундай мулоҳазалар воситасида кўп ҳолларда 2-теорема шартларини қаноатлантирадиган  $\phi(x)$  ни тўғри аниқлаш мумкин.

Шуни қайд этиш керакки, биз ушбу теоремани ифодалашда  $\phi'(x)$  га такрибий қийматлар хатолигини баҳолашда ҳисобга олинадиган  $\phi(x)$  га қатъиyroқ талаб қўймадик:  $|\phi'(x)| \leq M$ , бунда  $M$ —илдиз ажратиладиган кесмадаги ҳосиланинг максимал қиймати. Буни маҳсус равишда қуйидаги асосий

мулоҳазаларга таянганимиз ҳолда амалга оширидик. Биринчидан, мактаб амалиётида хатоликларни қатъий ҳисобга олмаган ҳолда ҳисоблашларни бажариш керак, деб ўйлаймиз(бу ҳақда мазкур параграфнинг бошида тўхталган эдик). Иккинчидан, амалий нуқтаи назардан бу талаб ҳаддан зиёд ортиқча.

Маълумки, илдиз қийматини  $h$  гача аниқлик билан топиш учун қуйидаги шарт текширилиши керак:

$|x_n - x_{n-1}| \leq ((1-M)/M) \cdot h$ ,  
агар  $M \leq 1/2$  бўлса, у ҳолда ушбу формула соддалашади ва зарур аниқликка эришиш учун  $|x_n - x_{n-1}| \leq h$  (\*) эканлигини текшириш етарли.

Хатоликларни қатъий эътиборга олмасдан ҳисоблашларни бажаришда ушбу шартдан фойдаланилади.

Ўқувчиларга (\*) шартини амалда қандай текшириш кераклиги ҳакида шунарса маълум қилинадики, ҳисоблашлар иккита қўшни яқинлашишларда талаб қилинган рақамлар сони бир-бирига мос келмагунча давом эттирилади. Шуни қайд этиш керакки, ушбу бўлимнинг 1-параграфи ўрганилганидан сўнг ўқувчилар нима сабабдан айнан шу амалларни бажариши кераклигини тушунтиришда қийналмайдилар.

Бу ўринда ҳам илдизнинг яқинлаштирилган қийматини ҳисоблаш учун алгоритм тузилади ҳамда ЭҲМ учун Бейсик тилида такрибий вариантлардан бири ишлаб чиқилади. Улардан фойдаланиш кўникмаси ҳисоблаш амалиётида шаклланади. Юқорида қайд этилганидек, ЭҲМ дан фойдаланиш малакаси техниковий тафаккурга оид асосий қобилияtlардан биридир.

Қайд этамизки, биз таклиф этаётган машқлар тизими 1-бобнинг 3-сида техника йўналишидаги академик лицейларда бажариш учун таклиф этилаётган масалалар типологиясига мос келади.

“Такрибий ҳисоблаш методлари” бўлимини ўрганиш бўйича ишлаб чиқилган методик тавсияларнинг самарадорлигини текшириш учун тажрибасинов ишлари олиб борилди ва унинг натижалари кейинги бобда ёритилган.

## **у ч и н ч и б о б**

# **Педагогик тажриба-синов ишларини ташкил қилиш ва унинг натижалари**

### **3.1. Педагогик тажриба-синов ишларини ташкил қилиш ва ўтказиш**

Биз майдонга ташлаган илмий фаразни тасдиқлаш учун ўтказилган педагогик тажриба-синов ишларини баён қилишдан аввал бажарилган назарий тадқиқот натижаларидан айрим хулосалар чиқарайлик.

Илмий-тадқиқотларимизнинг **дастлабки босқичида** умумтаълим мактаблари, академик лицейлар, касб-хунар колледжлари, техника йўналишидаги олий ўқув юртларидаги математика бўйича амалдаги дастурлар, Давлат таълим стандартлари, мазмуни бўйича табақалаштиришни тақозо этувчи математика бўйича дастурлар таҳлил қилинди, айни пайтда бу ўринда диссертантнинг математика таълими бўйича шахсий тажрибаси, саноат корхоналари ишчихизматчиларининг профессиограммаларини ўрганиш, ўқувчилар ва талабалар ўртасида сўровномалар ўтказиш натижалари эътиборга олинди.

Бу босқичда таълим-тарбия жараёнининг ҳозирги босқичида барча ҳамкасларимизнинг дикқат-эътиборларини ўзига жалб қилаётган янги педагогик технологиялар, таълимнинг оптималь методлари каби тушунчаларнинг мазмун-моҳияти ва уларни қўллаш механизmlарини мукаммал эгаллашга зарурат туғилди. Дарҳақиқат, бугунги кунда янги педагогик технологиялар ўқув-тарбия жараёнининг ажralmas қисмига айланниб бормоқда, яъни “субъект – объект” тизими “субъект – субъект”га айланмоқда. Энди ўқувчига объект сифатида эмас, балки кўп нарсаларни билишга кодир – шахс сифатида қарашимиз керак.

Таълимда кўзланган ижобий натижаларга эришиш учун ўргатувчи ва ўрганувчилар ўртасидаги ҳамкорликни юқори савияга олиб чиқиш талаб этилади, яъни ўқув-тарбия жараёнида таълимнинг интерфаол ва инновацион методларига мумкин қадар кўпроқ эътибор бериш керак. Бизнингча, бундай методлар қаторига кўпчилик илмий-педагогик адабиётларда тан олинган қуидаги методларни киритиш мумкин.

1. Муаммоли таълим.
2. Мужассамлашган таълим.
3. Модулли таълим.
4. Ривожлантирувчи таълим.
5. Табақалаштирилган таълим.
6. Фаол(мажмуавий) таълим.
7. Ишchanлик ўйинлари.

Санаб ўтилган таълим методларининг ҳар бирининг аниқ мақсадлари бир-бирларидан фарқ қиласи, яъни:

- 1) ўрганувчиларнинг мустақил, ижодий билиш фаолликларини ошириш;
- 2) шахснинг ҳис қилиш хусусиятларига мумкин қадар яқинлаштирилган таълим жараёни тузилмасини яратиш;
- 3) таълим мазмунини шахс индивидуалл эҳтиёжлари ва унинг базавий тайёргарлиги даражасига мослаштириш;
- 4) шахснинг қизиқиш ва қобилиятларини ривожлантириш;
- 5) ўрганувчиларнинг мойиллик, қизиқиш ва қобилиятларини рўёбга чиқариш учун қулай шароитлар яратиш;
- 6) ўрганувчилар фаоллигини ташкиллаштириш;
- 7) билим, кўникма ва малакаларни ўзлаштиришнинг шахсий фаолият тавсифида бўлишини таъминлаш.

Энг муҳими, санаб ўтилган замонавий таълим методларининг мазмун-моҳиятлари турлича, яъни:

- ўрганувчиларга навбат билан аниқ мақсад сари йўналтирилган билимларни ўзлаштириш борасидаги фаолиятларини юзага чиқаришга хизмат қилувчи топшириқларни бериб бориш;
- машғулотларни алоҳида-алоҳида блокларга бириктириш хисобига фанларни чуқур ўзлаштиришга эришиш;
- ўрганувчиларнинг индивидуал ўқув дастури асосида мустақил ишлашини таъминлаш;
- таълим-тарбия жараёнини шахс потенциал имкониятлари ва уларни амалга оширишга йўналтириш;
- турли ўзлаштириш даражалари(репродуктив, алгоритмик, эвристик, ижодий) бўйича мажбурий меъёр(стандарт)дан кам бўлмаган ҳажмдаги ўқув дастури материалини ўзлаштириш;
- бўлажак касб фаолиятининг предметли ва ижтимоий мазмунини моделлаштириш;
- ўрганувчиларнинг ўқув ахборотларни қайта ишлаш ва ўзлаштиришга йўналтирилган мустақил билиш фаолиятларини ривожлантириш.

Албатта, мазмун-моҳиятни амалга ошириш механизми ҳам ҳил, бир-бирларидан фарқли бўлиши аён, яъни:

- 1) тадқиқотчилик методи, билиш фаолиятига йўналтирилган топшириқлар бажариш;
- 2) ўрганувчилар иш қобилиятининг динамикасини хисобга оловчи таълим методлари;
- 3) муаммоли ёндашувни амалга оширишнинг индивидуал мароми;
- 4) ўрганувчилар фаолиятини турли соҳаларга йўналтириш;
- 5) индивидуал таълим методлари;
- 6) ўрганувчиларни ижодий фаолиятга жалб этувчи ишchanлик ўйинлари.

Кўриниб турибдики, олдиндан лойиҳалаштирилган таълим жараёнининг педагогик технологияси ўргатувчи ва ўрганувчиларнинг ҳамкорликда фаолият кўрсатиб, кўзда тутилган ижобий натижага эришишни тақозо этади.

Биз тажриба-синов ишларини олиб борища техникага оид амалийтатбиқий масалаларни дастурлаштирилган микрокалькулятор ва ЭХМдан фойдаланиб ечиш босқичларига амал қилишда юртдошимиз Н. Эшпўлатов томонидан ойдинлаштирилган методикага асосланишни лозим топдик.

Ушбу тахлил жараёнида шу нарса қайд этилдики, техника йўналишидаги академик лицейлар учун математика фани бўйича амалдаги дастурларда ўқув юртларининг касбий йўналишлари деярли эътиборга олинмайди, мавжуд фарқлар эса математиканинг у ёки бу бўлимими ўрганишга ажратилган соатлар миқдорига тегишли.

Дарҳақиқат, қўйида келтирилган Давлат таълим стандартлари:

Тарт.	Б ў л и м л а р	Соати
1	Тўпламлар назарияси ва математик мантиқ элементлари	10
2	Ҳақиқий сонлар	30
3	Комплекс сонлар	10
4	Кўпхадлар	6
5	Алгебраик ифодалар	20
6	Алгебраик тенгламалар ва тенгсизликлар	50
7	Функциялар ва графиклар	24
8	Даражали, кўрсаткичли ва логарифмик тенгламалар	30
9	Тригонометрик функциялар	50
10	Ностандарт функциялар	20
11	Сонли кетма-кетликлар ва уларнинг лимити	10
12	Функция лимити ва узлуксизлиги	10
13	Функция ҳосиласи ва унинг қўлланилиши	24
14	Интеграл	14
15	Дифференциал тенгламалар	10
16	Комбинаторика элементлари	10
17	Эҳтимоллар назарияси ва математик статистика элементлари	16

18	Чизиқли алгебра асослари	16
19	Умумий тақрорлаш	32
	Жами	392

**да математикадан намунавий дастур ва режани** кўздан кечирайлик. Унда математика йўналишиими, физика йўналишиими ё бўлмаса, техника йўналишиими, ўкув режасида ҳаммасига бир хил, яъни 392 соатдан вақт ажратилган. Боз устига, барча йўналишлар учун математикадан бир хил ўкув дастури тавсия этилган. Қани бу ерда бўлажак ихтисосликни эътиборга олиш-у, математик таълим мазмунини ва уни ўқитиш методикасининг ўзига хослигини бўлажак ихтисосликка йўналтириш!?

Тадқиқотнинг **навбатдаги босқичида** биз техника йўналишидаги академик лицейлардаги **математика таълими мазмунини танлаш мезонларини** ишлаб чиқдик, бунда **тўлиқлик, кенглик ва дидактик аҳамиятлилик** бўйича умумлаштирилган мезонлардан ташқари **халқаро аҳамиятлилик, психологик, психофизиологик ва мазмунли-методик мезонлар** ҳам жорий этилди.

Таълим йўналишини ҳисобга олган ҳолда биз техника йўналишидаги академик лицейларда ечиш учун тавсия этиладиган мисоллар тўпламига қўйиладиган «осондан қийинга», «саддадан мураккабга» каби дидактик талабларга амал қилдик.

Тадқиқотларнинг **сўнгги босқичида** техника йўналишидаги академик лицейлардаги математика таълими мазмунини танлаш мезонларига амал қилган ҳолда математик таълим мазмуни шакллантирилди.

Бу иш жараёнида, жаҳон ва мамлакатимиз педагогик амалиётида аҳамиятлилиги тан олинган анъанавий бўлимлардан ташқари, биз шундай бўлимларни аниқладикки, уларни **дастурнинг инвариант(ўзгармас) ва вариатив(ўзгарувчи)** компонентларига киритиш мақсадга мувофиқдир.

### **3.2. Тажриба-синов ишлари натижаларига математик-статистик жиҳатдан ишлов бериш**

Биз амалиётчи-мутахассислар нуқтаи назаридан математиканинг танланган бўлимларини лицейларда ўрганишнинг мақсадга мувофиқлигини аниқлашга уриндик, бунда ҳанузгача ўрганилмаган ёки фақат таништириш учун ўрганиладиган (бундай ҳол тўлиқлик мезонига тўғри келмайди, зеро, ўрганиш мақсадидан “кўникма” ва “малака” тушунчалари тушиб қолади) бўлимларни эътиборга олдик. Шундай қилиб, тадқиқотнинг назарий қисми мантиқан тадқиқотнинг кузатилаётган оралиқ фаразларини тажриба тариқасида текширишга ўта бошлади, бу эса техника йўналишидаги академик лицейлардаги математика таълими мазмунини танлаш билан боғлик.

Шу мақсадда биз сўровнома (анкета) туздик. Тажриба сўровномасида олий ва ўрта маҳсус ўқув юртлари талабалари, илмий-тадқиқот институтлари ходимлари, бевосита ишлаб чиқаришнинг техника соҳаси билан боғлиқ хизматчилар, ўқитувчилар, ишлаб чиқариш усталари қатнашдилар.

Сўровномага нафақат ҳалқаро аҳамиятлилик мезонини амалга ошириш натижасида тузилган саволлар, балки математика бўйича амалдаги дастурларни таҳлил қилиш, ўрта маҳсус, касб-хунар таълими битирувчилари билимига қўйиладиган талаблар, олий ўқув юртларининг олий математика бўйича дастурлари таҳлили, мамлакатимиз олимларининг касбга йўналтирилган математика бўйича дастурлари, кириш имтиҳонлари вариантлари таҳлили натижасида пайдо бўлган саволлар ҳам киритилди.

Натижада сўровноманинг барча саволлари уч бўлимга ажратилди:

1)“А” бўлими-математика бўйича мактаб дастурларида белгилаб қўйилган ўқувчилардан талаб этиладиган билим, кўникма ва малакалардан келиб чиққан ҳолда тузилган;

2)“В” бўлими-мактабларимиз учун ноанъанавий бўлимлар, шунингдек, мактабда ўрганиладиган, аммо кўникма ва малака шаклланишини талаб қилмайдиган мавзулардан ташкил топган;

3) “С” бўлимига техникавий тафаккурга хос бўлган кўнишка ва малакаларни баҳолашга йўналтирилган саволлар киритилган.

Бўлимларнинг ҳар бир саволи 10 балли шкала бўйича баҳоланди. Маълумотларга ЭҲМ ёрдамида ишлов берилганда нафақат қўйилган балларнинг ўртача арифметик қиймати, балки ҳар бир танловнинг медианаси, модаси ҳам ҳисоблаб чиқилди.

“А” бўлими бўйича бир нечта саволларнинг танлов йўли билан баҳоланишига мисол келтирайлик.

Мазмунли-методик мезонга кўра, амалий материал билан ишлашга назарий материални ўрганишга қараганда кўпроқ вақт ажратиш керак. Шу сабабли, сўровномага турли мисолларни ечиш малакасини аниқлашга доир саволлар ҳам киритилди. Матнли масалаларни ечиш методлари тўққиз йиллик мактабларда ўрганилгани туфайли лицейларда ушбу материал якуний машғулотларда бирмунча юқорироқ даражада такрорланади ҳамда у математик моделлаштиришнинг тўлиқ схемасидан фойдаланишга асосланган, яъни бу билан моделлаштириш ғоясининг ўзига яна бир бор мисол келтирилади. Маълум бўлишича, сўровнома иштирокчиларининг фикрича, энг муҳими “Процентларга оид масалалар”ни ечишдир. Мода ҳам, медиана ҳам ушбу танловда 10 га teng. Бундан ташқари, кириш имтиҳонлари материал(тест савол)ларининг таҳлили шуни кўрсатдики, “Процентлар” мавзуси бўйича билимга эга бўлиш бир қатор топшириқларда кўзда тутилган. Шу тарзда ушбу материалнинг тизимли такрорланишини мақсадга мувофиқлиги тасдиқланди. Ўртача қиймат ҳам матнли масалаларнинг бошқа турларига қараганда юқорироқ бўлиб чиқди.

Векторлар устида амалларни бажара олиш қуйидагича баҳоланди: мода – 10 балл, медиана – 8, ўртачаси - 7.

Чизиқли тенгламаларни ечиш усуллари орасида Гаусс усулида ҳам Крамер усулида ҳам ўртача қиймат бир хил бўлган (ўндан биргача), ҳолбуки Гаусс усулига бирмунча афзаллик берилган (медиана қийматига кўра).

Биз Горнер схемаси ва Безу теоремасини ўрганиш заруриятини кўриб чиқдик, чунки бу саволни сўровномага киритиш таклифи билдирилди. Бироқ,

ўртача балл юқори бўлмади. Бу эса ушбу материалнинг техника йўналишидаги математика таълими курсида кўриб чиқиш учун яна бир асосдир.

“В” бўлим бўйича жадвал тузамиз. Ундан техника йўналишидаги академик лицейлар ўқувчиларининг билим, кўникма ва малакасига нисбатан уч мезонга асосланган ҳар бир талаб бўйича баҳоси яққол кўринади.

## 2-жадвал

Тартиби	Мавзулар	Ўқувчи сони	Ўрта ариф. миқдор	Медиана	Мода
		x	m	M	
		10 баллик баҳолаш тизими			
1.	Сонли кетма-кетликлар тўғрисида тушунчага эга бўлиш	180	6,9	7	10
2.	Куйидагилар ҳақида тушунчага эга бўлиш: а) дифференциал тенглама б) $y=kx$ туридаги тенглама	172 170	6,7 6,3	7 7	10 10
3.	Қаторлар тўғрисида тушунчага эга бўлиш	170	6,3	7	10
4.	Эволюта тўғрисида тушунчага эга бўлиш	166	4,4	4	0
5.	Ньютон биноми формуласини билиш	168	6,2	7	10
6.	2-тартибли тенгламаларни билиш	176	7,7	8	10
7.	Интегрални куйидагиларни ечишда қўллаш: а) геометрик масалалар; б) амалий масалаллар.	172 174	6,9 6,7	7 7	10 10
8.	Тақрибий ҳисоблаш методларидан фойдаланган ҳолда: а) тенгламаларни ечиш,  бунда: кесмани иккига бўлиш усули ватарлар методи уринмалар методи итерациялар методи б) интегралларни ҳисоблаш, бунда: тўғри тўртбурчаклар методи билиш	168 162 160 160 158 154	7,3 6,4 5,3 5,3 6,6 6,2	8 7 6 6,5 7 7	10 10 5 7 10 10

Ушбу жадвал устида қисқача тўхталсак. Аксарият бўлимлар бўйича ўртача арифметик қиймат 6 ва 7 баллар ўртасида ўзгариб туради, мода эса асосан 10 га тенг бўлади. Сўровномада иштирок этганларнинг фикрича, эволюта ва эвольвента

тўғрисидаги билимларнинг аҳамияти унчалик катта эмас. Буни тушунтириш мумкин, чунки бу тушунчалар тор ихтисосликка оид ва барча ўқувчилар уларни билиши шарт эмас.

Статистика ва эҳтимолликлар назарияси бўйича билимлар деярли бирдек баҳоланган, бироқ, комбинаторикага оид масалаларни ечишга камроқ эътибор қаратилади. Бунда сўровнома иштирокчиларининг андазавий қарашлари таъсир кўрсатган бўлиши эҳтимолдан ҳоли эмас: келгуси фаолиятда ўқувчилар айнан шундай мисолларга дуч келадилар ва бунда комбинаторик тафаккурни ва комбинаторик малакани ривожлантиришнинг аҳамияти ҳисобга олинмайди, ваҳоланки, улар тафаккурнинг изчилиги ва динамиклигини шакллантиришга кўмак беради. Бундан ташқари, мактабда комбинаторик усулни ривожлантириш зарурлиги анча илгари, таълимнинг ўрта босқичида тавсия этилади.

Сўровнома иштирокчилари техника йўналишидаги академик лицейлар ўқувчилари томонидан тақрибий ҳисоблаш методларидан фойдаланишга юқори баҳо беришди. Тенгламаларни ечишда кесмани иккига бўлиш ва итерациялар методи, интегралларни ҳисоблашда тўғри тўртбурчаклар методи сонларнинг тақрибий қиймати билан амалларни бажаришда устувор бўлиб чиқди. . Шунингдек, ўлчовлар билан боғлиқ бўлган татбиқий масалаларга алоҳида эътибор беришнинг мақсадга мувофиқлиги аниқланди.

Техника йўналишидаги академик лицейлар математика курсида бўлимларни ўрганишнинг кейинги синови математика таълими мазмунини танлашга оид бошқа мезонларга эътибор беришнинг мувофиқлиги шаклида амалга оширилди.

Биз аниқлаган техникавий тафаккурга хос малакалар экспертлар томонидан юқори баҳоланди: ўртacha арифметик қиймат 7,9 билан 8,5 ўртасида ўзгариб туради; медиана – 8 билан 9 гача; мода 10 га teng.

Техника йўналишидаги академик лицейларда маҳсус йўналтирилган математик таълимнинг техникавий тафаккурни ривожлантиришга таъсири тўғрисидаги фаразимизни тасдиқлаш мақсадида биз “Тақрибий ҳисоблаш методлари” бўлимини ўрганиш бўйича методик тавсияларни ишлаб чиқдик. Биз шунга асосланган эдикки, техникавий тафаккурга хос бўлган малакаларни

ривожлантириш математик таълим мазмуни математика ўқитиш методикасининг ўзига хослиги билан уйғунлашган тақдирдагина таъминланади. Шу тарзда ўқувчиларга ишлаб чиқилган материалларни текшириш вазифасигина эмас (бу ҳол ҳар бир тажрибада кўзда тутилади), балки техника йўналишидаги академик лицейларда математика таълимининг методик жихатдан ўзига хослигига асосланган маҳсус таълим методикасининг техникавий тафаккурни ривожлантиришга кўрсатадиган таъсирини текшириш мақсади қўйилган эди.

Биз ишлаб чиққан метод бўйича Тошкент Архитектура-қурилиш институти қошидаги лицейда ва Тошкент Техника университети ҳузуридаги академик лицейда машғулотлар олиб борилди. Ҳаммаси бўлиб тажриба-синов синфларининг 119 нафар ўқувчиси қамраб олинди.

Бошқа йўналишдаги академик лицейларда тақрибий ҳисоблаш методларини ўрганиш мажбурий бўлмаганлиги туфайли, тажрибанинг ўргатувчи босқичида назорат синфлари йўқ эди. Улар фақат тажрибанинг дастлабки босқичида қамраб олинди. Бунда ўқувчиларнинг техникавий тафаккурга хос бўлган бир қатор малакаларини аниқлаш мақсади қўйилган эди.

Назорат синфлари шу тарзда танландики, уларда таълим татқиқотчининг шахсан ўзи ва тажрибали ўқитувчилар томонидан олиб борилди, математикага оид билимлар ҳажми эса тажриба синфларидағига ўхшаш эди. Аммо барча лицейларда: тажриба синфларида ҳам, назорат синфларида ҳам назорат сўровномалари натижалари юқори эмас эди. Ўқувчиларда ҳисоблаш маданиятининг етарли эмаслиги, математик моделлаштиришнинг асосий босқичларини ажратаб билмаслик, график малакаларининг етарли эмаслиги, хусусан, графикларни ўқишида ҳосиланинг физик маъносидан фойдалана олмаслик ҳоллари аниқланди.

**Ўргатувчи тажрибада** назорат синфларининг йўқлиги ўқувчиларнинг тажриба бошидаги ва охиридаги малакаларини таққослаш асосида таълим самарадорлиги тўғрисида хулоса чиқариш имконини берди. Тажриба давомида машғулотлар олиб бориш жараёнини кузатишдан ташқари, ўқувчилар ўртасида

сўровнома ўтказиши, ўқитувчилар билан сухбатлашиши, синов ва назорат ишлари амалга оширилди.

Тақрибий ҳисоблаш методлари тўғрисидаги тизимли билимларнинг ўқувчилар бўлажак фаолияти соҳасига оид бошқа фанларни ўрганишда дуч келадиган аниқ амалий мисолларни ечиш сифатига кўрсатадиган таъсирини аниқлашга йўналтирилган иккита сўров натижаларини келтирамиз.

Таққослаш учун Макнамара методи қўлланилди. Тасодифий танлов йўли билан 25 кишидан иборат гурӯҳ тузилди.

Ноль фараз ( $H_0$ ) текширилди: “Тақрибий ҳисоблаш методлари”га оид тизимли билимлар амалий ва татбиқий тусдаги масалаларни ечишга жиддий таъсир кўрсатмайди”.

Номлар шкаласида икки тоифа мавжуд: таъсир кўрсатади  $-1$ ; таъсир кўрсатмайди  $-0$ .

Иккита сўровнома ўтказилди: “Тақрибий ҳисоблаш методлари” мавзусини ўрганишдан олдин, бунда ўқувчиларнинг билими тўққиз йиллик мактаб доираси билан чегаралангандан мавзу ўрганилганидан сўнг.

Натижалар жадвалини келтирамиз.

3-жадвал			
	Таъсир кўрсатади	Таъсир кўрсатмайди	
Таъсир кўрсатади	$a=2$	$b=2$	4
Таъсир кўрсатмайди	$c=17$	$d=4$	21
Жами	19	6	25

Натижаларга мувофиқ равища ( $b < c$ ) ( $H_1$ ) муқобил фараз илгари сурилди: “Тақрибий ҳисоблаш методларини билиш амалий ва татбиқий тусдаги масалаларни ечиш имконини беради”.

Фаразни текшириш учун Макнамара мезони қўлланилади:  $m = 25$  ( $n = b+c = 2+17 = 19$ ,  $19 < 25$ ) бўлгани учун  $b$  ва  $c$  дан кичигига teng бўлган  $T_2$  мезони

статистикаси ҳисоблаб чиқилади( $T_2=2$ ).  $T \leq 2$  қиймати пайдо бўлиши эҳтимоли  $n = 19$  бўлган ҳолда  $0,002$  га teng. Фаразни текширишнинг аҳамиятлилиги даражаси  $\alpha=0,05$  бўлса, бунда  $\alpha/2 = 0,025$  бўлади ҳамда  $0,002 < \alpha/2$  тенгсизлиги тўғри бўлиб чиқади.

Натижада  $H_0$  фарази  $\alpha = 0,005$  қиймати даражасида оғади ва  $H_1$  муқобил фарази қўлланилади. Ўқувчиларнинг аксарияти синов ишининг уддасидан чиқишиди, бу эса “Такрибий ҳисоблаш методлари” мавзусини ўрганишга оид методиканинг самараали ишлаб чиқилганидан далолат беради.

Ишлаб чиқилган методиканинг самарадорлигини текширишга, хусусан, унинг бир қатор малакаларни ривожлантиришга кўрсатадиган таъсирини аниқлашга қаратилган тажрибанинг асосий мақсадидан келиб чиқсан ҳолда биз синов ишини ўтказдик.

У шундай тарзда тузилдики, топшириқларнинг мазмuni ўқувчиларнинг бевосита “Такрибий ҳисоблаш методлари” бўлимими ўрганиши натижасида шаклланган қўникмаси ва малакасини текширишга қаратилмаган эди. Бунда фақат ўқув дастурида кўзда тутилган билим, қўникма ва малака текширилди. Айни пайтда биз ишлаб чиқсан модулнинг анъанавий бўлган, шу билан бирга техниковий тафаккур услугига хос қўникмалар доирасига кирувчи малакаларнинг шаклланганлигига таъсирини аниқлаш кўзда тутилган эди. Бизнинг ҳолатимизда бундай малакаларга қуйидагилар киради:

**катталикларни керакли аниқликда ўлчай олиш;**

**амалий ва татбиқий тусдаги масалаларни ечиш, бунда математик моделлаштиришнинг барча босқичларидан фойдаланиш;**

**ҳисоблаш ва ўлчашларнинг такрибий қийматини топа олиш ҳамда олинган натижаларни математик жиҳатдан баҳолай олиш;**

**образлардан фойдалана олиш;**

**графикларни ўқий олиш ва улар воситасида белгиланадиган ҳақиқий жараёнларни кўра билиш.**

Якуний мақсадни кўзлаган ҳолда (асосий малакаларни шакллантириш), шуни қайд этамизки, ҳар бири у ёки бу малакани аниқлашга йўналтирилган

масалаларнинг аксариятини кесишмайдиган тўпламостилари шаклида тасаввур этиб бўлмайди. Бундай тақсимот ниҳоятда шартли бўлиб, масалаларнинг тўғри ечилиши фақат битта қобилиятдан далолат беради, деб ҳисоблаш ноўрин бўлади. Аммо айтиш мумкинки, масалани ечиш жараёнининг ва унинг натижасини таҳлили у ёки бу малаканинг мавжудлигидан далолат беради. Биз уни қуйидаги масалада “етакчи” деб атаемиз.

Ўқувчиларда юқорида санаб ўтилган малакаларнинг мавжудлигини текшириш учун биз қуйидаги синов ишини ўтказдик:

**1-топшириқ.** Чизиқсиз қоғозга қалам узунлигига teng кесмани чизиб, мавжуд чизғич билан унинг узунлигини 1 mm гача; 1 см гача аниқлик билан топинг.

**2-топшириқ.**  $(1+a)^2$  ифодасини қиймати а нинг қиймати 1 дан кам ҳолларда тахминан  $1+2a$  ифодасига алмаштириш мумкин бўлади. Агар  $a = 0,00057$  бўлса, бундай алмаштиришда натижа қандай аниқлик билан топилади?

**3-топшириқ.** Агар 78,2 ва 324,6 сонларининг ҳар бирини 0,1 га оширсак, уларнинг қўпайтмаси қанчага ортади?


Аввал натижа топилади, сўнgra уни ушбу сонларнинг қўпайтмаси билан таққосланади. Кўпайтманинг натижасини қандай билиш мумкин: олдиндан мўлжаллаш орқали ёки бевосита ҳисоблаш йўли биланми?

**4-топшириқ.** 100 g юк осиб қўйилган спиралсимон пружинанинг узунлиги 53 см га teng бўлади, 250 g юк таъсирида эса унинг узунлиги 57,5 см га teng бўлади. Пружина узунлигининг юк оғирлигига боғлиқлигини чизиқли (Гук қонуни) деб ҳисоблаган ҳолда, уни аналитик жиҳатдан ифодаланг, ушбу боғлиқликнинг графикини чизинг.

Олинган формуладан ва чизилган графикдан фойдаланиб, қуйидагиларни топинг:

- 1) Деформацияланмаган пружинанинг узунлиги нимага teng?
- 2) Юкнинг оғирлиги бир g га ошганда пружина узунлиги қанчага ошади?
- 3) Қандай юк таъсирида пружина узунлиги: а) 54 см га; б) 42 см га teng бўлади?


**5-топшириқ.** 15-расмда т модда массасининг  $t$  вақтга боғлиқ ҳолда ва турли дарражаларда ўзгаришини ифодаловчи графиклар тасвирланган.



15-расм

- a) Ҳар бир ҳолатда масса ўзгариши тезлиги ҳакида нима дейиш мумкин?
- б) Ҳар бир оралиқда масса ўзгариши тезлигини солишитириңг.

**6-топшириқ.** Моддий нүкта ҳаракатининг графиги берилған(16-расм).



16-расм

Ушбу ҳаракатни тавсифланг. Унинг аналитик моделини ёзиб олинг.

Қуйида ўқувчилар томонидан “Тақрибий ҳисоблаш методлари” мавзуси ўрганилишидан аввал ва ундан кейин шаклланган асосий малакаларни ифодаловчи жадвал келтирилган.

#### 4-жадвал

Малаканинг мавжудлиги						
	Ўлчай олиш	Натижага математик баҳо берса олиш	Тақрибий ҳисобл. бажара олиш	Моделлаштира олиш	График малакалар	Чизмаларни реал жараёнлар билан ифодалай олиш
Бўлимни ўрганишдан олдин	25%	49%	37%	27%	40%	38%
Бўлимни ўрганишдан кейин	53%	68%	61%	59%	72%	64%

Ҳар бир малака бўйича олинган натижаларни таҳлил қиласиз.

**1. Ўлчай олиш.** Ушбу малакани текширишга оид топшириқни бажаришда мавзуни ўрганишдан аввал ўқувчилар муайян даражада “стихияли” тарзда жавобни ёзиб олишади: ўлчов асбобининг хатоликлари эътиборга олинмаган, зарур ҳолларда ҳисоб-китоблардаги хатоликлар эътиборга олинмаган ва тегишли равишда, ҳар доим ҳам берилган аниқликка эришиб бўлмайди. Шу сабабли тажриба-синов иштирокчиларининг тўртдан бир қисми бундай топшириқни улдалай олган холос. Мавзу ўрганилганидан сўнг кўпроқ ўқувчилар (53%) ўлчовни тўғри бажара олган, бироқ уларнинг аксарияти ўлчовда хатоликларга йўл қўйган.

**2. Ҳисоблаш натижаларига математик жиҳатдан баҳо берса олиш.** Ушбу малакани намоён этишга ёрдам берувчи топшириқ содда бўлиб, кўпчилик ўқувчилар унинг уддасидан чиқишиди. Бунда ҳисоблашлардаги аниқликка эришган ўқувчилар сони 19% га ортди.

**3. Тақрибий ҳисоблашларни бажара олиш.** Бу малакани ўқувчиларнинг 61% и намоён эта олди. Шуни қайд этамизки, ўқувчиларнинг кўпчилиги тахминлардан фойдаланишни афзал билишди, бунда ҳисоблаш кўлами жиддий қисқарган.

**4. Моделлаштира олиш малакаси,** яъни татбиқий тусдаги масалани математик моделлаштиришнинг босқичларини эътиборга олган ҳолда еча олиш, бўлимни ўргангач, бундай малакани ўқувчиларнинг 59% и намоён этди, бу эса мавзуни ўрганишгacha бўлган кўрсаткичдан 32% га ортиқ. Топшириқ шартига кўра, натижани шарҳлашга кўпроқ эътибор қаратиш, бунда ҳақиқатга зид жавобни чиқариб ташлаш керак.

Шуни қайд этамизки, пружина узунлигининг юк оғирлигига аналитик жиҳатдан боғлиқлигини тўғри белгилаб, кўп ҳолларда кичик топшириқларни бажаришда графикдан фойдаланилди. Топшириқни бажаришда графикка мурожаат этиш техника йўналишидаги академик лицей ўқувчилари учун жиддий ютуқ ҳисобланади ва маълум маънода уларнинг график қобилиятларини намоён этади.

Шуни қайд этамизки, ўқувчилар “аниқ” жавоб беришга интилмадилар, балки натижанинг муайян аниқликда топилганини қайд этишди.

**5. Ҳосиланинг физик маъносидан фойдаланган ҳолда графикларни ўқий олишга хос топшириқларни бажариш бўйича мавзуни ўрганиш ва ундан кейинги фарқлар анча жиддийдир. Аввал ўқувчилар уни бажаришда қийналишди: бошқа топшириқлар натижаларига нисбатан унчалик юқори бўлмади. Ўқувчилар учун энг қийини - берилган оралиқлардаги тезликларни таққослаш бўлди.**

Ушбу мавзуни ўрганишга ажратилган вақт тугагач, тажриба-синовда қатнашган ўқувчилар бу топшириқни бошқаларга қараганда сифатлироқ бажаришди.

График малакаларнинг сифатли бажарилиши, айни пайтда образлардан фойдалана олиш қобилиятини “Тақрибий ҳисоблаш методлари” мавзусини ифодалаш методикаси билан боғладик.

**6. Чизмаларни реал жараёнлар билан таққослай олиш ва образлардан фойдалана олиш малакаси** топшириқнинг бажарилишини назорат қилиш жараёнида ойдинлашади. Ҳаракатнинг график моделидан аналитик моделга ўтишда ўқувчиларнинг 54% и моддий нуқта ҳаракатини тўғри тасвирлашди ва бунда чизмаларни ўқий олиш малакасини намоён этишди.

Таклиф этилган топшириқларнинг тажриба-синовда қатнашган ўқувчилар томонидан бажарилиши натижаларини таққослаш айрим хулосалар чиқариш имконини берди: техникавий тафаккурга хос қобилиятларнинг мавжудлиги ўқувчилар томонидан кўпроқ даражада “Такрибий ҳисоблаш методлари” мавзуси ўрганилганидан сўнг намойиш этилди; бунда бизнинг топшириқларимизда графикларни ўқиш билан боғлиқ бўлган образларни қайта кодлаштириш малакасини намоён этиш талаб қилинар эди. Санаб ўтилган малакалар турларини шакллантириш биз ишлаб чиқсан бўлим методикасида кўзда тутилган.

Шу тарзда тажриба-синов ишлари натижалари таълим жараёнида техникавий тафаккурга хос бўлган малака(қобилият, лаёқат)лар даражасини ошириш мумкинлигини кўрсатди. Бунда таълим жараёнида техника йўналишидаги академик лицейларда математика ўқитиши методикасининг ўзига хос жиҳатлари эътиборга олинган. Бу билан методик жиҳатдан ўзига хосликларни эътиборга олган ҳолда тузилган техника йўналишидаги академик лицейларда маҳсус йўналтирилган математик таълим мазмуни ўқувчиларда техникавий тафаккур услубларини ривожлантиришга хизмат қилиши тўғрисидаги фаразимиз ўз тасдифини топди.

## **Х У Л О С А Л А Р**

Олдимизга қўйилган вазифаларга мувофиқ равишда олиб борган назарий ва амалий татқиқотларимиз натижасида биз қўйидаги асосий хulosаларга келдик:

1. Техника йўналишидаги академик лицейларда математика таълими мазмунининг хусусиятлари ойдинлаштирилди.
2. Математика таълими жараёнидаги техникавий тафаккур услубига хос малакалар(катталикларни ўлчаш, натижаларга математик жиҳатдан ишлов бериш, ҳар хил жараёнларни моделлаштириш, чизмаларни ўқиш, графиклар ясаш, образларни қайта кодлаштириш, тақрибий сонлар билан ишлаш ва ҳоказолар) аниқланди.
3. Техника йўналишидаги академик лицейлар учун математик таълим мазмuni ўқувчиларнинг психологик ва психофизиологик хусусиятларини эътиборга олиш лозимлиги; математик таълим мазмунини ва методикасини танлашда ўқувчилар тафаккуриннинг образли компонентларини ривожлантиришга алоҳида эътибор бериш кераклиги таъкидланди.
4. Техника йўналишидаги академик лицейлардаги таълим мақсадларига эришишга йўналтирилган математика таълими мазмунини аниқлаш мезонлари (психофизиологик, халқаро аҳамиятлилик, таркибий-мазмунли ва мазмунли-методик) ишлаб чиқилди.
5. Амалдаги алгебра ва анализ асослари ҳамда геометрия дарслклари мазмунни, таркибий ва методик аппаратининг таҳлили техника йўналишидаги академик лицейлар учун математика таълим мининг мазмунини ишлаб чиқилган танлаш мезонларига тўла мос эмаслигини кўрсатди, бу эса муқобил тарздаги маҳсус ўқув қўлланмаларини яратиш зарурлигини тасдиқлади.
6. Техника йўналишидаги академик лицейларда математика таълим мининг методик жиҳатдан ўзига хосликлари, айниқса уларда амалий ва татбиқий йўналғанликни кучайтириш лозимлиги ажратиб кўрсатилди.

Математика таълими мазмунининг биз таклиф этган танлов мезонлари улардан ўкув дастури талабларини белгилаш, ўкув қўлланмалари ва уларга мос методик тасвиялар ишлаб чиқиш, зарур ҳолларда қўшимчалар киритишида қўлланишининг самарадорлигини кўрсатди.

7. “Тақрибий ҳисоблаш методлари” мавзуси бўйича тавсиялар ишлаб чиқишида математик таълим методикасига биз таклиф этаётган ёндашувлар жорий этилди.

Ишлаб чиқилган материаллар бўйича тажриба-синов ишлари натижалари техника йўналишидаги академик лицей ўқувчиларида техникавий тафаккур услубларини ривожллантириш учун маҳсус йўналтирилган математик таълим тизими зарурлигини тасдиқлади.

Бизнингча, назарий ва амалий тадқиқотларимиз натижасида чиқарган хуносаларимиздан аниқ фанлар туркумига кирувчи ҳар бир фан йўналиши бўйича академик лицейлар учун Давлат таълим стандартларига мос алоҳида-алоҳида ўкув дастурлари, қўлланмалари ва улар учун методик тавсиялар ишлаб чиқишида намуна сифатида фойдаланиш мумкин. Шунингдек, фикр-мулоҳазаларимиз ижтимоий-гуманитар фанлар йўналишидаги академик лицейларда математик таълим хусусиятларини аниқлаш ва шу асосда унинг мазмунини танлаш таълимтарбия сифатини оширишда ўз самарасини кўрсатади, деган умиддамиз.

## **ФОЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР РЎЙХАТИ**

1. Ўзбекистон Республикаси Конституцияси. - Т.: Ўзбекистон, 1992. - 48 б.
2. “Таълим тўғрисида” Ўзбекистон Республикаси Қонуни. Т.: Ўзбекистон, 1997. – 12 б.
3. Кадрлар тайёрлаш Миллий дастури». – Т.: Ўзбекистон, 1997. –31 б.
4. Каримов И.А. Ўзбекистоннинг ўз истиқлол ва тараққиёт йўли. Т.: Ўзбекистон, 1992. – 78 б.
5. Каримов И.А. Ўзбекистон иқтисодий ислоҳотларни чуқурлаштириш йўлида. - Т.: Ўзбекистон, 1995. – 269 б.
6. Каримов И.А. Ўзбекистон XXI асрга интилмоқда. – Т.: Ўзбекистон, 1999. – 48 б.
7. Миллий истиқлол ғояси: асосий тушунча ва тамойиллар. – Т.: Ўзбекистон, 2001. – 80 б.
8. Абдуллаева Б. Развитие математического мышления (у) учащихся академических лицеев(на примере обобщенного урока). Автореф.дисс...к.пед.н. – Т., 2002. – 21 с.
9. Абдухамидов А.У., Насимов Х.А. Алгебра ва математик анализ асослари. Академик лицейлар учун ўқув қўлланма. 1-қ. – Т., 2000; 2-қ. – Т., 2000.
10. Азларов Т.А. ва б. Математикадан қўлланма. 1-қ. – Т.: Ўқитувчи, 1979. – 447 б.; 2-қ. – Т.: Ўқитувчи, 1980. – 352 б.
11. Академик лицейлар учун ўқув дастури. Аниқ фанлар йўналиши. Давлат таълим стандартлари. -Т.: Шарқ, 2001. - 58 б.
12. Александров П.С. Математика как наука. – В кн.: Вопросы общей методики математики. Изд. АПН РСФСР, вып. 92. - М., 1958.
13. Алиматова Г.Р. Коллеж ўқувчиларининг математик тайёргарлигини касбга йўналтириш методикаси(саноат касб-ҳунар коллежлари

- мисолида). Пед.ф.н... дисс.автореф., Т., 2004. – 22 б.
14. Алимов Ш.О. ва бошқалар. Алгебра. 8-синф учун дарслік. – Т.: Ўқитувчи, 2002.
15. Алимов Ш.О. ва бошқалар. Алгебра. 9-синф учун дарслік. – Т.: Ўқитувчи, 2002.
16. Алимов Ш.О. ва бошқалар. Алгебра ва анализ асослари. 10-11-синфлар учун дарслік. – Т.: Ўқитувчи, 2002. – 323 б.
17. Аллаберганов С.А. Элементарные приближенные вычисления в среднем образовании. Дисс. канд. пед. наук. – М., 1975. – 134 с.
18. Андреев И.Д. О методах научного познания. - М.: Наука, 1964. – 184 с.
19. Андronов И.К. Арифметика дробных чисел и основных величин. - М.: Учпедгиз, 1955. - 280 с.
20. Анелаускене А. Типы математических способностей и индивидуализации обучения математике (IX-XI классы). Автореферат дисс.канд.пед.наук. – Вильнюс, 1970. – 18 с.
21. Бабанский Ю.К. Интенсификация процесса обучения. – М.: Знание, 1987. – 89 с.
22. Бабанский Ю.К. Ҳозирги замон умумий таълим мактабларида ўқитиши методлари. – Т.: Ўқитувчи, 1990. – 220 б.
23. Бакирова А.Ю. Развитие математического мышления учащихся на основе дифференцированного подхода (на материале академических лицеев математического и естественного направлений). Дисс. ...к.пед.н. – Т., 2004. – 20 с.
24. Барчунова Ф.М. Об определении верных цифр приближенного значения числа.// Математика в школе.- М., 1978, № 1. - С.34.
25. Батори З. Совершенствование содержания образования в Венгрии// Перспективы. - 1987. - № 2. - С.17-28.
26. Бекбоев И.Б., Тимофеев А.И. Развитие умений и навыков самостоятельной работы учащихся на уроках математики. - Фрунзе, 1965. - 104 с.

27. Беспалько В.П. Слагаемые педагогической технологии. – М.: Педагогика, 1989. – 192 с.
28. Билибин Н.И. Учебник алгебры. Для гимназий и реальных училищ.-Спб., 1905. - 502 с.
29. Блонский П.П. Избранные педагогические и психологические произведения/ Под. ред. А.В. Петровского.- М.: Педагогика, 1977- 304 с.
30. Богоявленский Д.Н., Менчинская Н.А. Психология усвоения знаний в школе. - М.: Изд-во АПН РСФСР, 1959. - 347 с.
31. Божович Л.И. Личность и ее формирование в детском возрасте. – М.: Просвещение, 1968. – 464 с.
32. Болтянский В.Г., Глейзер Г.Д. К проблеме дифференцированного школьного математического образования./Математика в школе, 1988. - . -С. 9-13.
33. Брадис В.М. Вычислительная работа в курсе математики средней школы.- М.: Изд-во АПН РСФСР, 1962. - 252 с.
34. Брадис В.М. Ошибки в математических рассуждениях. - М.: Просвещение, 1967. - 191 с.
35. Брунер Дж. Процесс обучения. Перевод с англ. - М.: Изд-во АПН РСФСР, 1962. - 56 с.
36. Быстров З. Новейшие программы и правила реальных училищ. - СПБ, 1911. - 32 с.
37. Виленкин Н.Я. Современные проблемы школьного курса математики и их исторические аспекты// Математика в школе, 1988. № 4. -С.7-13.
38. Вилькеев Д.В. Методы научного познания в школьном курсе обучения. - Казань, 1975. - 180 с.
39. Воскресенская Н.М., Митина В.С. Обновление содержания образования в школах капиталистических стран// Советская педагогика, 1989, № 9. - С.116-122.
40. Выготский Л.С. Избранные психологические исследования. - М.: Изд-во АПН РСФСР, 1956. - 252 с.

41. /айбуллаев Н.Р. Совершенствование обучения математике в школе на основе повышения эффективности практической деятельности учащихся. Дисс. в форме научн. докл. на соиск. учен. степ. доктора пед.наук. – М., 1983. – 47 с.
42. /айбуллаев Н.Р, и др. Методика приближенных вычислений в школе. – Т.: Ўқитувчи, 1982. - 137 с.
43. Галицин М.Л. ва б. Алгебра ва математик анализ курсини чуқур ўрганиш. – Т.: Ўқитувчи, 1995.
44. Гальперин П.Я. Основные результаты исследований по проблеме формирования умственных действий и понятий. -М.:МГУ, 1965. - 150 с.
45. Голованова Е.Ю. Методические особенности обучения математике в старших классах гуманитарного направления: Автореф. дисс...к.пед. н. - М., 1991. - 18 с.
46. Гончаров В.Л. Математика как учебный предмет.- В кн.: Вопросы общей методики математики. - М.: Изд-во АПН РСФСР, 1958.
47. Гончаров Н.К. О введении фуркации в старших классах средней школы// Советская педагогика, 1958, № 6. - С. 12-37.
- 48.Гнеденко Б.В. Математика и математическое образование в современном мире.- М.: Просвещение, 1985. - 192 с.
49. Грабарь М.И., Краснянская К.А. Применение математической статистики в педагогических исследованиях. Непараметрические методы.- М.: Педагогика, 1977. - 136 с.
50. Гусев В.А. Методические основы дифференцированного обучения математике в средней школе:Автореф. дисс...д-ра пед. н. -М.,1990. -39 с.
51. Давыдов В.В. Виды обобщения в обучении (логико-психологические проблемы построения учебных предметов). - М.: Педагогика, 1972. - 423 с.
52. Денищева Л.О. Методика формирования приемов учебной работы при обучении началам анализа. Авторефер. дисс...к.пед.н. – М., 1982. – 14 с.
53. Долбилин Н.П., Никольский С.М. Заметки о конгрессе/ VI Международный конгресс по математическому образованию// Математика в школе, 1989, № 4. - С.81-86.

54. Дорофеев Г.В., Кузнецова Л.В., Суворова С.Б., Фирсов В.В. Дифференциация обучения математике //Математика в школе.–1990.– №4.– с.15–21.
55. Ёш математик қомусий луғати. Русчадан түлдирилган таржима. – Т., 1991.
56. Занков Л.В. Дидактика и жизнь. - М.: Просвещение, 1968. - 168 с.
57. Зорина Л.Я. Дидактические основы формирования системности знаний старшеклассников. - М.: Педагогика, 1978. - 128 с.
58. Захидова Д.А. Использование технологии подготовки ремесленников Средневекового Востока в среднем специальном, профессиональном образовании. Автореф.дисс...к.пед.н. – Т., 2002. – 18 с.
59. Ибрагимов И. Методы приближенных вычислений. Методическое пособие.- Т.:ТАСИ, 2002. - 25 с.
60. Ибрагимов И. Критерии отбора содержания математического образования. // «Халқ таълими» ж., 2003, 5-сон. – 144 - 145-б.
61. Ибрагимов И. Педагогик технологияларга амал қилиш малакали кадрлар тайёрлаш кафолатидир. // Халқаро илмий-амалий конференция материаллари.-Т., 2003. – 130 - 133-б.
62. Ибрагимов И. Опыт преподавания основ приближенных вычислений. // «Халқ таълими» ж., 2003, 6-сон. – 186 - 189-б.
63. Ибрагимов И.Приближенное решение уравнений в академических лицеях технического направления. // «Халқ таълими» ж., 2004, 1-сон. - 176 - 179-б.
64. Ибрагимов И. Академик лицейларда математик таълим мазмунининг концептуал жиҳатлари. // «Халқ таълими» ж.,2004, 3-сон. – 93 - 97-б.
65. Икромов Ж. Мактаб математика тили. – Т.: Ўқитувчи, 1977. - 189 б.
66. Инге Унт. Индивидуализация и дифференциация обучения. -М.: Педагогика, 1990. - 192 с.
67. Интенсификация науки и производства: проблемы методологии. Отв.ред. Урсул А.Д. – Кишинев: Штиинца, 1987. – 236 с.
68. Кабанова-Меллер Е.Н. Формирование приемов умственной деятельности и умственное развитие учащихся. - М.: Просвещение, 1968. - 288 с.

69. Каченовский М.И. ва б. Алгебра ва анализ асослари. 1-қисм. Г.Н. Яковлев таҳр. остида. – Т.: Ўқитувчи, 1997. – 344 б.
70. Кларин М.В. Педагогическая технология. – М.: Знание, 1989. – 80 с.
71. Клейн Ф. Элементарная математика с точки зрения высшей. В двух томах., т.1, Пер. с нем. – М.: Наука, 1987. – 432 с.
72. Колмогоров А.Н. О профессии математики. -М.: Совет.наука, 1952. - 80с.
73. Колмогоров А.Н. Математика – наука и профессия. – М.: Наука, 1988. – 288 с.
74. Колягин Ю.М., Крупич В.И. и др. Задачи в обучении математики. - М.: Просвещение, 1977. - 110 с.
75. Костюк Г.С. Избранные психологические труды. –М., 1988. – 304с.
76. Коудлинг Д.А. Насколько важно изучать математику// Перспективы, 1983, № 4. - С.40- 47.
77. Крутецкий В.А. Психология математических способностей. - М.: Просвещение, 1968. - 280 с.
78. Крылов А.Н. Мои воспоминания. -М.: Изд-во АН СССР, 1963. - 380 с.
79. Кудрявцев Т.В.Психология технического мышления. – М.,1975. -304с.
80. Курбанов Ш., Сейтхалилов Э., Куранов М. и др. Формирование идеи национальной независимости в сознании молодежи.-Т.: Академия, 2003. –295 с.
81. Леонтьев А.Н. Проблемы развития психики. - М., 1972. – 415 с.
82. Лернер И.Я. Процесс обучения и его закономерности. - М.: Знание, 1980 . - 96 с.
- 83.Лошкарева Н.А. Овладение общеучебными умениями и навыками как средство оптимизации учения школьников. – М., 1983.
84. Лурье И.А. Профильная дифференциация при обучении математике//Тезисы Всесоюз. науч.-практ.конф. «Дифференциация в обучении математике». – Кутаиси, 1989. - С.12-14.
85. Ляпунов А.А. Онтодидактика в математике. В кн.: На путях обновления школьного курса математики. - М.: Просвещение, 1978. – С. 111 – 116.

86. Маврицкий В.А. Правила и программы реальных училищ. М.: изд. В.А. Маврицкого, 1908. - 208 с.
87. Мадбабаев М.М. Методика изучения приближенных вычислений в курсе математике восьмилетней школы на базе измерений. Дисс...к. пед.н. - М., 1987. - 174 с.
88. Масленников М.Ф. Формирование элементов технического мышления учащихся при обучении физике : Автореф. дис. . . . канд. пед. наук. – Л. , 1974. –24 с.
89. Махмутов М.И. Современный урок. Вопросы теории. - М.: Педагогика, 1981. - 192 с.
90. Мельников М.А. Опыт дифференцированного обучения в средней общеобразовательной школе// Советская педагогика, 1960, №8. С.34-50.
91. Менчинская Н.А. Психология усвоения понятий. Изв. АПН РСФСР, вып. 28. – М., 1950. - С.3-16.
92. Метельский Н.В. Дидактика математики. - Минск: Изд-во БГУ, 1982. -256 с.
93. Метельский Н.В. Пути совершенствования обучения математике. Проблемы современной методики математики. - Минск: Университет, 1989. – 169 с.
94. Методика преподавания математики в средней школе. Общая методика. Сост.: Оганесян В.А. и др. - М.: Просвещение, 1980. -368 с.
- 95.Мещалкина К.Н. Профильная дифференциация образования// Советская педагогика, 1990, № 1. – С. 60 – 64.
96. Монахов В.М., Орлов В.А., Фирсов В.В. Дифференциация обучения в средней школе// Советская педагогика,1990, № 8. - С.42-47.
- 97.Нойнер Г. Новые учебные планы и творчество учителя// Советская педагогика, 1988, № 1. – С. 117 – 125.
- 98.Норматов А.А. Профессионально-педагогическая подготовка студентов-математиков при проведении практикума по геометрии. Автореф. дисс...к.пед.н. –Т., 1993. – 22 с.
99. Оганесян В.А. Принципы отбора основного содержания обучения математике в средней школе. -Ереван: Луйс, 1984. - 215 с.

- 100.Оконь В. Введение в общую дидактику. - М.: Всш. школа, 1990. -382 с.
- 101.Осинская В.Н. Формирование у старшеклассников приемов умственной деятельности в процессе обучения математике. Автореф. дисс...к.пед.н. – Киев, 1978. – 24 с.
102. Основы дидактики. Под. ред. В.П. Есипова. - М.: Просвещение, 1967. – 472 с.
- 103.Отажонов Р.К. Геометрик ясаш методлари. Педагока институтлари студентлари учун кўлланма. – Т.: Ўқитувчи, 1980.
104. Очилов М. Педагогик технология. – Қарши: Насаф, 1999. - 126 б.
105. Петровский А.В. и др. Общая психология. - М.: Просвещение, 1986. - 464 с.
106. Пиаже Ж. Избранные психологические труды. - М., 1969. -800 с.
107. Платонов К.К. Проблемы способности. – М.: Наука, 1972. – 312с.
- 108.Познавательные процессы и способности в обучении. Под ред. В.Д. Щадрикова. – М.: Просвещение, 1990. – 142 с.
109. Пойа Д. Математическое открытие. -М.: Наука, 1976. – 448 с.
110. Преемственность в обучении математике: Сб. статей/ Под. ред. А.М. Пышкало. - М.: Просвещение, 1978. - 240 с.
111. Раевов М. Формирование прикладных умений учащихся УП-IX классов общеобразовательных школ (на материале межпредметных связей алгебры и геометрии). Авторефер. дисс.канд.пед.наук. – М, 1990. – 18 с.
- 112.Рубинштейн С.Л. Основы общей психологии. В 2-х томах, т.II. -М.: Педагогика, 1989. – 328 с.
113. Саипназаров Ш.А. Академик лицейларда математика курсида ўқувчиларнинг иқтисодий кўнику маалакаларини ривожлантириш. Пед.ф.н... дисс. – Т., 1998. – 141 б.
114. Сайдаҳмедов Н. Янги педагогик технологиялар. - Т.: Молия, 2003. – 172 б.
115. Самарин Ю.А. Очерки психологии ума. - М.: Изд-во АПН РСФСР, 1962. – 504 с.
116. Сатьянов П.Г. Методика использования задач графического содержания в обучении началам математического анализа в школе : Дис.... канд. пед.

наук. – М. : 1984. – 171 с.

117. Скаткин М.Н., Краевский В.В. Содержание общего среднего образования: Проблемы и перспективы. - М.: Знание, 1981.– 96 с.
118. Способности и склонности: комплексные исследования Э.А. Голубева, В.В. Печенков, Е.П. Гусева и др. - М.: Педагогика, 1989. – 200 с.
119. Столляр А.А. Педагогика математики. - Минск: Вышайшая школа, 1974. - 384 с.
120. Струве В.Б. О курсе математики в коммерческих училищах// Техническое образование, 1894, № 1. - С.1-13.
121. Таджиев М. Обучение самостоятельному решению математических задач с производственным содержанием как условие подготовки учащихся вечерних школ к дальнейшему самообразованю. Автореф. дисс...к.пед.н. – М., 1991. – 16 с.
122. Теплов Б.М. Избранные труды. В двух томах. – М.: Педагогика, 1985.
123. Толаганов Т.Р. Профессиональная направленность математической подготовки будущих учителей. Дисс...д-ра пед.н. Т, 1990.
124. Тұлаганов Т.Р. Элементар математика. Педагогика институтлари ва университетлар учун ўқув қўлланма. – Т.: Ўқитувчи, 1997. – 272 б.
125. Усова А.В. Формирование у школьников научных понятий в процессе обучения. - М.: Педагогика, 1986. – 176 с.
126. Фарберман Б.П. Составление педагогических тестов. – Т.: ТАДИ, 1993. – 80 с.
127. Федорова Н.Е. Методическое обеспечение профильной дифференциации обучения математике в старших классах средней школы в форме научного доклада. Афторефер. дисс. канд. пед. наук. - М., 1991. – 28 с.
128. Фирсов В.В. О прикладной ориентации курса математики. В сб.: Углубленное изучение алгебры и начала анализа. Сост.: С.И. Шварцбурд, О.А. Боковнев. - М.:Просвещение,1984. - С.215- 239.

129. Фирсов В.В. Дифференциация как важнейший аспект перестройки школы// Тезисы Всесоюзн. научно-практич. конф. «Дифференциация в обучении математике». - Кутаиси, 1989. - С. 7 - 9.
130. Фройденталь Г. Новая математика или новое образование//Перспективы, 1982, №1-2. -С.121-130.
131. Хамблин Д. Формирование учебных навыков: Пер. с англ. - М.: Педагогика, 1986. – 160 с.
132. Холлз Ф. Учебная программа для школ Европы// Перспективы, 1982, № 1 – 2. – С. 79 – 88.
133. Щукина Г.И. Активизация познавательной деятельности учащихся в процессе обучения. - М.: Просвещение, 1979. – 160 с.
134. Шахмаев Н.М. Учителю о дифференциированном обучении (метод. Рекоменд.). - М.: НИИОП АПН СССР, 1989. – 65 с.
135. Эльконин Д.Б. Избранные психологические труды. - М.: Педагогика, 1989. -560 с.
136. Энциклопедия педагогической технологий. Материалы для спец. Образов. учреж. – Санкт-Петербург: Каро, 2002. – 368 с.
137. Эрдниев П.М. Эрдниев Б.П. Укрупнение дидактических единиц в обучении математике. - М.: Просвещение, 1986. – 255 с.
138. Эшпулатов Н. Усиление политехнической направленности изучения в школе алгебры и начал анализа на основе использования элементов информатики. Дисс... к.пед.н. – Т., 1995. – 19 с.
139. Якиманская И.С. Формирование интеллектуальных умений и навыков в процессе производственного обучения. - М.: Высшая школа, 1979. - 88 с.
140. Ястребинецкий Г.А. О математическом образовании в школах США// Математика в школе, 1988, № 4. – С.. 73 – 76.
141. Фозиев Э. Психология. – Т.: Ўқитувчи, 994. – 224 б.
142. Applications of High School Mathematics / M.P.Cohen, G.H.Elgarten, F.J.Gardella, W.S.Lewis, J.E.Meldon, M.S.Weingar

- den / Ed. by Hoyghton Mifflin Compani, 1990. – 656 p.
143. Curricula for Academic Secondary Schools. Mathematics. Budapest, 1986. – 46 p.
144. Curriculum and Evaluation Standards for School Mathematics. Prepared by the Working Groups of the Commission on Standards for School Mathematics of the National Council of the Teachers of Mathematics Working Draft ] . – 1987. – 179 p.
145. Disciplines d'enseignement general : Classes de Premiere et Terminale conduisant aux erezets de technicien Prepares a partir de la classe de Seconde de determination
146. (Ministere de l'education national Direction des lycees. – Paris, 1983. P. 17 – 22.
147. The Foundation Program's Authorized Courses and Code Numbers 1986 1988 //Mathematics and Computer Education. – Office Of Instructional Services Department of Education State of Hawaii, 1988. – 138 p.
148. The International Encyclopedia of Education. – Oxford, – Vol. 1 9. 5648 p. 132. International Hand Book of Education Systems. – Chichester, 1983. –Vol.I. – 729 p. ; Vol I I. – 896 p.
149. Keep up with Teaching Mathematics in France. – Paris, – 86 p.
150. Kimberling C. Roots : Half – interval search // Math Teacher . – 1985. Vol. 78. – N 2 – P. 120 – 123.
151. Math education reform / By the National research council // The education digest. – 1989. – vol. 54. – n 9 – P.29 – 32.
152. Moore T.F. Zeroing in on Zeros // Math. Teacher, 1985. – Vol. 78. – N 5 – P. 353 – 354.
153. Mathematics. Curriculum Guide to Mathematics 10, 13, 20, 23, 30, 33. – Province of Alberta : Department of Education, 1971. – 24 p.
154. Mathematics Program in Japan from the Elementary to the Secondary Schools / Ed. by Japanese Commision for Mathematical Inctruction, 1971. 49 p.

155. Ruddiman K. Search for the Core // Education. – 1990. – Vol. 175. – N 4  
P. 346 - 347.
156. Small R.D. Heuristic Method for Solving Polinomial Equations // The  
Math Teacher. – 1984. – Vol. 79. – N 9. – P. 710 – 714.
157. Technical and Vocational Education : Inform bull. – Paris. – Unesco.  
1981. – N 1. – 8 p. ; 1982. – N 2. – 12 p. ;
158. 1983. – N 3. – 8 p. ; 1984. – N 4. – 11 p. ; N 5. – 16 p. ; 1988. – N 9. – 5 p.
159. Thuizat A. , Girault G. , Math F. – Paris : Bordas, 1987. 128 p.
160. A Sourcebook of Applications of School Mathematics / D.Bushaw,  
Chairman, M.Bell, H.O.Pollak, M.Thompson, L.Usiskin. 1906  
Association Drive, Reston, Virginia. – 1980. – 361 p.

### **Интернет сайларидан олинган маълумотлар**

1. [www.fresoft.ru](http://www.fresoft.ru) - Интерактивный учебник по математике для старших классов
2. [www.fmi.asf.ru](http://www.fmi.asf.ru) - Актуальные формы преподавания математике в адаптированной школе
3. <http://fmi.asf.ru> - Учебные пособия по дисциплине "Математика"
4. <http://methmath.chat.ru> - Методика преподавания математики
5. [www.mcnmo.ru](http://www.mcnmo.ru) - Московский центр Непрерывного математического образования
6. [www.exponenta.ru](http://www.exponenta.ru)- Журнал Exponenta. Методические разработки.
7. <http://pedsovet.alledu.ru>- Интернет -педсовет (математика)
8. <http://www.iro.yar.ru>- Перечень тем для методических разработок по математике

